


Q 617 /4.
2000

O'ZBEKISTON TARIXI



4
2000





O'ZBEKISTON TARIXI

*Jurnalga 1998 yil iyulda asos solindi
Bir yilda to'rt marta chiqadi*

4

2000

Toshkent

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

«Fan» nashriyoti



ЎЗБЕКИСТОН ТАҲРИР

Таҳрир ҳайъати:

Дилором АЛИМОВА (бош муҳаррир), Азамат ЗИЁ, Бўриной АҲМЕДОВ, Шоира АСАДОВА (масъул котиб), Омонулло БҲРИЁВ, Валерия ГЕНТШКЕ, Доно ЗИЁЁВА, Нёматилла ИБРОҲИМОВ, Зиёвиддин ИСЛОМОВ, Уткир ИСЛОМОВ, Мирсодиқ ИСҲОҚОВ, Элёр КАРИМОВ, Розия МУҚМИНОВА, Эдвард РТВЕЛАДЗЁ, Рустам СУЛАЙМОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Темур ШИРИНОВ, Музаффар ХАЙРУЛЛАЁВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЁВ, Фарҳод ҚОСИМОВ, Асомиддин УРИНБОЁВ.

Манзиллимиз:

700170, Тошкент, Н. Мўминов кўчаси, 9-уй
Телефонлар: 133-47-12; 162-38-73

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2000 йил

Муҳаррирлар: М. Саидова, Ҳ. Раупова
Техник муҳаррир: Л. Тюрин

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00208. Теришга берилди 7.12.2000. Босишга рухсат этилди 25.12.2000. Қогоз бичими 70×100^{1/16}. Адабий гарнитура. Юқори босма. Офсет қоғози. Шартли босма 7,09. Ҳисоб нашриёти 6,5 т. Адади 721 нусха. 66-буюртма.

ЎЗР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, акад. Я. Ғуломов кўчаси, 70.
ЎЗР ФА «Фан» нашриётининг босмаҳонаси: 700170, Тошкент, акад. Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 79.

Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига

О. Қориев

БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙНИНГ ҲАЕТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Ўрта Осиё илмий муҳитининг ўрта асрлардаги ютуғи нафақат Шарқ, балки умумбашар маданияти ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси барчага аён. Шунинг учун мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган йилларда бу шавкатли кўҳна тарихнинг ёрқин қирраларини кўз-кўз қилиш, аجدодларимизнинг улкан илмий-маънавий мероси билан ҳақли равишда фахрланиш туйғусини тарбиялаш борасида қатор хайрли ишлар қилинмоқда.

Яқин ўтган кунларда фақатгина тор мутахассислар доирасидагина маълум бўлган буюк аждодларимиз Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Фирдавсий, Рудакий, имом ал-Бухорий, Замаҳшарийларнинг Ўрта Осиё илм-фани, маънавият ривожига тутган муносиб ўринлари ҳақидаги маълумотлар кенг халқ оmmasига етказилиб, буюк аждодлар билан фахрланишга асос бўлмоқда.

Бундай сазй-ҳаракатлар Шарқ халқлари маънавиятининг ажралмас қисмларидан бўлган исломий қадриятлар билан боғлиқ бўлган илм соҳаларига ҳам қаратилганлиги чексиз мамнуният ҳиссини уйғотади.

Жумладан, мамлакатимиз ҳукуматининг 2000 йил исломий илм соҳаларидан бўлмиш калом илмининг султони Абу Мансур ал-Мотуридий (870—944) ва ислом ҳуқуқшунослиги илмининг ёрқин юлдузи Бурҳониддин ал-Марғиноний (1118—1197)лар таваллуд саналарининг нишонланиши ҳақидаги махсус қарори халқимиз маданий ҳаётида улкан воқеа бўлди.

Ислом дини VII аср бошларида Арабистон ярим оролида вужудга келган бўлса, VII—XII асрларда у ер юзининг талайгина қисмига ёйилди. Ислом динининг қўшни минтақаларга ёйилиши билан бир қаторда исломий илмларнинг вужудга келиши ва уларнинг мусулмон мамлакатлари маданияти ривожига катта таъсир кўрсатиши жараёни ҳам давом этди.

Жумладан, исломий илмлардан шариятнинг амалий қисми бўлган фикҳ илми илк ислом даврида Арабистонда шаклланган бўлсада, ўзининг юксак чўққисига Мовароуннаҳрда эришди.

Бу минтақа уламолари фикҳнинг ҳанафийа мазҳаби доирасида ижод қилиб, йирик фикҳ мактабига асос солдилар. Натижада бу алломалар ўзларининг бетақдор ижодлари билан нафақат Мовароуннаҳр фикҳ мактабини ривожлантирдилар, балки бу мактаб нуфузини қўшни минтақаларга етиб, бутун ислом оламида ҳанафийа мазҳаби мавқеини оширишга ҳам хизмат қилдилар.

Мовароуннахр фиқҳ мактаби илғор илмий анъаналарини мўъжаз яхлит бир шаклга келтириб, унинг довуғини бутун ислом оламига етказиб, асрлар давомида марғуб ва барқарор этишда бетакрор истеъдод намоён этган буюк ватандошимиз Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг номлари машҳурдир.

Шайх ул-ислом, Бурҳониддин шарафли номларига сазовор бўлган алломанинг тўла исми — Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абд ул-Жалил ал-Фарғоний ар-Ришдоний ал-Марғиноний бўлиб, у зотнинг насаби Абу Бакр Сиддиқ разия Аллоҳу анҳуга бориб етади¹.

Алломанинг таваллуд саналари ҳусусида аксарият адабиётларда маълумот берилмаган. Бундай маълумотлар зикр этилган манбаларда ҳам бу сана турли хил кўрсатилган. Масалан, «Ҳидоя»нинг инглиз тилидан рус тилига ўгирилган таржимасининг 1893 йил наشري сўз бошида² ва Н. П. Остроумовнинг «Исломшунослик» номи асарининг тўртинчи қисмида бу сана 530/1135—36, Абу Тоҳирхўжанинг «Самария» асарида 515/1123—24 йил ва ҳ. з. кўрсатилган.

Алломанинг туғилган йили 511/1117—18 деб кўрсатилган маълумот «ал-Ҳидоя»нинг юқорида зикр этилган Байрут наشري муқаддасида келтирилади³. Бу маълумот ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган қўлёзма нусхасидаги маълумотлар билан ҳам тасдиқланади.

Қизғи шундаки, рус олими Н. С. Ликошин аср бошида «Туркестанские ведомости» газетасида эълон қилган «Автор «Хидаи» номи мақоласида алломанинг туғилган ва вафот топган саналарини тўғри кўрсатган бўлишига қарамай, бу маълумотлар мутахассислар эътиборидан четда қолиб кетган. Шу сабабли аксарият қомусий луғатларда ва бошқа нашрларда алломанинг таваллуд санаси аниқ эмаслиги хабар қилинади. Лекин бизнингча, қўлёзма манбалардан олинган маълумотларга таяниб, алломанинг айни шу санада таваллуд топганлигини эътироф этишга асосимиз бор.

Демак, буюк ватандошимиз Бурҳониддин ал-Марғиноний 511/1117—18 йили ҳозирги Фарғона вилоятининг Риштон туманида таваллуд топган. Манбаларда бу воқеа ражаб ойининг саккизинчи куни душанбада чошғоҳ пайтида содир бўлганлиги ҳақида тафсилотлар ҳам учрайди.

Алломанинг болалик ва ўсмирлик даври ҳақида аниқ маълумотлар бўлмаса-да, у зотнинг дастлабки таълимини ўз боболари ва оталаридан олганликлари ҳақида хабар қилинади. Зеро, бу онла аъзолари замонасининг ўқиминли, зиёли кишиларидан бўлиб, алломанинг аждодлари қатори авлодлари ҳам муносиб ворислар бўлиб, ўрта аср илму фанида ёрқин из қолдирган алломалар бўлиб етишганлар. Бурҳониддин ал-Марғиноний ёшлик чоғларидан Қуръони каримни ёд олиб, ҳадислар билан жиддий машғул бўлган. Кейинчалик ўша даврининг илмий марказларидан бири бўлган Самарқандга кўчиб бориб,

¹ Бурҳониддин ал-Марғиноний. Ал-Ҳидоя шарҳ ул-бидаят ал-мубтади. Байрут, 1990. 5-бет.

² Ҳидоя. Ташкент, 1893. Т. 1. С. 25.

³ Ал-Ҳидоя. Ўша нашр. 5-бет.

Ўз илмини янада мукаммал этишга интилган. Аллома, асосан Моваро-уннаҳр илмий муҳитида тарбияланиб, маҳаллий устозлар таълими асосида юксак даражаларга эришган. У зотнинг Бағдод сафари жараёнида у ердаги илмий муҳит анъаналари билан танишуви ва «Мухтасар ал-Қудурий» асари билан танишиши хусусидаги лавҳалар ҳар қалай фақиҳнинг 544/1149—50 йилдаги ҳаж сафари давомида йўл-йўлакай содир бўлган воқеалардан бўлиши керак. Чунки аллома таржиман ҳоли ҳақидаги маълумотларда у зотни илм қидириб араб мамлакатларига сафар қилгани ҳақида хабарлар учрамайди.

Ҳаж ибодатини адо этгач, аллома 573/1178—79 йилларда ўзининг машҳур «ал-Ҳидоя» номли асарини ёза бошлаган⁴. Аллома 593/1197—98 йили Самарқандда вафот этган ва Чокардиза қабристонида дафн этилган.

Бурҳониддин ал-Марғиноний самарали ижод қилган алломалардандир. У зотнинг қаламига мансуб бўлган қатор асарларнинг номлари обрўли манбаларда зикр қилинади.

Жумладан, «Нашр ул-мазҳаб» (Мазҳабнинг ёйилиши), «Қитоб манасик ал-Ҳаж» (Ҳаж ибодати арконлари ҳақидаги китоб), «Қитоб мажмуъ ун-навозил» (Нозил бўлган нарсалар тўплами), «Қитоб ут-тажнис» ва «Қитоб ул-мазинид» номли фатволар тўплами, «Бидоят ал-мубтади» (Бошловчилар учун дастлабки таълим), «Қифоят ал-мунтаҳий» (Яқинловчилар учун тугал таълим), «Шарҳ Жомий ал-Қабир» (Катта тўплам шарҳи) каби қатор асарлари бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар бор.

Мазкур асарлардан айримларининг унчалик кўп бўлмаган нусхалари баъзи араб ва Европа мамлакатлари қўлёзмалар фондларида сақланаётган бўлсада, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган эмас.

Аллома ижодининг гул тожи ҳисобланмиш — «ал-Ҳидоя фи шарҳи-ал-Бидоят» асари бўлиб, у юқорида зикр этганимиздек 573/1178—79 йилларда ёзила бошланган ва ўн уч йил давомида таълиф этилган. У тўлалигича бизгача етиб келган ва бутун ислом оламида «ал-Ҳидоя» номи билан шуҳрат қозониб, ҳозирги кунимизгача бутун мусулмон оламида энг обрўли ва энг марғуб асар ҳисобланади.

Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳазратлари илм-фан тарихида машҳур фақиҳ сифатида ўчмас из қолдирган. Зеро, фиқҳ соҳасида асарлар оша алломанинг асаридан мукаммалроқ асар ёзилган эмас. Лекин бу ҳол кўпқиррали истисно соҳиби бўлган аллома иқтидорининг бир томонигина, холос. Бундан ташқари бу зот ҳофиз Қуръон, муҳаддис, адиб, шоир ва ниҳоят даражадаги тақводор инсон бўлганлиги маълум. У зот илмнинг ҳар қандай жабҳасида бўлмасин бир ишга қўл урар экан, ниҳоятда катта масъулият билан ёндошган. Алломанинг бизгача етиб келган одоб-ахлоққа оид назмий машқлари намуналари⁵ ва таржиман ҳолининг айрим тафсилотлари бундан гувоҳлик беради. Жумладан, деярли барча манбаларда зикр этилган алломанинг «ал-Ҳидоя» асарини ёзиш жараёнида ўн уч йил давомида

⁴ Муҳаммад Абу ул-Ҳай ал-Лакнавий. Ал-Фавовид ал-баҳийя фи таражим ал-ҳанафия. Қозон, 1902. 183-бет.

⁵ Ислом энциклопедияси. Истанбул, 1957. 761-бет.

муттасил рўздор бўлганлиги ва бу ҳолатни атрофдагилардан пинҳон тутганлиги ҳақидаги маълумот унинг қай даражада тақводор, маълумотли ва камтар инсон бўлганлигининг ёрқин мисолидир.

Бурҳониддин ал-Марғиноний ўз замонасининг буюк алломаларидан таълим олган. У кишининг устозлар рўйхати бошида Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Луқмон Нажмуддин Абу Ҳафс ан-Насафий (1069—1143) номлари зикр этилади. Бундан ташқари ал-Марғиноний Садр уш-Шаҳид Умар ибн Абд ул-Азиз ибн Умар ибн Мазза Абу Муҳаммад Ҳисом уд-Дин (1090—1142), Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Носир ибн Абд ул-Азиз Зиё уд-Дин ал-Банданижийдан таълим олганлар. Ҳадис илми бобида у зот Зиё уд-Дин Абу Муҳаммад Саид ибн Асад ва ал-Ҳасан ибн Али ал-Марғинонийдан ҳам таҳсил олганлар⁶.

Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг ўз навбатида қатор шогирдлари ҳам бўлган. Уларнинг ичида энг номдорлари, аввало у зотнинг ўғиллари Имод уд-Дин Али ибн Абу Бакр ибн Абу ул-Жалил ул-Фарғоний ал-Марғиноний. Бу киши фатво чиқара оладиган даражадаги илмга эга бўлган. «Одоб ул-Қози» асарининг муаллифи, шайх ул-Ислом Низом уд-Дин Умар ибн Али ибн Абу Бакр ал-Фарғоний ал-Марғиноний ва «Жавоҳир ул-фиқҳ» ва «ал-Фавоид» асарлари муаллифи ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари Шамс ул-аимма ал-Қардарий Муҳаммад ибн Абу ус-Саттор Муҳаммад Жалол уд-Дин Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ал-Устуршанийлар алломанинг шогирдлари бўлганлар.

Шу билан бир қаторда алломадан кейин яшаган қатор фақиҳлар ҳам Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларидан баҳраманд бўлганлигидан ўзларини у зотнинг шогирдлари деб билганлар.

Юқорида зикр қилганимиздек аллома фиқҳга оид қатор асарлар ёзган бўлсада, уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Асосан машҳур «ал-Ҳидоя» асари кўплаб қўлёзма ва босма нусхаларда ва «Бидоят ал-мубтадий»нинг бир неча нусхалари сақланиб қолган⁷.

Бизнинг фикримизча бунинг сабаби муаллифнинг барча зикр этилган асарларининг асосий ғояси айнан дастлаб «Бидоя ал-мубтади»да, кейин эса «ал-Ҳидоя фи шарҳи ал-бидоят ал-мубтади» асарларида ўз ифодасини топганлигида бўлса керак. Бошқача қилиб айтганда мазкур асарлар машҳур «ал-Ҳидоя» асарини яратилишига ўзига хос тайёргарлик босқичини ўтаган дейиш мумкин.

Бир муддат «ал-Ҳидоя» билан бир қаторда «Бидоят ал-мубтади» ҳам истеъмолда бўлган ва ҳатто унга шарҳлар ҳам битилган⁸.

Муаллифнинг эътироф этишича, у зот Бағдод сафари давомида фақиҳ Абу Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қудурий ал-Бағдодий (ваф. 428/1037)нинг ҳанафийи мазҳабида фиқҳга доир «Мухтасар ал-Қудурий» (Қудурий қисқартмаси) номли асари билан танишади. Бу

⁶ Ҳасаний М. Мозийдан садо. № 1/2, Тошкент, 2000. 34-бет.

⁷ УзР ФАШИ қўлёзмалар фонди № 3895, Альв, IV77. № 4487; Брок. 1:376 ва ҳ.з.

⁸ Масалан, Қамолиддин Муҳаммад ибн Абдулваҳоб ибн Ҳумам ас-Сивайсий ал-Ханафий (ваф. 1457)нинг «Фатҳ ул-қадир» номли шарҳи. ШҚТ.: IV. № 3115. 216-бет.

асар ниҳоятда қулай ва мусулмонлар учун манфаатли қўлланма эди.

Бу нодир асар таассуроти остида Бурҳониддин ал-Марғионий Мовароуннаҳр минтақаси фикҳ тажрибаларини ва маҳаллий анъаналарни ҳисобга олган фикҳ соҳасида бир асар ёзишга қарор қилади. Бу асарга — «Бидоят ал-мубтади» деб ном қўяди. Аллома кейинчалик бу асарга шарҳ ёзиб, «Кифоят ал-мунтаҳий» деб номлайди. Аммо бу асар ҳам ўз навбатида саккиз жилддан иборат бўлиб, муаллиф назарида у ҳам бирмунча фойдаланишда қийинчилик туғдирадиган туюлади. Натижада ўн уч йиллик меҳнат самараси сифатида «ал-Ҳидоя» асари вужудга келади. Бу асар бутун мусулмон оламида муаллифга катта шуҳрат келтириш билан бир қаторда, асрлар давомида фақиҳлар ва муфтийларнинг энг мукаммал ва қулай қўлланмаси бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари у энг йирик ислом олийгоҳларида энг марғуб ўқув қўлланмаси ҳамдир.

«Ал-Ҳидоя» асари икки жилд, тўрт жуздан иборат бўлиб, унда ибодат масалаларидан тортиб барча ҳуқуқий масалалар 57 та китобда баён этилган. Китоблар ўз навбатида фасллар ва бобларга ажратилган.

Асарда фикҳий масалалар баёни имом Қудурийнинг юқорида зикр этилган «Мухтасар ал-Қудурий», имом Муҳаммаднинг «ал-Жомеъ ас-Сағийр» (Кичик тўплам) асарларига асосланган. Айрим ҳуқуқий мезонлар ҳатто «Мухтасар ал-Қудурий»дан сўзма-сўз келтирилиб, алоҳида ҳарфлар билан ажратиб ёзилган. Лекин шунга қарамай, асарда зикр қилинган мавзулардаги фарқлар, баён тартибидagi ўзгаришлар ва «Мухтасар»да зикр этилмаган қатор мавзулар билан фарқланиб туриши ун «Мухтасар ал-Қудурий»нинг шарҳигина эмас, балки мустақил асар дейишга асос бўла олади. «Ал-Ҳидоя»да ҳуқуқий мавзулар ҳанафийи мазҳаби асосчиси имом Абу Ҳанифа, имом Абу Юсуф, имом Зуфар, мовароуннаҳрлик фақиҳлар имом Сарахсий, Кархий фикрлари билан асосланилган. Асарнинг ўзига хос баён услуби ва одоби ҳам ўзгача.

«Ал-Ҳидоя»нинг шу турдаги асарлардан яна бир фарқи томони, унда ҳуқуқий масалаларни сунний мазҳаблардан шофеъийа, моликийи ва ҳанбалийи мазҳабларидаги қоидалар билан қиёслаб баён этилишидadir. Бу ҳолат мазкур асарни барча мазҳаб вакиллари учун ҳам бирдай фойдали бўла олишини таъминлайди.

Мазкур асар мусулмон оламида асрлар оша энг эътиборли қўлланма бўлиб келмоқда. Турли даврларда ислом оламининг турли мамлакатларида фақиҳлар алломанинг бу беқиёс асаридан фойдаланиш ва унга шарҳ ва ҳошиялар битишни ўзларига шараф деб билганлар. Натижада бир неча ўнлаб шарҳ, ҳошия, қисқартма ва таълиқалар битилган. Ҳожи Халифанинг «Кашф уз-Зулул» асарида мазкур асарнинг турли давр ва турли мамлакатларда битилган етмишга яқин шарҳ, ҳошия ва қисқартмалари зикр этилган.

«Ал-Ҳидоя» асарининг ўнлаб қўлёзма нусхалари қатор Европа мамлакатлари қўлёзма хазиналарида ҳам сақланмоқда. Жумладан, Лондонда асарнинг 21 қўлёзма нусхаси, Париж миллий кутубхонаси фондида 6 нусха, Берлинда 3 нусха сақланмоқда. Бундан ташқари

қатор Шарқ мамлакатлари — Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда ҳам бу асарнинг қўлёзма ва босма нусхалари кенг тарқалган.

«Ал-Ҳидоя» асари ҳинд-британ ҳукуматининг топшириғига биноан Бенгалияда араб тилидан форс тилига таржима қилинган. Форсча таржимадан эса Буюк Британия фуқароси Сэр Гамильтон уни инглиз тилига ўгирган. Лекин бу таржимада асарнинг ибодат мавзусига онд қисмлари тушириб қолдирилган. Кейинчалик инглиз тилидан Вишнугорский рус тилига ўгирган ва бу таржима 1893 йили Гродеков таърири остида Тошкентда нашр этилган.

Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг мазкур асари деярли барча ислом мамлакатларида асрлар давомида ҳам илмий ҳам амалий истеъмолда бўлиб келган. Урта Осиё мусулмон ўлкаларида ҳам бу асар асримизнинг ўттизинчи йилларигача, яъни токи совет суд тузуми жорий бўлгунга қадар истефода этиб келинган. Бу ерда «Ал-Ҳидоя»нинг Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий Тож уш-Шариъга (ваф. 700/1300) қаламига мансуб «Виқоят ар-Ривоя фи масаил ал-Ҳидоя» ёки қисқача «Мухтасар ал-виқоя» асари кенгроқ тарқалган. Мадрасаларда фикҳий илмлар, асосан мана шу қисқартма шарҳга асосланиб ўқитилган.

Совет тузуми даврида бу соҳа ҳам, жумладан алломанинг ижоди ва шоҳ асари ҳам мутлақо ўрганилмади. Натижада бу аллома ва унинг ижодидан миллатдошларимиз, халқимиз мутлақо беҳабар қолиб, бу зотни деярли унутиб юбордилар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тарихий, диний қадриятларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бундай улугвор ўзгаришлар натижаси ўлароқ, буюк ватандошимиз Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг ҳаёти, ижоди ва илмий меросини ўрганишга имконият пайдо бўлди. Бу соҳада кейинги йилларда дастлабки қадамлар қўйилган бўлса, бу йил алломанинг таваллуд саналарининг ҳижрий 910 йиллик тўйларини нишонлаш муносабати билан ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган махсус қарор бу соҳадаги ҳаракатларни жонлаштиришга, аллома ижодининг ва фикҳ соҳасининг халқимиз тарихидаги тутган муҳим ўрнини ўрганишга янги туртки бўлди.

Натижада қатор ижобий ишлар қилинди. Жумладан, ЎзР ФА Шарқшунослик институти олимлари томонидан қатор мақолалар, рисоалар ёзилиб чоп этилмоқда. Катта тантаналар олдидан илмий анжуманлар ўтказилиб, алломанинг илмий меросини таҳлил этиш бўйича диссертациялар тайёрланмоқда.

Бу хайрли ишларнинг барчаси буюк аждодларимиз хотирасига таъзим ва қилинажак улкан ишларнинг дебочасидир.

Тарихга янги нигоҳ

Э. В. Ртвеладзе

О ВРЕМЕНИ ПРОНИКНОВЕНИЯ БУДДИЗМА В СЕВЕРНУЮ БАКТРИЮ

Начальный период истории буддизма в различных историко-культурных областях Средней Азии остается наименее понятным в такой важной проблеме, как буддизм в Средней Азии. Некоторые исследователи относят его ко времени правления великого кушанского царя Канишки (последняя четверть I в. н. э. или первая четверть II в. н. э.)¹. Другие датируют начало этого процесса более ранним временем². Так, Б. А. Литвинский в этой связи отмечает пути продвижения буддизма из Северо-Западной Индии (Гандхары) и Южного Афганистана (Кандагар), где эта религия, вероятно, была распространена уже в III в. до н. э., на север, в Бактрию и к Амударье, разделявшей эту область на северную и южную части³.

Наиболее ранняя дата проникновения буддизма в Бактрию предложена Р. Ч. Багчи — это время правления царя Ашоки (261—221 гг. до н. э.)⁴, при котором данное учение стало государственной религией обширного индийского царства Маурья. Однако каких-либо археологических материалов, подтверждавших бы эту точку зрения, пока не имеется.

Более реально мнение Б. А. Литвинского, согласно которому буддийские миссионеры и местные адепты появились на юге Средней Азии во второй половине и в конце существования Греко-Бактрийского царства, т. е. в первой половине II в. до н. э.⁵

Знакомство бактрийцев с буддизмом задолго до Канишки подтверждают хотя и немногочисленные, но достаточно выразительные эпиграфические и лингвистические данные, а также сведения Александра Полигистора о Samanaioi (от санскр. «Śramaṇa» — «буддийский монах»), опираясь на которые, западные ученые (Дж. Асмуссен, И. Маркварт) говорили о широком распространении этого учения в Бактрии уже в I в. до н. э.⁶

¹ Ставиский Б. Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. М., 1998. С. 156.

² Литвинский Б. А. Среднеазиатские народы и распространение буддизма // История, археология и этнография Средней Азии. М., 1968. С. 129.

³ Там же.

⁴ Bagchi P. Ch. India and Central Asia. Calcutta, 1955. P. 32.

⁵ Литвинский Б. А. Среднеазиатские народы и распространение буддизма. С. 129.

⁶ Там же. С. 129; Marquart J. Eransahr nach der Geographie den Moses Xorenaci. Berlin, 1901. S. 90.

Огромную ценность представляют и нумизматические данные, в частности монеты греко-бактрийского царя Агафокла (ок. 185—170 гг. до н. э.), власть которого распространялась и на Северную Бактрию. В частности, на бронзовых квадратных монетах этого царя, битых, вероятно, в Таксиле — столице Гандхары, впервые в греко-бактрийском чекане появляется изображение буддийской ступы, увенчанной деревом с тремя ветвями. Индийское влияние (богиня Лакшми — сестра Кришны) отмечено и на других монетах Агафокла⁷. Но уже до Агафокла определенные элементы индийской иконографии появляются на монетах Деметрия (200—185 гг. до н. э.) — шлем в виде головы слона на драмах и тетрадрамах и отдельно голова слона на дихалках. Их появление связано с завоеванием Деметрием Гандхары в результате похода в северо-западные области Индии⁸.

Монеты Агафокла в достаточно большом количестве найдены на ряде городищ Северной Бактрии⁹, в составе же Бухарскогоклада имеются две его коммеморативные монеты с именами Антиоха и Евтидема¹⁰.

Серебряные и бронзовые монеты Деметрия различных типов также найдены в Северной Бактрии¹¹. Этот, ныне установленный исторический факт того, что в первой четверти II в. до н. э. вся Бактрия и Северо-Западная Индия (где в то время уже господствовал буддизм) были объединены в единое царство, может свидетельствовать о непосредственном знакомстве бактрийцев с учением Будды уже в то время.

Наиболее раннее свидетельство буддизма в Северной Бактрии — наскальная надпись кхароштии, открытая А. Н. Бернштамом в местности Даршай на Западном Памире. Согласно Я. Харматте, она читается как «Narayaṇa» («побеждай») и датируется концом II — началом I в. до н. э.¹² По мнению Б. А. Литвинского, эта надпись свидетельствует не только о возникновении в Средней Азии культа Нараяны Будды, но и о проникновении сюда буддизма накануне образования или в ранний период существования кушанского государства¹³.

Это все косвенные данные. В письменных же источниках наиболее раннее свидетельство бытования буддизма в Бактрии, в частности у юечжей, переселившихся в эту область во второй половине II в. до н. э., содержится в китайской хронике «Вейлео», написанной между 239 и 265 гг. н. э. В ней приводятся две версии этого события.

⁷ Sylloga Nummorum Graecorum. The collection of the American Numismatic Society. Part. 9. Greko-Bactrian and Indo-Greks coins. New York. 1998. P. 249—257.

⁸ Массон В. М. Деметрий Бактрийский и завоевание Индии // ВДИ № 2. 1961. С. 39—45.

⁹ Riteladze E. V. La circulation monétaire au nord de l'Oxus l'époque Greco-Bactrienne // RN, 6-e serie. XXVI. Paris. 1984. P. 71.

¹⁰ Op. cit. P. 63.

¹¹ Op. cit. P. 70—71.

¹² Harmatta. The Oldest Kharosthi Inscription in Inner Asia. Acta Orientalia Academiae Scientiarum Hungaricae. T. XIX. № 1. Budapest. 1996. P. 1—12.

¹³ Литвинский Б. А. Среднеазиатские народы и распространение буддизма. С. 130.

Согласно первой, изложенной во введении к «Сутре в сорок восьмом отделе», император Минди (56—75 гг. н. э.) отправил посланников в страну юечжей для того, чтобы получить буддийские тексты. Эта миссия датируется по-разному — 60, 61, 64, 68 гг. н. э.

Ученые высказывают различные мнения в оценке данной версии. Так, Тянь Ян-тун не исключает возможности ее использования как исторического факта¹⁴. Г. Масперо, напротив, считает эту версию вымышленной, пропагандистской, полной анахронизмов. По его мнению, она возникла в III в. н. э.¹⁵

Вторая версия излагает следующие события. Согласно традиции, сложившейся в начале III в. н. э., китайский посланник ко двору юечжей, студент императорской Академии Чин Лю, был обучен юечжйским кронпринцем буддийским сутрам во 2 г до н. э. Впервые эта история была изложена в очень испорченном пассаже об Индии из «Ши-Джун-чан» Вей-Лео. Полностью этот пассаж выглядит так: «В древности в правление императора Ай из династии Хань в первый год периода Ян-шоу (2 г. до н. э. — Э. Р.) студент императорской Академии Чин Лю получил от И-Изуна, посланника царя Великих юечжей, устную инструкцию о буддийских сутрах»¹⁶.

Э. Цюрхер полагал, что Чин Лю получил эту инструкцию от юечжйского посланника, вероятнее всего, в столице Китая. Э. Шавань, однако, предлагал внести следующую поправку в текст данного пассажа, основанную на поздних параллельных версиях приводимой истории: «Студент императорской Академии Чин Лю отправился с миссией к Великим юечжам. (Юечжйский царь) приказал кронпринцу обучить его в устной передаче буддийским сутрам»¹⁷.

Таким образом, согласно Э. Шаваню, Чин Лю научился буддийским сутрам не от И-Изуна, юечжйского посланника в Китае, а наоборот, будучи посланником китайского императора к Великим юечжам, обучился им на земле юечжей в Бактрии.

В исторической оценке последняя версия также имеет противоречия. Так, одни исследователи считают ее недостоверной, другие — исторически верной. Подводя итоги, Э. Цюрхер, в частности, отмечал, что данная версия не находит подтверждения в китайской официальной истории «Ханьшу», где отсутствуют сведения о китайском посольстве в Китай в том же году¹⁸. При всем том Э. Цюрхер указывает, что традиционные версии о первом появлении буддизма упорно связывают это важнейшее событие с юечжами, а следовательно, с Бактрией — Тохаристаном.

¹⁴ Zurcher E. The Buddhist conquest of China. Leiden, 1959. P. 22.

¹⁵ Maspero H. Le song etat ambassade de l'empereur Ming. Etude critique des Sources. BEFEO//X. Paris. 1910. P. 95—130.

¹⁶ Zurcher E. The Buddhist conquest of China... P. 24.

¹⁷ Schavannes E. D. Les pays d'Occident d'après le Wei-lie//TPV (1905). P. 514.

¹⁸ Zurcher E. The Buddhist conquest of China... P. 24.

Таким образом, эти косвенные, а в какой-то мере и прямые свидетельства позволяют предполагать о проникновении буддизма и в целом индийской культуры в Бактрию в греко-бактрыйский период и укрепления его позиций в юечжийское время. Обратимся теперь к анализу археологических данных, проливающих свет на время проникновения буддизма в Бактрию в период до правления Канишки.

Первостепенное значение среди них имеет буддийский комплекс в Айртаме, с раскопок которого, собственно, и началось изучение буддийских памятников в Средней Азии¹⁹. Он примечателен и открытием здесь бактрыйской шестистрочной надписи, прочитанной В. А. Лившицем и автором²⁰, анализ которой дает важные сведения по проблеме раннего буддизма в Северной Бактрии.

Тщательный анализ, проведенный нами по установлению периодизации буддийского комплекса в Айртаме, позволил прийти к выводу о том, что первоначальное его возведение относится ко времени ранее первой четверти II в. н. э., т. е. до начала правления Канишки, если принять эту дату за годы его правления и даже 78 г. н. э. (по другому мнению — начальная дата правления этого царя)²¹.

Показательно в этом отношении содержание бактрыйской надписи из Айртамского буддийского комплекса. В ней говорится, что некий Шодий в четвертый год правления царя Хувишки осуществил в мализо (акрополе) Айртама большие строительные работы, в частности восстановил и украсил, вероятно скульптурой, находившийся в нем буддийский храм (обозначен термином багалагто) и привел в порядок нарушенную и загрязненную систему водоснабжения. Канишка правил двадцать четыре года, следующий за ним царь Васишка — четыре, вслед за которым началось правление царя Хувишки. Следовательно, прошло всего лишь восемь лет после смерти Канишки, когда Айртамский буддийский храм пришел в негодность и потребовалась его реставрация, что весьма и весьма сомнительно. Правда, Я. Харматта считает, что в надписи обозначена не «дельта» («четыре»), а «лямбда» («тридцать»), из чего следует, что реставрация буддийского комплекса в Айртаме произошла в 30-м году правления Хувишки²². Однако он не прав, поскольку в надписи после слова «хшоно» — «год» обозначена четкая «дельта» — т. е. «четыре».

Таким образом очевидно, что буддийский храм в Айртаме был, вероятно, возведен задолго до правления Канишки, коль скоро — уже в четвертом году правления Хувишки — потребовалась его реставрация. Не исключено, что этот храм был первым буддийским сооружением в

¹⁹ Массон М. Е. Находка скульптурного карниза первых веков нашей эры. Ташкент, 1933; Его же. Скульптура Айртама // Искусство. 1935. № 2. С. 129—134.

²⁰ Тургунов Б. А., Ртвеладзе Э. В., Лившиц В. А. К открытию бактрыйской монументальной надписи в Айртаме // ОНУ. 1981. № 4. С. 78.

²¹ Ртвеладзе Э. В. К периодизации буддийского комплекса в Айртаме // ОНУ. 1995. № 5—8. С. 75—76.

²² Harmatta J. The Bactrian inscription of Ayrtam // Studia grammatica iranica. Festschrift für H. Humbach. München. 1986. P. 131—146.

Северной Бактрии. К числу ранних относится и загородное буддийское святилище на Дальварзинтепе.

Г. А. Пугаченкова, основываясь на находках монет и стилистических особенностях скульптуры, датировала его возведение I в. н. э.²³ Однако Б. Я. Ставский относит сооружение этого святилища ко времени правления Канишки и его ближайших преемников, т. е. ко II в. н. э.²⁴ Этой же датировки придерживается и Дж. Ильясов, который в качестве аргумента приводит находки в нем и в городском буддийском храме Дальварзинтепа, датированном концом II — началом III в. н. э., одинаковых скульптурных головок «усатого вельможи», видимо знатного донатора, что вызвало наше возражение²⁵.

Данная скульптура могла быть помещена в городской храм в память о первом покровителе буддизма в этом городе. То, что установка памятных скульптур практиковалась в кушанских храмах, явствует из Рабатакской надписи, согласно которой царь Канишка приказал канарангу Шафару установить в храме скульптурные изображения своих предков²⁶.

Очевидно, что по крайней мере два буддийских памятника Северной Бактрии были сооружены в период до правления Канишки.

Таким образом, имеющиеся данные позволяют говорить о знакомстве и укреплении буддизма в Бактрии уже в первых веках до н. э., о возведении в I в. н. э. в северной ее части первых буддийских сооружений и достаточно широком распространении здесь буддизма при Канишке и его преемниках.

²³ Пугаченкова Г. А., Тургунов Б. А. Буддийское святилище в загородной зоне//Дальварзин-тепе — кушанский город на юге Узбекистана. Ташкент, 1978. С. 90—97.

²⁴ Ставский Б. Я. Судьба буддизма в Средней Азии. С. 73.

²⁵ Ртвеладзе Э. В. О некоторых особенностях буддизма в Средней Азии// Генезис и пути развития урбанизации в Центральной Азии. Самарканд, 1995.

²⁶ Sims-Williams N., Crib J. The New Bactrian Inscription of Kanishka the Great//Silk Road Art and Archaeology 4, Kamakura, 1995. 96. P. 79—80.

С. Аҳмад

МУНАВВАРҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВНИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҲАРАКАТИДАГИ УРНИ ВА РОЛИ

Мунавварқори Абдурашидхоновнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-педагогик фаолияти энди-энди ўрганилмоқда. Асримизнинг дастлабки йилларида муаллимликни касб қилган Мунавварқори мактаб-мадраса усулидаги қийинчиликларга дуч келади. Қримда Исмоилбек Гаспринский ташкил этган усули савтия мактабларининг шухрати унга ҳам эшитилади. Қўқонга Татаристондан келиб, татар болаларига шу усулда дарс бераётган Салоҳиддин домла Сирожиiddин ўғлининг ишлари, муваффақиятлари ҳам уни лоқайд қолдирмайди. Араб, форс ва тушунлиш даражасида рус тилини билиши туфайли Боғчасарой, Қозон, Оренбург, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонда босилган матбуотга обуна бўлиб, уларни мунтазам мутолаа қилиш, Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абдо, Фарид Важдий, Муҳаммад Иқбол ва бошқаларнинг асарлари билан таниниш, уни ижтимоий ҳаётга янгича назар ташлашга мажбур этади. Россия матбуотидаги турли фирқа-

ларнинг ўзаро баҳслари ва уларнинг дастурларини кузатиш, хусусан, чор ҳукуматининг махфий ташкилоти Охранка билан бўладиган олишувлар, кўпгина ўзбек бойларининг хорижий давлатлар билан олиб бораётган савдо-сотик ҳамда банк муносабатлари, мустамлака ҳукуматининг Туркистонни арзон хом ашё омборига айлантириш сиёсати, маҳаллий аҳолининг маданий-маърифий, иқтисодий таназзули сабабларини тадқиқ этиш, Россия орқали Ғарбдан кириб келаётган савдо-саноат инқилоби сирларини таҳлил қилиш Афғонистон ва Ҳиндистонда инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борилаётган курашларни ўрганиш Мунавварқорини дунё ва ўлка аҳволини сокин кузатувчиликдан қизғин фаолиятга ундаши, унда аввал ижтимоийчилик, маърифатпарварлик, тараққийпарварлик, жамоатчилик кейин истиқлолчилик салоҳиятини шакллантирди. Унинг ўзи: «Мен 1904 йилдан ижтимоий ҳаракатга аралаша бошладим»,— дейди.

1905, 1909, 1911 йилларда Россия, Эрон, Туркияда содир бўлган инқилобий ҳаракатлар Мунавварқорининг ижтимоий-сиёсий қарашларини янада чарҳлади. Мустамлака ҳукуматининг, хусусан, Николай II нинг маълум ва маниҳур Октябрь манифестидан кейин Туркистон халқи ҳам бир оз бўлсада, сиёсий эркинликка эришди.

Аввалига Гейер, кейин Исмойил Габитов томонидан нашр этилган «Ўрта Осиёнинг умргузаронлиги», «Тараққий» газеталарининг нашр этилиши Мунавварқорига миллий газетани ўз диди ва талабидagini, Охранка таъбири билан айтганда, ниҳоятда сўл йўналишдаги «Хуршид» ва «Шухрат» газеталарини чиқаришга қувват берди. Фансурулло Худоёрхонов иқтисодий жиҳатдан қўллаган ва ўзи ҳам асосий мухбирларидан бири бўлган «Хуршид» газетаси табиийки, марказга нисбатан анча мустабид бўлган Туркистон хўжайинларига маъқул келмаган эди. Аммо Мунавварқори бу билан чекланиб қолмади. Атрофига А. Авлоний, М. Пошшахўжаев, Н. Хусанов, Н. Хўжаев, Тўлаган домла каби кишиларни тўплайди. Оврупо маданияти ютуқларини, саноатини эгаллашга интилган ака-ука Комил ва Қарим Норбеков, С. Турсунхўжаев каби кишиларни уюштиради. Ана шу аснода унинг ташкилотчилик, мафкурачилик фаолияти кўзга ташлана боради. Туркистон оҳангаси унинг ортидан махсус киши қўйишга мажбур бўлади. Бироқ бундай ҳаракат Мунавварқорини бошлаган ишидан қайтара олмайди.

1909 йилда у ташкилотчиликка тенг ҳуқуқли бўлган фикрдошлари билан бирга «Хайрия» жамиятини ташкил этади. Ўбайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков каби ҳуқуқшунос дўстлари билан бир қаторда жамиятнинг 41 моддалик низомини ишлаб чиқишда қатнашади¹. Раис ўринбосари сифатида жамиятнинг консерватив қарашдаги бойлар таъсиридан қўтқариб, тараққийпарвар ёшлар хизматиға ўтказди. Матбуот ва жамият орқали мактаб ўқитувчилари ёрдамида ўзликни таниш ва танитиш учун олиб бораётган ташвиқотлари ўлка хўжайинларининг қўлогига бориб етади. Ўлканинг Бош начальниги Гродековнинг шахсан ўзи Мунавварқори фаолияти билан қизиқиб қо-

¹ Жамият низомининг асл нусхаси А. Авлоний музейида сақланади.

лади. 1908 йил бошларига оид бир ҳужжат ҳошиясига «Сирдарё Ҳарбий губернаторидан Мунавварқори ҳақидаги материалларни тўплаш сўралсин»², деб резолюция қўяди. Ушбу воқеадан сўнг миссонер Н. П. Остроумов тавсияси билан «Фавқуллодда махфий хизмат низом ва қоидаларга» мувофиқ материаллар тўпланади. А. Авлоний муҳаррир бўлган «Шуҳрат» газетасига Мунавварқори зимдан раҳбарлик қилаётгани, унинг Госпитальная кўчасида жойлашган уйда тинчгина иш олиб бораётгани маълум бўлади. Бунинг устига Мунавварқори шаҳар аҳолиси номидан 1910 йил 12—15 ноябрда Давлат Думасига мактабларда ўқиш ва ўқитиш усулларини ислоҳ қилиш ҳақида «Илтимоснома» ёзгани маълум бўлиб қолади. «Илтимоснома»да янги ўқув дарсликлари ва дастурларини тайёрлаш масаласи ҳам кiritилгани баён этилган эди. Шу боис Мунавварқорини ўлкадан сургун қилиш учун баҳона ахтарадилар. Аммо сабаб йўқ эди. Мунавварқори ижтимоий ҳаракатнинг бошланғич синфи бўлган «Гап»лар ва «Издихом»ларда олиб бораётган ташвиқотлари ашёвий далиллар йўқлиги учун баҳона бўла олмасди. Умуман олганда бу биринчи воқеа эмасди. Инсон тақдирини синдиришга моҳир бўлган мустамлака маъмурияти унга икки-уч йил аввал ҳам худди шундай ҳужум уюштирган эди...

Воқеа қуйидагича: Туркистон бойларини қўрқоқлиги, саводсизлиги ҳамда уларнинг бир овоздан розилиги билан Петроградда 1907 йил июн ойида бўлиб ўтган Иккинчи Давлат Думасига Тошкент шаҳар, Шайх Хованд Таҳур даҳасидаги Мирзаабдуллабой масжидининг имоми, ўз билимдонлиги билан аҳоли ўртасида шуҳрат қозонган, Тошкент шаҳар гласнийси Абдувоҳидқори Абдурауфқориев юборилганди³. Бу улуғ инсон Давлат Думаси мусулмон фракциясига Туркистон халқи номидан ўлка маъмурий ва сиёсий идорасини ислоҳ қилиш ҳақида бир дастур топширган. У ерда Садри Мақсудий, Абдурашидқози Иброҳимов ва бошқаларнинг таъсирида «Хитобинома» ёзгани Охранкага маълум бўлиб ва орадан икки йилча вақт ўтса-да, уйи тинтув қилиниб, ўзи Томскка сургун қилинади. Унинг уйидан топилаган хатлардан бирининг муаллифи эски мактабдор домлалардан Алоуддин махзум Еқубхўжаевга мансуб деб тахмин қилиниб, сўроққа чақирилади. Бу кишининг айбсиз эканлигини яхши билган махфий хизмат ходимлари айбни Мунавварқорига тўнкашга уринадилар. Улар Алоуддин махзумдан қуйидагича кўрсатма олишга уринадилар: «Менга кўрсатилган қўлёзмадаги гапларни,— дейди Еқубхўжаев,— усули савтия асосчилари Мунавварқори ва Самиғқори ёзиши мумкин»⁴. 1909 йил 8 март кuni Мунавварқори полиция департаментига чақирилиб, сўроқ қилинади. Бироқ тафтиш мобайнида Мунавварқорини айблаш ва сургун қилиш учун баҳона топиламайди. У қўйиб юборилади. Аммо иш бу билан тинчимайди. Сўроқда қўлланилган дўқ-пўписалар иккинчи айбланувчи — домла Мўминхўжаевга таъсиридан кўрсатади. Ниҳоятда билимдон, саводли бўлган бу киши вириятдан қутулиб кетолмайди. Жандармлар алоҳида корпусининг штабе ротмист-

² ЎзР. МДА. 461-фонд, 1-рўйхат, 571-иш, 605-варақ.

³ ЎзР. МДА. 461-фонд, 1-рўйхат, 901-иш. 3-варақ.

⁴ Уша жойда.

ри Лалетин Мўминхўжаев оғзидан қуйидаги гапларни юлиб олади: «Ҳақиқатда ҳам маҳаллий аҳоли ҳурмат қиладиган ва сўзини инобатга оладиган шахслар бор. Масалан, Мунавварқори ва Тўлаган домла. Булар отасига билдирмай Самиғқорини Қозонга юборишди. Самиғқори Мунавварқори ва Тўлаган домла билан ҳамфикр бўлиб, давлатга қарши ташвиқотлар билан шуғулланишмоқда. Муҳаммадраҳим Нуриддинхўжаевнинг боғида ўтган суҳбатда Фаисуруллобек Мунавварқорига ... газетдаги давлатга қарши фикрлари учун сургун қилиниши мумкинлигини айтганда, Мунавварқори унга эътироз билдириб, мени сургун қилишларига ачинмайман, халқни матбуотсиз қолдирганлари учун ачинаман, деди. Булардан бошқа яна уюшган 12 маҳаллий кишилар бор. Уларга Мунавварқори раислик қилади. Мунавварқори раислигидаги бу кишилар Истанбул, Оренбург ва Эрондаги турли газеталарни обуна бўлиб оладилар»⁶. Лалетин қўлга киритган бу маълумот биз учун муҳим факт, аммо ўша пайтда ашъвий далил бўлмагани учун жаноб Лалетин Мунавварқорини қамоққа ололмаган.

1911 йилга келиб, юқорида тилга олинган уюшма, унинг раиси ва бош мафкурачиси Мунавварқори Абдурашидхонов ҳаётида янги бир бурилиш ясалади. Маориф соҳаси тўғрисидаги ислохотчилик фикри миллий истиқлол фикрига ўсади. Улар Туркияга борган ва у ердан келган кишилар орқали турк тараққийпарварлари ташкил этган «Иттиҳод ва тараққий» фирқаси дастури, Россиядаги турли фирқаларнинг дастурлари билан танишадилар. Уларда Россияга тобе бўлган мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий аҳволига ва маъмурий идора усулларини ўрганишга қизиқиш ортади. Ушбу қизиқиш натижаси ўлароқ, Мунавварқори дўстлари Самиғқори Ризабоев, Ҳаким Саримсоқов билан бирга автономия асослари, турли ташкилотларни тузиш ишларини ўрганиш учун Финляндияга боради⁶. Сабаби, Финляндия ҳам худди Туркистон каби тобе ўлка эди. Шу билан бирга бу ерда мустамлака ҳукуматига қарши кураш олиб боровчи «Еш финлар» жамияти ташкил топганлигидан чамаси хабардор эди. Чунки бу ерда, аниқроғи Гельсинфорс⁷ шаҳрида уюшма аъзоси Саъдулла Турсунхўжаевнинг хусусий савдо дўкони бор бўлиб, автоном ўлка ҳаётидаги маълумотларни шу манбадан олиб турилган бўлиши мумкин.

Мунавварқори ўлка маъмурий бошқариш усулларини ўрганиш билан бирга маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини, ижтимоий ҳаётини ҳам кузатади. Финляндия билан Туркистонни қиёслар экан, ерли аҳоли автономияга тайёр эмаслигини тушуниб етади. Бироқ, бу ижтимоий-сиёсий курашдан чекиниш эмас эди.

Туркистон истиқлолчилик ҳаракатининг вакилларидаан бири, Самарқанд губернаторининг таржимони Али Расулевнинг хотирасига қараганда, 1912 йилда⁸ Акбар Бойтурсунов шахсий варақасига ёзилган фактга қараганда, 1914 йилда махфий тарзда «Иттиҳод ва тараққий» фирқаси вужудга келади⁸. Беҳбудийнинг ниҳоятда эҳтиёткорлик билан

⁶ Ўша жойда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси МХХ архиви, II, 33391-иш.

⁷ Ўша ҳужжат.

⁸ Ўзбекистон Республикаси МХХ архиви, II, 22409-иш.

* Тарих фанлари доктори Р. Шамсуддинов маълумоти.

Ўз газетасида бу фирқа ҳақидаги фикрларига эътибор берсак, бу хотиралар ростга ўхшайди. Лекин Охранка ҳужжатларида бунга оид маълумотлар йўқ. Унинг ўрнида «Иттиҳоди Ислом» ташкилоти тилга олинади. ГПУ материалларида бу ташкилотга Самарқандда Беҳбудий, Тошкентда Мунавварқори раҳбарлик қилганлари⁹ ҳақида узук-юлуқ маълумотлар бор.

Мунавварқори бир томондан, Финляндия ва Польша ҳаёти билан, иккинчи томондан, Туркиядаги «Иттиҳод ва тараққий» фаолияти, ҳамда татар-бошқирлар, озарбайжонлар орасида содир бўлаётган сиёсий воқеалар ва ҳаракатларни ўрганиши натижасида охир-оқибат миллий озодлик кураши даражасига кўтарилувчи эволюцион кураш— ўсиш йўлини танлайди.

Оврупода Биринчи Жаҳон урушининг бошланиши ва унинг гирдобига Россиянинг тортилиши, мардикорга олиш воқеаларининг бошланиши Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатини янги изга солди. Бу ҳаракатнинг йўлбошчиси, мафкурачиси бўлган Мунавварқори маърифатпарварлик, тараққийпарварлик, ислохотчилик тарафдори бўлган кишилар билан алоқасини узмай Россия давлатчилиги асосларини яхши билган, давлат бошқарув тизимлари хусусида маълумотга эга, ташқи дунё билан алоқа қила олувчи кишиларнинг бошини қовуштирди. У Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Пошшабек Пўлатов, Саъдулла Турсунхўжаев, ака-ука Комил ва Қарим Норбеков, Али Расулев, Исроилжон Иброҳимов, Толибжон Мусабоев, Саидносир Миржалилов, Миркомил Мирмўминбоев каби кўпгина удабурро, тадбиркор кишиларни эл-юрт ишига жалб қилди. Мунавварқори ушбу кишилар ва бошқалар иштирокида «Иттиҳоди тараққийни» ошқор қилмаслик учун доирани торроқ олиб «Мусулмон драма санъати ҳаваскорлари «Турон» жамияти»¹⁰ни тузиб, унинг низомини ҳукумат томонидан расмий тасдиқлатишга эришади.

Уруш баҳонасида эълон қилинган мардикорга олиш фармони Туркистон ва Россия ўртасидаги 1865 йил битимига хилоф бўлгани учун халқ орасида норозилик туғилди ҳамда кучайди. Ўлканинг бир қатор вилоятларида катта-кичик ғалаёнлар бошланади. Аҳолини бўлажақ офатдан қутқариш учун тузилган «Туркистон мардикорликка олиш қўмитаси»га Убайдулла Хўжаев раис, Мунавварқори ўринбосар этиб сайланади. Бу қўмитанинг фаолияти туфайли ўлкада содир бўлган ғалаёнлар ва тартибсизликларга чор ҳукумати маъмурияти айбдор эканлигини кўрсатувчи баённома тайёрланади. Мунавварқори сазйи билан Убайдулла Хўжаев ва Миркомил Мирмўминбоев Петербургда жўнатилади (Йўл харажати А. Мирмўминбоев кўтарган).

Оқибатда А. Ф. Керенский раҳбарлигида тафтиш комиссияси келиб, воқеалар тафсилотини ўрганиб, текширади. Тафтиш натижаси подшоҳ ва ички ишлар министрлигига маълум қилинади. Ҳарбий министрлигининг Муваққат Бошқарувчиси Инфантерия генерали Фроловнинг 1916 йил 28 июлдаги докладыда айтилишича, император Нико-

⁹ Ўзбекистон Республикаси МХХ архиви II. 33391-иш.

¹⁰ «Тафаккур» журнали. 1998. 3-сон. 54-бет.

лай II содир бўлган воқеаларга қуйидагича фикр билдирган: «Розиман, шошилинич ва етарли ўйлаб кўрилмаган бу чорани ҳаётга тадбиқ қилиниши чекка ўлкаларда қонли тартибсизликларни чиқаргани кўрсатилсин. Эҳтимол, Кавказдаги ноибга унинг илтимосига мувофиқ каттароқ ҳуқуқ бериш керакдир»¹¹. Мазкур буйруқнинг айрим томонларини очмаган ҳолда подшоҳ томонидан генерал Корольковга ўхшаш кимсаларга кенг ҳуқуқ берилганини уқтириш жоиздир. Бу воқеа Мунавварқори ва унинг тарафдорларинингина эмас, балки «Жадид» ва «Қадим» номи билан ўзаро келиша олмай юрган кишиларни ҳам бирлаштиришга хизмат қилди. Хусусан, яқиндагина унга душман бўлган Абдувоҳидқори Абдурауфқориев, Абдумаликқожи Набиев каби кишилар ҳам Мунавварқори билан ҳамфикр бўлиб қолдилар.

Чор Россиясининг жаҳон урушига тинкаси қуриб, давлатни бошқаришга кучи етмай қолганини сезган Мунавварқори 1916 йил охири, 1917 йил бошларида амир Саид Олимхон ҳузурига киши юборгани маълум. Жумладан, Миркомилбой Мирмўминбоевнинг амир ҳузурига боргани ҳам баъзи хотираларда тилга олинади¹².

Маълумотларга қараганда, амир уларни назар-писанд қилмаган. Орадан икки-уч ой ўтгач, чор ҳукумати ағдарилиб, Вақтли ҳукумат давлат бошига келади. Туркистонда янги-янги уюшмалар, жамиятлар пайдо бўла бошлайди. Аммо Мунавварқори айтгандек: «уюшмалар, жамиятлар ташкилот эмас эди».

Боши қовушмаган, ягона сиёсий платформага эга бўлмаган бу жамиятларни бирлаштириш Мунавварқори, Убайдулла Хўжаев, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Обиджон Маҳмудов каби кишиларнинг зиммасига тушмоғи табиийдир. Бинобарин, 1917 йил 16 апрелда барча инқилобий кучларни бирлаштириш ниятида «Шўрон Ислом» ташкилоти тузилади. Гарчи Мунавварқори ўринбосар бўлса-да, аммо ташкилотнинг асосий ишини унинг ўзи бажарарди. Чунки У. Хўжаевнинг умри сафарларда ўтар эди.

Миллий истиқлолчилик ҳаракатининг дастлабки босқичидаги Мунавварқорининг ўрни ва роли шулардан иборат. Унинг эволюцион фаолиятдан революцион фаолиятга ўтиши алоҳида таҳлил мавзусидир.

¹¹ УЭР МДА Н. 1-фонд, 1-рўйхат, 1198-ши, 2-варақ.

¹² Мирқосим Ибн Мирғози. Миркомилбой тарихи. 34-бет (қўлёзма).

Б. Лукин

ПРОИСХОЖДЕНИЕ И СУДЬБА КОРАНА ОСМАНА

В научных учреждениях, библиотеках, музеях и общественных собраниях Узбекистана и его столицы Ташкента имеются богатейшие и ценнейшие фонды книжных источников (в том числе рукописных) по истории Средней Азии и всего Востока.

К числу древнейших и редчайших рукописных книг мирового значения относится так называемый Коран Османа, представляющий со-

бой не только замечательный памятник раннемусульманской письменности, но также одну из почитаемых и поныне святынь ислама. Когда речь заходит о нем, невольно вспоминается старая и мудрая поговорка: «Каждая книга имеет свою судьбу». Корану Османа действительно суждено было иметь длительную и своеобразную, сложную, трудную и примечательную судьбу.

Поначалу приведем небольшую историческую справку о том, почему именно тексты Корана, связанные с именем Османа, пользуются особенным вниманием, почитанием и признанием среди верующих мусульман и в ученом мире.

В Арабском халифате, возникшем в VII столетии, в руках его правителя (халифа) была сосредоточена огромная духовная и светская власть, осуществлявшаяся по заветам основателя ислама «посланника Аллаха и пророка истинной веры» Мухаммада. После его кончины главой мусульманской общины был провозглашен ближайший сподвижник Мухаммада Абу Бакр, положивший начало правлению четырех «праведных халифов» (преемников, заместителей, изместников Мухаммада, призванных возглавить и объединить всех мусульман мира). Тремя последующими «праведными халифами» были Омар, Осман и Али.

Осману из влиятельного рода Омейядов и было суждено возглавить после Омара в 25 г. х. (644 г. по григорианскому календарю) халифат, ставший к тому времени крупным и сильным теократическим государством — центром распространения ислама на Востоке.

Авторитет Османа был высок еще и потому, что он был связан родственными узами с самим пророком Мухаммадом (был женат на его дочери Рукайи, а после ее смерти на другой его дочери Умми Кульсум, получив, благодаря этому, уважительное прозвище «Зу-н-Нурайна» — «обладатель двух светочей»).

Осман действовал весьма энергично и настойчиво, укрепляя централизованную власть в халифате, налаживая его хозяйственную жизнь и расширяя территорию государства в сторону Ирана и Средней Азии.

В основе мировоззрения Османа было незыблемое следование положениям Корана. Однако при жизни Мухаммада текст священного писания преимущественно передавался по памяти из уст в уста, хотя и имелись отдельные записи откровений пророка на камнях, пальмовых ветвях и т. п. Первые же записи всего текста Корана были осуществлены ближайшими сподвижниками Мухаммада вскоре после его кончины. Хотя они и воспроизводили полный текст Корана, однако отличались друг от друга как в деталях, так и по числу заповедей Мухаммада, наименованию отдельных разделов (сур) и последовательности их расположения.

Халифу Осману принадлежала инициатива составления канонического, общепризнанного текста Корана с учетом имевшихся записей и свидетельств всех тех, кто знал его текст наизусть (хафизов). Таким образом, по велению Османа между 650—655 гг. была созда-

на специальная группа во главе с бывшим писцом Мухаммада Зайди ибн Сабитом, которая и подготовила считавшийся наиболее полным (первоначальным) текст Корана — главной священной «книги книг» мусульман. Он был переписан в нескольких экземплярах и разослан в Мекку, Дамаск, Куфу, Басру и другие городские центры халифата. Первые из дошедших до нас списков Корана Османа датируются VII — VIII вв., т. е. временем после кончины Османа.

Что касается самого правителя, то не все аспекты проводившейся им тогда политики воспринимались однозначно в кругах провинциальной феодальной знати и в некоторой части разноплеменного, оседлого и кочевого населения халифата. В 656 г. он был убит противниками его власти в столице государства Медине. По преданию, смерть застигла Османа за чтением полного списка Корана, листы которого были обгрызены кровью умирающего.

Перенесемся теперь мысленно в значительно более поздние времена в Среднюю Азию. Известный венгерский ориенталист А. Вамбери, побывавший в 1863 г. в Самарканде во время своего шумевшего в то время описания поездки в Среднюю Азию инкогнито (под видом странствующего дервиша-паломника), посетил гробницу Амира Темура. Здесь он видел возвышение, на котором лежал большой Коран (in folio), написанный на коже газели. «Я слышал, — писал Вамбери, — от многих и верных людей, что это тот самый экземпляр, который был написан вторым халифом. Прославленный полководец Темури привез с собой эту святыню из сокровищницы турецкого султана Баязета в Бурсе. С того времени этот Коран хранят здесь как драгоценность»².

В 60-е годы XIX столетия была открыта еще одна страница в судьбе Корана Османа. Продолжая осуществлять предпринятую правившими кругами Российской империи политику вооруженной экспансии, царские войска, преодолевая сопротивление населения, все глубже вторгались в Среднюю Азию. В 1868 г. они вошли в Самарканд, включенный затем в состав Зарафшанского округа, созданного имперскими властями Туркестанского генерал-губернаторства. Главой округа был назначен генерал Абрамов, которому стало известно, что в мечети Ходжа Ахрар находится старинный и редкий список Корана,

¹ Известный арабский путешественник Абу Мухаммад Ибн Батутта (1304—1377), побывавший и в Средней Азии, в описаниях своих странствований сообщал о том, что ему довелось видеть два экземпляра Корана Османа: один в мечети Дамаска, другой в мечети Али в Басре (на юге Ирака). См.: The travels of Batutta. A. D. 1325—1354. Ed. By H. A. R. Gibb. V. 1—2. Camnidj. 1958—1962 (V. 11, S. 64—66). Из публикаций наших дней: Милославский Г. Ибн Батутта. М., 1974. 78 с. См. также: Brokelman C. Geshiynte der arabischer literatur. Veiman—Berlin. 1858, bd. 1. S. 100—105.

² Вамбери Арминий. Путешествие по Средней Азии из Тегерана через Туркменскую пустыню по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 году с научной целью по поручению венгерской Академии в Пеште. СПб., 1865. С. 252—253. См. также: Хорошкин А. П. Первый Коран // Сборник статей (касающихся до Туркестанского края). СПб., 1876. С. 238—241.

неизвестно как оказавшийся в Самарканде и обращавший к себе «особенное внимание как жителей Самарканда, так и приезжающих в Самарканд лиц»³.

Теперь уже невозможно установить, при каких именно обстоятельствах Коран оказался вне стен мечети. В официальных документах утверждается (в сообщениях Абрамова начальству), что имамы с «готовностью» пошли на его передачу, ибо (якобы по их словам) «Коран этот уже никто читать не умест и никакого значения ни для мусульман, ни для самой мечети он не имеет».

Поверить такому утверждению крайне трудно и даже невозможно. Могли ли имамы не знать о редкости и значении для верующих Корана Османа? И почему по вступлении царских войск в Самарканд (по данным того же Абрамова) именно духовенство пыталось скрыть Коран и тайно перевезти его в «священную Бухару»? Скорее всего, дело не обошлось без определенного нажима на имамов, настоятельных уговоров, запугивания и скрытых угроз. Так или иначе, по после единовременного, по сути дела символического пожертвования в пользу мечети, Коран Османа все же перешел в руки Абрамова. Так впервые за несколько столетий Корану Османа было суждено оказаться за пределами мусульманского мира.

Всемогущий по тем временам генерал-губернатор Туркестанского края К. П. фон Кауфман — многоопытный и умелый колонизатор и царедворец, любивший выступать в роли меценатствующего покровителя науки и культуры, счел за благо передать отправленный из Самарканда в Ташкент Коран Османа в дар императорской Публичной библиотеке в Санкт-Петербурге, что и было исполнено. В ответ на это честолюбивый Кауфман получил благодарность царского Министерства просвещения.

Так Коран Османа по воле судьбы оказался в далекой от Туркестана и других стран мусульманского мира столице царской империи Санкт-Петербурге. При всем том все же открытым продолжал оставаться вопрос: как Коран Османа появился в Средней Азии?

Поиском ответа на этот вопрос занялся находившийся в Самарканде во время передачи Корана Османа генералу Абрамову ученый-востоковед А. Л. Кун — питомец восточного факультета Санкт-Петербургского университета, который, еще будучи студентом, был удостоен почетного стипендиата за свое сочинение «Обозрение Корана в религиозном и юридико-политическом отношении».

Куна не удовлетворили путаные и псевдонаучные данные, содержащиеся в переписке Абрамова, и он составил свою записку о Коране Османа, в которой воспроизвел известные науке наиболее достоверные сведения о его происхождении и о том, почему мусульмане именovali Коран Османа еще и «Калями-Шериф» («Святое перо»).

Наладив контакт со служителями мечети Ходжа Ахрара, Кун, в частности, установил, что и они не располагали точными данными

³ Кун А. Л. Коран Османа // Туркестанские ведомости. 1870. № 1.

относительно истории появления на свет Корана Османа, но хорошо знали содержание сложившихся о нем и передававшихся из уст в уста народных преданий и легенд. С их слов Кун вел записи, уделив при этом особое внимание преданию, речь в котором шла также о том, каким образом Коран Османа оказался в Туркестане.

Предание связывало это обстоятельство с именем широко известного в то время богослова и видного общественного деятеля Ходжа Ахрара. Один из его приверженцев (мюридов), — как гласит предание, — признанный целитель от болезней, совершал паломничество в Мекку, посетив по дороге Рум (Константинополь). Здесь он был приглашен к тяжело захворавшему правителю и молитвами и лекарствами возвратил ему здоровье, за что ему было предоставлено «право требовать всего, чего он захочет» (излюбленный мотив сказок и легенд всех времен и народов. — Б. Л.). Мюрид Ходжа Ахрара пожелал лишь одного: передать ему из собрания правителя Корана Османа, что и пришлось исполнить. Правда, правитель рассчитывал, что он в скором времени сумеет вернуть эту священную книгу обратно в обмен на драгоценные камни и деньги. Но мюрид Ходжа Ахрара уже сумел и успел быстро переправить Коран Османа своему высокому покровителю. Некоторое время Ходжа Ахрар держал Коран Османа при себе, а затем передал его в основанную им же в Самарканде мечеть, обретшую его имя, чем еще больше увеличил свою славу⁴.

По другим сведениям, которые тогда и впоследствии разделял Кун, Коран Османа входил в число книг, доставленных в Самарканд по велению самого Амира Темура. Эта версия казалась наиболее вероятной и приемлемой, так как Коран Османа очевидно был привезен в Среднюю Азию именно из Ирака или Сирии — стран, с которыми была связана деятельность халифа Османа и которые входили в состав создавшейся волей и гением Амира Темура мировой империи.

Тем временем Коран Османа, хранившийся в Публичной библиотеке Санкт-Петербурга, стал привлекать к себе внимание ученых как редчайший памятник прошлого. Выполнить задачу по специальному его изучению выпало на долю А. Ф. Шебунина.

⁴ О Ходжа Ахраре см.: Болдырев А. Н. Еще раз к вопросу о Ходжа Ахраре // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке. М., 1985. С. 47—63; Каримов Э. Э. Некоторые черты хозяйственной и политической деятельности Ходжа Ахрара // Узбекистан: страницы истории. Ташкент, 1991. С. 5—9; Лунин Б. В. Из истории религиозно-нравственного отвращения социологической мысли в Центральной Азии (Ходжа Ахрар: личность, деятельность, судьба) // Ижтимоий фикр. 1998. С. 54—61. См. также приписку Куна в его статье о Ходжа Ахраре: «Я имел случай показать знаменитый Коран Османа посланцу эмира Бухары Яхия Ходжа. Последний тотчас признал его за подлинный, то есть первоначальный, с которого списывались копии, распространявшиеся в мусульманском мире» // ЦГИА РУз. ф. Р—2. л. 23. л. 12. Предания и легенды о Коране Османа см. также: Хороших А. П. Первый Коран // Сборник статей (касающихся до Туркестанского края). С. 238—241; Остроумов Н. П. Коран Османа. Ташкент, 1901. С. 124—133; Верещагин В. В. Письмо в редакцию газеты «Новости» (1885. № 106); Дмитриевский Н. В. Маргеланские письма // Туркестанские ведомости. 1896. № 82.

В опубликованном в 1892 г. исследовании⁵ Шебунин констатировал, что Коран Османа содержит в себе 353 листа шириной 68 и высотой 53 см каждый. Материал — толстый, крепкий пергамент. Гладкий и глянцеви́тый текст занимает место размером 50 × 44 см. Число строк на каждом листе всегда неизменно — 12. Почерк «куфи» — крупный, прямой, красивый, строго пропорциональный, но не угловатый. Каждая из входящих в текст сур Корана разделена незаполненными промежутками в одну-две строки. 69 листов (когда-то вырванных или утерянных) заменены бумажными, похожими на пергамент.

Шебуни́н впервые отметил особенности письма Корана Османа и, что особенно важно, осуществил ценнейшее «полюное описание орфографической системы текста», кропотливо выявив также поправки и подчистки, производившиеся самим писцом (первым) текста, а также более поздние. Им также было установлено, что в начале XIX в. имам мечети Муган в Самарканде Абдурахим ал-Утузгани (ум. в 1250/1834—1835 г.) пытался предохранить от дальнейшей порчи некоторые из приходявших в ветхость листы Корана Османа путем старательного доклеивания и обклеивания оборванных или отстающих углов и краев.

Тщательный анализ палеографических данных позволил ученому строго научно обосновать и дату написания Корана Османа — начало первой четверти VIII в. Место происхождения, вероятнее всего Ирак. По сопоставительным данным наиболее близок «самаркандскому» экземпляру древний куфический Коран, находящийся в Мекке.

Заслуга Шебунина заключается и в том, что он столь же обстоятельно изучил и описал, для сравнения, и другой экземпляр Корана Османа из библиотеки хедива (правителя Египта) в Каире, «поражающий своим необыкновенным сходством с «самаркандским» и, тем самым, ввел также каирский экземпляр в научный обиход⁶.

На основе последних достижений науки И. Ю. Крачковский осуществил кропотливый, строго научный и компетентный для того времени перевод Корана Османа на русский язык, хотя при жизни не успел доработать его отдельные места.

Перевод И. Ю. Крачковского выдержал несколько изданий, хотя ныне он требует дополнительного изучения. Эта трудная задача поставлена сейчас перед учеными-востоковедами Узбекистана. Как полагает И. Абдуллаев, «достичь полного соответствия с оригиналом при переводе очень сложно, в некоторых случаях просто невозможно. Необходимо знать в совершенстве не только язык оригинала, но и исторические условия, в которых рождался Коран, экономические

⁵ Шебуни́н А. Ф. Куфический Коран Санкт-Петербургской Публичной библиотеки // Записки Восточного отделения Археологического общества. Т. XIV. Спб., 1902. С. 119—154.

⁶ Шебуни́н А. Ф. Куфический Коран хедивской библиотеки в Каире // Записки Восточного отделения Археологического общества. Т. VI. Спб., 1892. С. 69—133.

отношения той далекой эпохи, политическую расстановку сил, географию, множество комментариев, сопровождавших Коран»⁷.

Работы ученых вызвали повышенный интерес читательской аудитории к Корану Османа. Тексты его отдельных листов стали фотографироваться, издаваться литографическим способом и поступать в продажу. В 1905 г. Б. И. Успенским и С. И. Писаревым было подготовлено к печати в Санкт-Петербурге роскошное факсимильное издание Корана Османа почти в натуральную его величину ограниченным тиражом 50 экз. Он реализовывался за крупную по тем временам сумму (500 руб.) и очевидно был рассчитан на состоятельных любителей и ценителей книги или на располагавших необходимыми средствами общины верующих мусульман⁸.

Еще одна страница в судьбе рукописи Корана Османа была открыта после октябрьского переворота 1917 г. в России и насильственно осуществленного прихода к власти большевиков.

Известно сугубо отрицательное и притом фанатически непримиримое отношение большевистского руководства, относившего себя к материалистам-атеистам, ко всем религиям как оппозитному для народа.

Уже с ноября 1917 г. в России началась первая из крупных антирелигиозных кампаний: стали закрываться и ликвидироваться монастыри, церковь лишилась права юридического лица, производилась частичная ревизия церковного имущества, было положено начало репрессивным мерам в отношении духовенства.

В то же время вождь большевизма Ленин как опытный и при необходимости гибкий политик был несколько осторожен и сдержан в отношении мусульманского населения страны. В связи с этим он, в частности, отмечал: «Что же мы можем сделать по отношению к таким народам, как киргизы, узбеки, таджики, туркмены, которые до сих пор находятся под влиянием своих мулл?»

Отсюда и стремление не раздражать поначалу и до поры коренное население Средней Азии мерами антирелигиозного, атеистического характера, хотя фактически здесь повсеместно стала усердно насаждаться идеология так называемого «научного атеизма».

Но в те дни, о которых идет речь, Ленин предпочел действовать и по-другому.

Нужен был умиротворяющий жест в адрес верующих мусульман, следовало задобрить их, продемонстрировать их лояльность к вековым традициям. Тем более, что мусульманская общественность отнюдь не переставала интересоваться судьбой священной для верующих рукописи Корана Османа и не хотела мириться с тем, что она пребывала в чуждой для них среде.

Вскоре после октябрьского переворота 1917 г. Краевой мусульманский съезд обратился с письмом на имя созданного большевиками

⁷ Абдуллаев И. А. Возвращение Корана // Правда Востока. 1990, 13 февр.

⁸ Коран самаркандский, куфический Коран, по преданию писанный собственноручно третьим халифом Османом. Издано при Санкт-Петербургском Археологическом институте. СПб., 1905. С. 708.

Комиссариата по делам национальностей, в котором отмечалось, что Коран Османа как «священное сокровище и достояние всего мусульманского мира должен находиться в руках самих мусульман. Все мусульмане России желают этого».

В декабре 1917 г. СНК вынес постановление выдать мусульманскому съезду Коран Османа, находившийся в Публичной библиотеке. Он был доставлен в Уфу и передан общине верующих мусульман (с 1788 г. в Уфе находилось Духовное управление мусульман всей России — «Духовное собрание магометанского закона», как оно именовалось в Российской империи).

Между тем о Коране Османа как выдающемся и редчайшем памятнике истории культуры не забывали и в Средней Азии, откуда он был вывезен в Уфу⁹.

То было время, когда в Бухаре, Самарканде и Ташкенте стали возникать общественные и бюджетные организации, аналогичные Комитетам по охране памятников старины и искусства. Вокруг них формировались энтузиасты науки и культуры, а также знатоки восточных рукописей. Были среди них и активисты джадидского движения или близко стоявшие к нему ученые и общественные деятели, представленные именами Фитрата, М. Саиджанова и другими известными лицами (впоследствии ставшими жертвами сталинских репрессий, которые были арестованы и расстреляны по стандартному обвинению в «преступном участии в националистических действиях»).

Они энергично добивались, в частности, возврата Корана Османа в Туркестан. Их настойчивые хлопоты привели к тому, что по этому поводу центральными органами страны было принято специальное постановление.

В июле 1923 г. известному востоковеду А. Э. Шмидту, работавшему тогда в Ташкенте, но находившемуся в командировке в Москве, было поручено выехать в Уфу и включиться в состав посланцев Узбекистана для получения Корана Османа. В состав этой группы наряду с другими входили и представители мусульманского духовенства. Коран Османа был ими получен и доставлен поездом в Ташкент в специально выделенном вагоне¹⁰. В здании медресе Ходжа Ахрара он был передан духовенству и впоследствии вошел в состав собрания Главного среднеазиатского музея, а затем пополнил фонды Музея истории народов Узбекистана.

⁹ По некоторым данным имел место и такой эпизод, когда после Февральской революции 1917 г. в России солдаты — мусульмане из состава расквартированного в Петербурге одного из полков пытались явочным порядком вернуть себе эту реликвию, но были отогнаны от библиотеки властями Временного правительства (см.: Неклесса Г. Трудный путь, благополучный финал // Правда Востока. 1994. 7 янв.)

¹⁰ Подробнее см.: Лукин Б. В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Ташкент, 1965. С. 99—108; Садыкова Н. С. Как «Коран Османа» был возвращен Туркестанской республике // Материалы по истории Узбекистана. Сб. статей. Ташкент, 1966. С. 32—39; Зияев Х. Подлинный экземпляр Корана // Шарқ юлдузи. 1999. № 1.

Спустя годы в марте 1889 г. в Ташкенте состоялся IV курултай мусульман Средней Азии и Казахстана, на котором Коран Османа был торжественно возвращен верующим и вновь поступил в ведение Духовного управления мусульман Мавераннахра, войдя в состав бережно сохраняемых книжных (рукописных) собраний как святыня ислама и выдающийся памятник мусульманской культуры.

Примечательным явлением в ходе изучения истории Корана Османа стала посмертно опубликованная работа Шейха Исмаила Махдума Согди Ахунд Оглы, датируемая 1971 годом¹¹. В ней Коран Османа рассматривается современным ученым-богословом как величайший памятник раннего ислама. Здесь приводится подробная справка о его происхождении и последующей судьбе. Излагаются также данные, свидетельствующие о том, с каким почтением и благоговением относятся к Корану Османа виднейшие религиозные, государственные и общественные деятели зарубежных стран Востока — гости Духовного управления мусульман Мавераннахра (Ташкент).

Тексту книги сопутствует составленный автором указатель литературы, не претендующий на полноту, но показательный в том отношении, что Коран Османа не перестает привлекать к себе внимание в разных странах мира. Данные о нем, в частности, содержатся в публикациях, увидевших свет в Бейруте, Джидде, Каире, Тунисе и других городах Востока.

В заключение добавим, что и сегодня остается открытым вопрос о возможности вхождения Корана Османа в библиотеку, собранную по воле Амира Темура. Данное предположение вполне закономерно, ибо общеизвестно, с каким уважением и заботой относился Амир Темура ко всему, что было связано с историей ислама, и о тех мерах, которые он предпринимал по сохранению зданий религиозного культа и их приумножению путем возведения новых.

Такова по последним данным науки история Корана Османа и одного из старейших его списков, оказавшегося на земле Узбекистана (в Самарканде, а затем в Ташкенте).

¹¹ Шайх Исмаил Махдум. Тошкендаги Усмон Мухафизнинг тарихи. Арабчадан Абдуллоҳ Шайх Исмаил Махдум ўгли таржимаси. Тошкент: Мовароуннахр, 1995, 80-бет.

Мустақиллик тарихининг илк саҳифалари

Э. Нуриддинов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ: АСОСЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин унинг олдида ички тузлиш ишларини бажариш ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборат мураккаб вазифалар кўндаланг бўлиб турди. Маъмурий буйруқбозлик тизими меросидан воз кечиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган демократик ҳуқуқий жамият асосларини барпо этишга ўтиш халқни ёппасига сафарбар этишни, мамлакат сиёсий раҳбариятининг қатъий йўл тутишини талаб қилди.

Суверен мустақил давлатлар учун ички ва ташқи сиёсат ижтимоий-сиёсий ҳамда давлат ҳаётини ташкил этишининг ўзаро боғланган ва ўзаро шарт қилиб қўйилган таркибий қисми ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон ташкил топишининг дастлабки босқичида ривожланишнинг асосий вазифаларидан бири сифатида ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўлининг эълон қилиниши бўлди. Шу муносабат билан мамлакат раҳбарияти иқтисодий ўзгаришларнинг илмий асосланган аниқ ва равшан дастурини ишлаб чиқди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ислохотларнинг натижалари ва умуман мамлакатнинг ички ривожланиши давлат томонидан амалга ошириладиган ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг самарадорлик даражасига ҳамда унинг фаоллик мезонларига боғлиқ бўлади. Суверен давлат бўлган Ўзбекистон хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиб, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ ўзининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий устувор йўналишларини белгилаб олишга ва халқаро муносабатларда ўзининг иштирок этиш стратегиясини ишлаб чиқишга киришди. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатига қуйидаги муҳим тамойиллар асос қилиб олинди:

1. Ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устулиги;
2. Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
3. Мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик қилиш учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
4. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички давлат нормаларидан устуворлиги;

5. Ташқи алоқаларни ҳам ички томонлама, ҳам кўп томонлама битимлар, келишувлар асосида ривожлантириш¹.

Ўзбекистон бу тамойилларга амал қилар экан, қисқа муддат ичида жаҳон ҳамжамиятига кириш йўлида муайян натижаларга эришди, жаҳон хўжалик тизимига изчиллик билан интеграциялашув учун барча зарур шарт-шароитларни яратди. Шу муносабат билан И. А. Каримов қуйидагиларни таъкидлади: «Биз мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан ривожланган бозор тизимига эга бўлган демократик давлат ҳақидаги ҳозирги замон тушунчаларига мос келган тақдирдагина жаҳон ҳамжамиятига киришимиз мумкинлигига асосланамиз. Айни чоғда мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик ўрнатган тақдирдагина, яъни халқаро меҳнат тақсимотида ўзининг муносиб ўрнини топгандагина уни замонавийлаштириш мумкин бўлади»².

Халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли янаширишисини бўлиш ва халқаро меҳнат тақсими тизимига интеграциялашув учун давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятида керак бўладиган барча зарур шарт-шароитларни яратиш талаб этилади. Аввало ҳуқуқий тизимни яратиш керак, чунки ташқи сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири, И. А. Каримов айтиб ўтганидек, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган нормаларига риоя қилиш ва халқаро андозаларга изчиллик билан ўтишдан иборат³.

Шу муносабат билан 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги⁴ ва «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги⁵ қонуни қабул қилинди, улар иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларида иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларида бозор усулларига секин-аста ўтишда, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини янада кучайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги махсус Фармони⁶ асосида давлат органла-

¹ Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 287—288-бетлар.

² Уша жойда, 290-бет.

³ Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 323-бет.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида/Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Тошкент, 1992. 9-сон, 153—154-бетлар.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар тўғрисида»ги қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунини/Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. Тошкент, 1992. 9-сон, 154—157-бетлар.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш

рининг ички бозорни кундалик эҳтиёж моллари билан бойитиш соҳасидаги биринчи навбатдаги чора-тадбирлар белгилаб берилди. Фармонда, шунингдек, қўшимча капитал маблағлар жалб қилиш, илғор технологиялар ва бошқарув тажрибаларидан фойдаланиш, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини ва умуман республиканинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳам назарда тутилган эди.

Ҳали мустақил ривожланишнинг бошланғич босқичидаёқ Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ бўлган вазифалар давлат фаолиятининг ана шу соҳаси институционал тузилишини такомиллаштириш зарурлигини илгари сурди.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 21 февралдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил топди⁷, унинг асосий вазифалари — республика учун хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш асосида давлатимизнинг ташқи иқтисодий сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш; ташқи савдони рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш; ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари операцияларини назорат қилиш; республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишдан иборат эди.

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти тизимини шакллантириш зарурлиги ички эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида жаҳон молиявий тизимга жадаллик билан интеграциялашув вазифасини илгари сурди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 7 сентябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ташкил этилди⁸, у бугунги кунга келиб Марказий Осиёдаги энг йирик тижорат банки бўлиб қолди. Банк ўз эътиборини хорижий кредитларни ва бевосита инвестицияларни жалб этишга қаратмоқда. Ҳозирги вақтда мазкур миллий банк жаҳон банклари, суғурта компаниялари ва халқаро молия институтлари томонидан берилган 25 та кредит линияларига хизмат кўрсатади⁹.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида хорижий инвестициялар масаласига бевосита тааллуқли бўлган қонунлар муҳим ўрин тутadi. «Агар Ўзбекистон яқин вақт ичида ўз мақсадлари ва муддаоларига эришини истар экан,— деган эди И. А. Каримов,— хорижий мамлакатлардан, ривожланган

ва ҳимоя қилиш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Фармони//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Тошкент, 1992. 9-сон, 238—240-бетлар.

⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш» тўғрисидаги Фармони//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Тошкент, 1992. 4-сон, 136-бет.

⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкни ташкил этиш» тўғрисидаги Фармони//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. Тошкент, 1991. 11-сон, 62-бет.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг жорий архиви. Матбуот хизмати. ЎзР ТИФ МБ фаолияти тўғрисида ахборот материали. 6-бет.

давлатлардан инвестициялар жалб қилмасдан туриб, белгиланган режаларни амалга ошириб бўлмайди»¹⁰.

Хорижий инвесторларнинг самарали фаолият кўрсатиши кафолатларини таъминлаш, хорижий молиявий ва бошқа ресурсларни, замонавий чет эл технологияси ва бошқарув тажрибасини жалб қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига, шунингдек, унинг жаҳон тизимига интеграциялашувига кўмаклашиш учун 1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди¹¹. Бундан ташқари республикада «Ўзбекинвест» миллий сугурта компанияси¹² ва Устав сармояси 100 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлган «Ўзбекистон Интернейшнл» халқаро компанияси ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистондаги инвестицион тақлифларни тайёрлаш ва амалга оширишда хорижий инвесторлар ва маҳаллий ҳамкорларга амалий ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 21 августдаги Фармони билан ноҳукумат ташкилот мақомига эга бўлган хорижий инвестициялар бўйича Агентлик ташкил этилди¹³. Вақт ўтиши билан иқтисодий ўсишнинг жадал боришини таъминлаш, республика иқтисодиётига хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларини жалб қилиш ва умуман жаҳон андозаларига эришиш учун хорижий инвестициялар соҳасидаги мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш зарурати объектив равишда пайдо бўлди.

Шу муносабат билан 1998 йил 30 апрелда мамлакатимиз парламенти янги ҳужжат — «Хорижий инвесторлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни¹⁴ ва «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қонун қабул қилди¹⁵. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистоннинг инвестицион сиёсати хусусида бундай деб таъкидлаган эди: «Биз ўз республикамизда инвесторлар учун ниҳоятда қулай инвестиция иқлимини яратдик. Бу нарса ўз натижаларини бермоқда. Қўпгина хорижий компаниялар ва банклар биз билан ишлаш-

¹⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонуни»/Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Тошкент, 1994. 5-сон, 196—203-бетлар.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси: Фармонлар ва қарорлар. Тошкент, 1994. 256-бет.

¹² Ўзбекистон Республикаси: Фармонлар ва қарорлар. 4-китоб. Тошкент, 1996 65-бет.

¹³ Қаранг: Хорижий инвестициялар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни/Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Тошкент, 1998 5—6-сонлар, 348—358-бетлар.

¹⁴ Қаранг: Ўша жойда 360—365-бетлар.

¹⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қонуни»/Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Тошкент, 1998. 6-сон, 360—365-бетлар.

ни истамоқдалар, ўз сармояларини қўймоқчилар, бизни ўзларининг истиқболли ҳамкорлари деб билмоқдалар»¹⁶.

Давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1999 йилда иқтисодиётнинг устувор тармоқларида 1324 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Барча капитал маблағларнинг тахминан 24 фоизи хорижий инвестициялар ҳисобига тўғри келди¹⁷.

Бироқ давлатимизнинг ташқи иқтисодий сиёсатида инвестиция соҳасидаги ана шундай муваффақиятларга қарамасдан ҳали ҳал этилмаган кўпгина муаммолар бор. Бундан ташқари, вақт ўтиши билан республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ва умуман жаҳон миқёсидаги ўзгаришлар нуқтан назаридан мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятидаги қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда. Президент И. А. Каримов биринчи қақариқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясида худди ана шу нуқтан назардан қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш керак. Менинг фикримча, у ҳаддан зиёд регламентлаштирилган. Унда иқтисодий, тариф соҳасида тартибга солишдан кўра маъмурий тартибга солиш устушлик қилади. Биз ташқи иқтисодий фаолиятнинг бутун дунёда қабул қилинган цивилизацияли шакллариға тезроқ ўтишимиз лозим»¹⁸.

Бу фикр давлатимиз раҳбари томонидан унинг иккинчи қақариқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги ва ислохотлар ҳамда инвестициялар бўйича Идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисидаги нутқларида ҳам чуқурлаштирилди.

Ана шу вазифаларни амалға ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни ишлаб чиқилди ва иккинчи қақариқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясида (2000 йил, май) янги таҳрирда қабул қилинди¹⁹. Унга ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнини акс эттирувчи янги қондалар киритилди. Бунга хусусан қўйидаги қондалар киради: ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги тўғрисида; хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни амалға оширишда камситишга йўл қўймаслик тўғрисида; ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ўз ҳуқуқлари ва манфаатлариға дахлдор ахборотдан фойдаланишға рухсат этиш ҳақида; Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амалдаги қонунчилик қондаларидан устушлиги тўғрисида; ташқи иқтисодий фаолиятни тартибға солиш иқтисодий усулларининг маъмурий усуллардан устушлиги тўғрисида.

¹⁶ Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бош вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаси//Халқ сўзи, 2000 йил 15 февраль.

¹⁷ Ўша жойда.

¹⁸ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, 1999. 33-бет.

¹⁹ Халқ сўзи, 2000 йил 9 июнь.

Хорижий ҳамкорлар билан ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган ҳаракат сифатидаги ташқи иқтисодий фаолиятнинг моҳиятидан келиб чиқиб, янги қонунда мазкур фаолиятни амалга оширишнинг асосий шакллари аниқлаб берилди. Булар — халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик; ташқи савдо фаолияти; хорижий инвестицияларни жалб қилиш; Ўзбекистон ташқарисидagi инвестиция фаолиятдан иборатдир.

Қонун ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг республика ташқарисидa ўз ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмаларини очиш тартибини назарда тутadi. Шунингдек, Қонун Вазирлар Маҳкамаси ва давлат бошқаруви органларининг ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш соҳасидagi асосий ваколатларини ҳам тартибга солади. Айни вақтда унда давлат органларининг ташқи иқтисодий фаолиятда бевосита иштирок этиши, яъни уларнинг халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларга киришуви назарда тutilади.

Қўриб турибмизки, Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини янада ривожлантиришга ва унинг истиқболини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу билан бирга янги қонунда мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти шакл ва усулларига киритилган тузатишлар, кейинги йилларда жаҳон хўжалик тизимида рўй берган ўзгаришларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда иқтисодий алоқаларнинг жаҳон андозаларига жавоб берадиган зарур шарт-шароитларни ўз вақтида таъминлаш учун жавобгар бўлган давлатнинг юксак роль ўйнашидан далolat беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақиллик йилларида республикада қабул қилинган барча ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мустақил давлат сифатида фаол ташқи иқтисодий фаолият кўрсата бошлади, бундан мақсад жаҳон хўжалик тизимига тўла қўшилишдан иборат эди. Бу жараён Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалари изчил ривожланиб бораётганлигида кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий стратегиясининг муҳим таркибий қисми Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантиришдир.

ЕИ билан иқтисодий алоқаларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида, ҳамда Ўзбекистоннинг стратегик манфаатларини кўзлаган ҳолда 1996 йил 21 июнда шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди ва 1999 йил 1 июлдан кучга кирди²⁰. Мазкур битимнинг аҳамиятига баҳо бериб, Президент И. А. Каримов бундай деб таъкидлади: «Бу, шак-шубҳасиз, муҳим воқеа бўлиб, муносабатларимизнинг янги, бурилиш босқичидан иборатдир... Биз мазкур муносабатларни мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга ва жаҳон хўжалигига интег-

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Европа мамлакатлари Бошқармаси жорий архиви (бундан кейин ЎЗР ТИВ ЕМБ ЖА). ЕИ билан ЎЗР ўртасидаги ахборотлар папкаси. 27—28-бетлар.

рациялашувига қаратилган ўз ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири деб биламиз²¹.

Ўзбекистон ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо ҳамкорлигини муваффақиятли амалга ошира бошлади. Агар 1992 йилда Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги савдо обороти 546,8 млн. АҚШ доллари миқдорида бўлса, 1995 йилда 1063,4 млн. АҚШ долларига, 1999 йилда эса бу кўрсаткич 1464,2 млн. АҚШ долларига етди²².

Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан ташқи савдоси ижобий сальдога эга эканлигини, яъни республикадан экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми ЕИ мамлакатларидан келтирилаётган маҳсулотлар ҳажмидан ортиқ бўлаётганлигини айтиб ўтиш муҳимдир. Шу билан бирга Ўзбекистондан экспорт қилинаётган товарлар таркибида пахта толаси, рангли металллар ва улардан ишланган буюмлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, қора металллар, тўқимачилик маҳсулотлари ва ҳоказолар бирмунча кўпроқ миқдори ташкил этади²³.

Шунга мувофиқ равишда ЕИ мамлакатларидан келтирилаётган товарлар ичида асбоб-ускуналар ва технологиялар, асбоблар ва оптик аппаратлар, қимматбаҳо металл буюмлар, электротехника ускуналари ва ишлаб чиқариш техника аҳамиятига эга бўлган бошқа маҳсулотлар кўпчиликти ташкил этди.

Республикамиз билан Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида иқтисодий алоқалар самарали ривожланиб бормоқда. Қайд этилиб ўтилган даврда Ўзбекистонда 70 дан ортиқ энг йирик фирма ва компаниялар, халқаро консорциумлар ва банклар ўз ваколатхоналарига эга бўлганлиги ана шундан далолат беради. ЕИ мамлакатлари орасида Европанинг Германия (18), Буюк Британия (17), Франция (9), Австрия (6), Нидерландия (4), Италия (4), Бельгия (3) каби мамлакатларига энг кўп ваколатхоналар тўғри келади²⁴. Мазкур мамлакатларнинг фирма ва компаниялари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида ҳозиргача 400 дан ортиқ қўшма корхоналар ташкил этилган. Энг кўп миқдордаги корхоналар Буюк Британия компаниялари билан (97), Германия (92), Италия (30), Ирландия (19), Австрия (18), Греция (13), Франция (9) компаниялари билан биргаликда тузилган²⁵. Таъсисчилар орасида жаҳонга машҳур «Мерседес-Бенц», «Саламандр АГ», «Тиссен», «Алкатель», «Хехст», «Лонро» ва бошқа фирмалар бор. Ўзбекистон—Италия қўшма корхонаси «Ўзпласт-

²¹ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини дипломатик панорамаси // «Жаҳон» ахборот агентлиги. Тошкент. 1996. 5-сон, 7-бет.

²² Ўзбекистон Республикаси Макронқтисодиёт ва статистика вазирлиги (бундан кейин ЎзР МСВ). Давлат статистика департаменти. Ўзбекистон Республикасининг йиллар бўйича халқаро товар обороти ҳажми юзасидан ахборот. 1-бет.

²³ Уша жойда. 3-бет.

²⁴ ЎзР ТИВ ЕМБ ЖА. 16-папка. Германия, 128-бет; Буюк Британия бўйича ахборотлар папкаси. 82-бет; 15-папка, Франция, 38-бет; Австрия бўйича ахборотлар папкаси. 43-бет; 12-папка, Нидерландия, 29-бет; 5, 8-папкалар, Италия 31-бет; 3-папка, Бельгия, 27-бет.

²⁵ ЎзР МСВ Давлат статистика департаменти. Ўзбекистонда ишлаб турган қўшма корхоналар миқдори ҳақидаги ахборот. 43-бет.

итал», ўзбек-британ «Ўзбат» корхонаси, ўзбек-герман «Саламандр», ўзбек-француз «Текний» ва бошқа корхоналар республикада ва ундан ташқариларда ҳам машҳурдир²⁶. Буларнинг ҳаммаси давлатимиз амалга ошираётган ташқи иқтисодий сиёсатнинг ҳаётчанлигидан, унинг Ўзбекистон билан ЕИ мамлакатлари ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро манфаатли алоқаларининг мустаҳкамланиб ва кенгайиб боришига қаратилганидан далolat беради.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсатида Осиё қитъаси мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Осиё мамлакатлари жаҳон иқтисодиётидаги етакчи ўринларга секин-аста чиқиб бормоқдалар, жаҳоннинг кенг транспорт-коммуникация имкониятларига эга бўлган муҳим савдо, молиявий марказларига айланмоқдалар. Шу туфайли ҳам Ўзбекистон мазкур минтақа мамлакатлари, хусусан Япония, Жанубий Корея ва Хитой билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириб бормоқда, уни янада чуқурлаштиришдан манфаатдордир.

Ҳозирги вақтда 1999 йилдаги маълумотларга қараганда, Ўзбекистоннинг ана шу давлатлар билан товар обороти тегишли равишда 172,5 млн.; 526,8 млн.; 80,3 млн. АҚШ долларини ташкил этади²⁷.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсатида республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурини амалга ошириш нуқтан назаридан Африка мамлакатлари катта қизиқиш уйғотади. Шу билан бирга ҳукумат асосий эътиборни қайта ишлаш даражаси чуқурроқ бўлган маҳсулотларни сотишга қаратмоқда. Бундай шароитда Ўзбекистоннинг ана шу минтақа мамлакатларига нисбатан ҳуқуқий стратегияси табақалашган ҳолда, аввало халқаро меҳнат тақсими негизида Ўзбекистоннинг иқтисодий эҳтиёжларига асосланиб ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон ўзининг ташқи иқтисодий сиёсатида совет тузumi тарқаб кетгандан кейинги даврда вужудга келган мамлакатларга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Кейинги йилларда МДХ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатлар жадал ривожланмоқда. У ҳақиқатда илгари мавжуд бўлган иқтисодий алоқаларнинг табиий давом этиши сифатида намоён бўлмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон миллий иқтисодиёт манфаатлари нуқтан назаридан Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ва Россиянинг иқтисодий имкониятлари бир-бирига яқинлашувига катта қизиқиш билан қарамоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатлар узоқ муддатли шериклик асосида ривожланмоқда. Ҳар иккала томон бир-бирларининг бозорларидан ўзаро манфаатдордирлар. Товар айланиши умумий ҳажми бирмунча пасайган бўлишига қарамай вилоятлар ва минтақалар, айрим йирик саноат корхоналари даражасида тўғридан-тўғри савдо-иқтисодий муносабат-

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги жорий архиви (бундан кейин ЎзР ТИАВ ЖА). Ўзбекистон вакил қилган хорижий фирмалар ва компаниялар ваколатхоналари ҳақида ахборот. 6, 8-бетлар.

²⁷ ЎзР МСВ Давлат статистика департаменти. Ўзбекистон Республикасининг йиллар бўйича товар оборот ҳажми борасида ахборот. 1-бет.

лар йўлини фаоллик билан излаш жараёни давом этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон—Россия қўшма корхоналари сони изчиллик билан ортиб бораёпти. Ҳозирги пайтда бундай қўшма корхоналар 300 дан ортади²⁸. Уларнинг Ўзбекистон иқтисодиёти турли тармоқларида мавжуд бўлиб, фаолият кўрсатаётгани республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасидаги давлат олиб бораётган сиёсатни ҳал этишга ёрдам беради.

Бироқ, умуман МДХ бўйича иқтисодий жиҳатдан бир-бирига яқинлашишга интилиш устунлик қилса ҳам ҳозирги вақтда молиявий имкониятлар билан боғлиқ айрим қийинчиликлар кўзга ташланмоқдаки, улар цивилизацияли савдо-сотиқни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Бу ўз навбатида мавжуд битимларни амалга ошириш соҳасида мониторинг ўтказиш ҳамда икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни бир хилда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаш вазифасини илгари суради. Шунингдек, замон давлатлардан МДХ иқтисодий макони доирасида эркин савдо зонасини яратиш битимларини амалга ошириш заруратини талаб қилмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги муҳим шериги Америка Қўшма Штатлари ҳисобланади. Икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қўмаклашиш ва Америка инвестицияларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш мақсадида 1993 йилда Америка—Ўзбексавдо палатаси ташкил этилди. Нисбатан қисқа вақт мобайнида бу палата йирик Америка бизнеси доирасида Ўзбекистоннинг инвестиция иқлими иқтисодий салоҳиятини тақдим этиш юзасидан катта ишларни амалга оширди. Бунинг натижасида Ўзбекистон бугунги кунда «Ньюмонт Майнинг», «Энрон», «Ньюкем», «Каргилл», «Боинг», «Доновант», «Уайт энд Кейс» ва бошқа мустақкам ва жаҳон эътироф қилган ишчан шерикларга эга бўлди²⁹.

Америка фирмалари ва компаниялари ёрдамида Ўзбекистондаги қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Агар 1993 йилда Америка—Ўзбек қўшма корхоналари сони 55 та бўлса, 1998 йилга келиб, уларнинг сони 188 тага етди³⁰. Улар орасида «Ўз. Кейс Трактор», «Ўз. Комминг Мотор», «Ўз. Эксайд», «Кока-кола ичимлиги Тошкент ЛТД», «Зарафшон—Ньюмонт», «Андижон полипропилен» ва бошқа қўшма корхоналарни айтиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон билан АҚШнинг савдо муносабатлари тобора ривож топиб бормоқда. 1998 йилда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги товар обороти 181 млн. долларни ташкил этди. Бироқ бу ҳозирча икки мамлакатнинг потенциал имкониятларига мос келмайди. Шу муносабат билан ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва АҚШ кўп томонлама ҳамкорлигининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш жараёни жадал бормоқ-

²⁸ ЎЗР МСВ Давлат статистика департаменти. Ўзбекистонда ишлаб турган қўшма корхоналар миқдори ҳақидаги ахборот. 3-бет.

²⁹ Халқ сўзи. 1998 йил 23 май.

³⁰ ЎЗР МСВ Давлат статистика департаменти. Ўзбекистонда ишлаб турган қўшма корхоналар миқдори ҳақидаги ахборот. 2-бет.

да. Мавжуд битим ва шартномалар мониторинги юзасидан, янгиларини имзолаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Барча тадбирлар албатта Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга ёрдам беради.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсати ҳақида гапирганда, кейинги йилларда республиканинг инвестиция фаолияти ортиб бораётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Хорижий сармояни кенг жалб қилиш асосан таркибий узғаришларни янада чуқурлаштиришга, мустақам моддий-техника базасини яратишга, мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлигини ва иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистон ҳукумати республиканинг 2000 йил учун инвестиция дастурини ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Унда ҳукуматнинг кафолати остида хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига инвестицион лойиҳаларнинг аниқ мўлжалланган дастури алоҳида ифодаб берилган. Бу дастурга 2748,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 52 та лойиҳа киритилган бўлиб, шундан жорий йил прогнозлари бўйича 750,5 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя ўзлаштирилиши мўлжалланади.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур дастур амалда республика халқ хўжалигининг деярли барча тармоқлари ва минтақаларини қамраб олади. Инвесторлар ва кредиторлар сифатида эса нуфузли халқаро молия ташкилотлари, энг йирик банклар ва корпорациялар иш олиб боради. Улар орасида Япониянинг ҳамкорлик банки, Тижорат банк (Германия), Чейз Манхеттен банки (АҚШ) бор бўлиб, мазкур банклар Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишига 618,22 млн. АҚШ доллари сарфлайди, шундан 161,4 млн. АҚШ доллари 2000 йилда ўзлаштирилиши мўлжалланган³¹.

Франциянинг «Сосьете Женерал» банки Фарғона «Азот» бирлашмасида натрий хлорат ва хлорат магнийли дефолиант ишлаб чиқариш қувватини қайта қуриш лойиҳасига 23,3 млн. АҚШ доллари ажратмоқда. Ана шу маблағларни ўзлаштириш қишлоқ хўжалигининг мазкур кимёвий воситалар турларига бўлган эҳтиёжини маълум даражада қондириш имконини беради³².

Ижтимоий соҳаларга ҳам йирик капитал сармоялар ишлатилмоқда. Республика шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш марказини қуриш, реконструкция қилиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга Испания ҳукумати билан Германиянинг КВФ банки 37,81 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратмоқда. Халқаро қайта қуриш ва тараққиёт банки «Ўзбекистон: тоза сув, санитария ва гигиена» дастурини амалга ошириш учун жорий йилда 11 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратади. Умуман лойиҳа бўйича жами 75 млн. АҚШ доллари сарфлаш режалаштирилган³³.

³¹ Халқ сўзи. 2000 йил 27 январь.

³² Уша жойда.

³³ Уша жойда.

Коч гуруҳи (Туркия), Халқаро молия корпорацияси ва Европа тиклаш ва тараққиёт банки (ЕТБ) 59,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағни бирлаштириб, Самарқанддаги «Сино» АЖ базасида маиший совутигичлар ишлаб чиқариш бўйича «Арсин» қўшма корхонасини ташкил этишда ёрдам кўрсатишни ният қилганлар³⁴.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш юзасидан ўнларча миллион доллар миқдорида кредит ҳисоблари очилган бўлиб, уларда ЕТБ, Халқаро молия корпорацияси, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, ватанимиздаги тижорат банклари иштирок этмоқдалар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида давлат—мамлакатдаги асосий ислохотчи бўлиб халқаро майдонга чиқаётганлигини кўрамиз. Бу ерда жамият ҳаётининг барча йўналишларида изчил ислохотлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиши жаҳон андозаларига жавоб берадиган зарур ҳуқуқий база яратилиш билан бирга, республиканинг жаҳон ҳўжалик интеграцияси жараёнига дадил кириб боришига ёрдам бермоқда. Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси амалга ошираётган ташқи иқтисодий сиёсат мамлакатимиз тараққиёти ва келгуси истиқболининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

³⁴ Халқ сўзи. 2000 йил 27 январь.

М. Қодирова

ЎЗБЕКИСТОННИНГ НОДАВЛАТ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

Мустақил Ўзбекистон ҳаётига чуқур ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар шиддат билан кириб бормоқда. Ёнг ўзбек давлати қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Ўз тақдирини ўз қўлига олган, озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олаётган Ўзбекистон халқи барқарор бозор иқтисодиётига ва ошкора ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчиллик билан олға бормоқда.

Мустақиллик йиллари мислсиз яратувчилик меҳнати, қудратли маънавий юксалиш, жамиятнинг ҳалокатли мустабид империяча меросдан покланиш даври бўлди. Мамлакатимизда ана шу қисқа мустақил тараққиёт даврида аввалги мафқуралашган маъмурий-буйруқ-бозлик тизимининг негизлари тугатилди, демократик давлатнинг конституциявий ва ҳуқуқий пойдевори қурилди, бутунлай янгича бошқарув тизими барпо этилди, тарихий, миллий ва маънавий қадриятлари тиклаш, демократик институтларни шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Замонавий ислохот жараёнларининг муҳим хусусиятлари — давлат, жамият, халқ ва айрим шахс манфаатларининг уйғун равишда бирга қўшиб олиб борилишидан иборат бўлмоқда. Аввалги совет тузумидан фарқли ўлароқ (бу жамиятда исон зўравонлик ва мажбурлаш улкан машинасида оддий бир винт даражасига келтирилган, кенг

халқ оммаси жамият ва давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди) мустақил Ўзбекистонда аввал бошданок инсонпарварлик умуминсоний демократик қадриятлар, халқнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига қўмаклашиш мустақил миллий қурилиш стратегиясининг асосига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикасидаги демократик ўзгаришлар тараққиётининг муҳим омили ва шу билан бирга бошқарушчи — фуқаролар ўз ўзини бошқариш тизимининг, ноҳукумат жамоат ташкилотлари институтларининг ташкил этилишидан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида таъкидлаб ўтганидек «фуқаролик жамияти негизларини шакллантириш жараёни олиб бориладиган ўттиш даври шароитида кенг тармоқ ёйган кўп партиявийлик тизими сингари демократик институтлар ва Ўзбекистон аҳолиси турли табақалари манфаатларини ифодаловчи бошқа жамоат ташкилотларининг ташкил топиши муҳим аҳамият касб этади»¹. Мамлакатимиз раҳбари Биринчи қаҳирқ Олий Мажлиснинг XII сессиясида қилган маърузасида «нодавлат жамоат тузилмаларининг ташкил этилиши замон талаби, ҳаёт эҳтиёжи бўлиб қолиши лозимлиги»ни², яна бир қарра таъкидлаб ўтди.

Бундай ёндашув ва жамоат ташкилотларига юқори даражада эътибор берилиши республикада бу ташкилотлар фаолиятини кенг миқёсда авж олдириш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига олиб келди. Фақат 1993—1998 йиллар оралиғидаги беш йилда Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари сони 1,5 мингтадан зиёдроқ орди ва 1999 йил бошларига келиб қарийб 2,3 мингтага етди³. Улар фақат жамоатчилик фикрининг турли томонларини акс эттириб қолмасдан, шу билан бирга кишиларнинг ижтимоий онгини шакллантиришига ҳам таъсир кўрсатиб, давлатнинг тўлақонли ижтимоий ҳамқори бўлиб майдонга чиқмоқда.

Согдийцы-христиане несторианского толка, от которых до нас дошли памятники, найденные на севере Турфанского оазиса, пользовались сильно модифицированным вариантом сирийского письма (эстрангело)³⁷. В этом варианте сирийская буква *tau* передавала согдийскую фонему [θ], сир. *тет* — согд. [t], сир. *'айин* — согд. [ɨ]. Кроме того, были созданы новые буквы x, f, z соответственно для передачи согд. [x], [f], [z]³⁸. Эта система, за исключением *tau* (поскольку в древнетюркском фонемы [θ] не было), была воспринята тюрками-несториянами. В несторианских общинах Семиречья данный вид письма сохранялся по крайней мере до XIV—XV вв. и именно он представлен в многочисленных «сиро-тюркских» эпитафиях из Семиречья. Можно полагать, что много ранее, по меньшей мере в VIII —

³⁵ О словах с h (*хет*) в согдийско-манихейских текстах см.: Gershevitch I. A Grammar of Manichean Sogdian. Oxford. 1954. P. 8, § 63.

³⁶ Gershevitch I. A Grammar of Manichean Sogdian. P. 3 § 19—21.

³⁷ О согдийских и древнетюркских христианских письменных памятниках из Восточного Туркестана см.: Asmussen J. P. The Sogdian and Uighur-Turkish Christian literature in Central Asia before the real rise of Islam: a survey // Indological and Buddhist Studies/Volume in honour of Prof. J. W. de Jong on his sixtieth birthday. Canberra, 1982.

³⁸ Henning W. B. Metteliranisch.

IX вв., согдийским вариантом эстрангело пользовались несториане-согдийцы и тюрки в Семиречье, хотя наряду с этим они употребляли согдийскую и уйгурскую письменность как для светских, так и для религиозных текстов. В большой уйгурской по языку надписи конца XIII в. на золотой печати знаменитого несторианского патриарха Мар Ябаллаха III (печать была ему пожалована в 1281 г. ильханом Абака-ханом) использована та же письменность³⁹ — «согдийско-тюркское» эстрангело, — еще одно свидетельство согдийско-тюркского культурного симбиоза.

³⁹ Лившиц В. А. О происхождении древнетюркской рунической письменности. С. 84—98.

Тарихшунослик, манба ва талқин

Д. А. Алимова

**ИСЛАМ И «ВОИНСТВУЮЩИЙ» АТЕИЗМ
В ЛИТЕРАТУРЕ УЗБЕКИСТАНА 20–30-х ГОДОВ**

Ислам всегда был в центре внимания мировой историографии, он и сейчас является предметом исследований в различных его границах во многих странах. Богатейшая литература как непосредственно религиозного, апологетического, так и научного, теологического, философского характера издана на многих языках мира. В бывшем Союзе за многие десятилетия скопился обширный массив литературы по данной проблеме, однако ее содержание в корне отличалось от зарубежных исследовательских концепций. Нет смысла пояснять причину определившегося в бывшем Союзе отрицания роли ислама как высшей культурной ценности и отношения к нему как к консервативной, реакционной надстройке, «не совместимой с социалистическим образом жизни». Сейчас уже отчетливо осознается все несоответствие выводов советских исследователей об исламе как отмирающей религии с реальным положением дел в этой сфере.

Известно, однако, что до октябрьского переворота и в первые годы после него ряд ученых-востоковедов, обращавшихся к истории ислама, своими трудами внесли существенный вклад в историографию исламоведения. К ним, прежде всего, следует отнести В. В. Бартольда, работы которого по истории ислама и Арабского халифата общепризнанны и отличаются «пониманием ислама через призму понимания» мусульманской культуры как явления всемирной истории со всеми его светлыми и темными сторонами¹. Известным исламоведом был А. Э. Шмидт, непосредственно работавший на восточном факультете САГУ, где особое признание получили его лекции по исламоведению. Среди других его работ следует отметить труды, посвященные в те годы состоянию ислама, в частности «Шариат и право водопользования в Средней Азии» (1927 г.) и др. Не останавливаясь на анализе творчества этих ученых, заметим, что существовало и небеспристрастное отношение к исламу и его истории. Ярким примером тому служат работы Н. П. Остроумова, специализировавшегося, по словам Б. В. Лунина, на «изобличении ислама», что в свое время получило критическую оценку В. В. Бартольда². Такая тенденция особенно проявилась в 20-е годы, хотя после октябрьского переворота вопросы

¹ Луinin Б. В. Историография общественных наук в Узбекистане: Биобиблиографические очерки. Ташкент: Фан, 1924. С. 264.

² Там же.

религии, в частности ислама, как практические, так и теоретические, еще находили свое объективное освещение, например, в журналах «Хақиқат», «Диний журнал» и др. Однако, запланированные как ежемесячные, после выхода одного-двух номеров они прекратили свое существование, хотя в целом поддерживали советскую власть и пропагандировали ее реформы. Причины их закрытия так и остались невыясненными. Публикации этих изданий не выходили за рамки политической канвы, а наоборот, призывали верующих быть патриотами своей страны, поддерживать реформы и с уважением относиться к людям иной веры³. В большинстве статей не только говорилось о состоянии религиозных дел, деятельности духовного управления, но и о культурных ценностях ислама, в частности о значении хадисов и их правильном толковании. Это было весьма важно в условиях извращения мусульманских законов бытия консервативным духовенством и насаждения понятия, например, о приниженном положении женщины.

Автор одной из статей, основываясь на хадисах и основах ислама, доказывал необходимость получения женщинами образования. Он подверг критике европейских миссионеров, рассматривавших положение мусульманской женщины как изначально закрещенное и утвержденное Мухаммадом⁴. Другой автор — Х. Хотунзода (возможно, это псевдоним и можно даже предположить, что автор — женщина) с большой озабоченностью писал о плачевном состоянии исламской культуры в Туркестане, в частности древних архитектурных памятников, учебных заведений, в том числе и медресе. Причины упадка в этой сфере он усматривал как в невнимании царского правительства, так и в равнодушном отношении к исламской религии и культуре новой власти⁵. Автор, подписавшийся Талаба, резонно интересовался, «куда уходят вакуфные деньги, предназначенные для медресе». В своем открытом письме («Очиқ хат») он высказывался за усовершенствование учебной программы в медресе и критиковал Махкамаи шариа (Духовное управление) за равнодушие к этому вопросу⁶.

В рассматриваемый нами период поначалу изучение этой проблемы велось в двух направлениях — теологическом и атеистическом, однако с укреплением тогда советской власти и распространением большевистской идеологии стало утверждаться целевое изучение ислама исключительно с точки зрения атеизма. Авторы в своих попытках раскрыть социальные истоки возникновения ислама представляли его как собрание догматических и морально-правовых предписаний, сакраль-

³ Ватан олдида руҳонийларимиз вазибалари//Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг диний назорати/1926. 3—4-сонлар, 16-бет; Зоҳир Аълам. Ислоҳ асослари//Хақиқат. 1922. 1-сон. 15—16-бетлар.

⁴ Хотин-қизлар ўқиши//Хақиқат. 1922 1-сон, 6—7-бетлар.

⁵ Хотунзода Х. Ўзбекистонда ислом дини ва маданияти//Хақиқат. 1922. 1-сон. 15—16-бетлар.

⁶ Очиқ хат//Хақиқат. 1922. 1-сон.

ной обрядности. Изучение социальной доктрины ислама ограничивалось рамками марксистско-ленинских теорий о роли религии в жизни общества и борьбы с пей⁷.

Статья И. Хансуварова «Мусдуховенство» — одна из редких теоретических статей того времени, посвященных проблемам религии. Ее автор продемонстрировал глубокие знания истории ислама, мусульманского духовенства в Средней Азии и сопредельных странах, но сумел подчинить их господствовавшей тогда идеологии негативного отношения к религии. Привлекают внимание его рассуждения о смене идейных течений в исламе от панисламизма к пантюркизму. И. Хансуваров объяснял этот процесс появлением прогрессивного духовенства, которое положило начало зарождению прогрессивной интеллигенции, например в Бухаре, и связывал это с событиями в Турции, бывшей, по его мнению, центром панисламизма, сокрушенного младотурецким движением. Пантюркизм он рассматривал в неразрывной связи с национализмом, однако когда речь шла о Турции, национализм трактовался в положительном смысле — как кризис панисламистских идей.

Изучение истории национально-освободительного движения в Туркестане позволило И. Хансуварову сделать смелый по тем временам вывод о том, что религия была «одной из форм защиты коренных национальностей Средней Азии от колониального гнета»⁸.

Автор делит духовенство на три ветви: представителей родового и феодального строя, торговых слоев населения и прогрессивное духовенство. Если первое определение представляется правильным при учете существования кочевого населения в Туркмении и других регионах Средней Азии, то духовенство от торговых слоев трудно отделить от прогрессивного, поскольку представители торговой части населения также были заинтересованы в модернизации ислама, обеспечивавшей им свободу развития торговых дел.

Рассуждая о прогрессивном духовенстве и признавая величайшую роль в прогрессе ислама Махмудходжа Бехбуди, И. Хансуваров в то же время причисляет его к ратовавшим за интересы «торговца-скупщика». Справедливо анализируя прогрессивное течение в культуре и исламе, автор не проводит грань между прогрессивным духовенством и джадидами. По мнению И. Хансуварова, которое представляется нам отнюдь не бесспорным, трения и борьба между консервативной и прогрессивной частями духовенства до октябрьского переворота были не столь сильны и сопровождались со стороны последней уступками в целях защиты основ ислама от политики царизма. Духовенство после 1917 г. исследователь характеризует, наряду с нэповской буржуазией, как совершенно новое явление, считая его представителем последней. Однако И. Хансуваров отрицательно относился к прогрессивному духовенству, одобрявшему поли-

⁷ Хансуваров И. Мусдуховенство. Кн. 5. Ташкент, 1927. С. 60—102.

⁸ Там же. С. 69.

тику советской власти в таких направлениях, как раскрепощение женщин, национальное размежевание, земельно-водная реформа, постановка вопросов народного образования и др. Более того, он считал, что происходит процесс сращения старой национальной интеллигенции с новой группой духовенства. С позиций ярого большевизма он причисляет к «загнивающему консервативному слою интеллигенции» Мунаввара Кори, успешно работавшего в то время в органах просвещения⁹.

Несмотря на хорошую осведомленность о положении дел в этой сфере, И. Хансуваров называл деятельность прогрессивного духовенства приспособленчеством и, как многие авторы того времени, считал ее чрезвычайно опасным «идейным и организационным перевооружением». Однако, в отличие от других, он не призывал к борьбе с ним, а считал «возможным и целесообразным использование этого крыла духовенства во время проведения тех или иных мероприятий»¹⁰. Эту идею поддерживали многие представители женотделов, считаясь с огромным влиянием духовенства на население и его чрезвычайной религиозностью. Известны факты, особенно относящиеся к началу 20-х годов, о собраниях, проводившихся женотделами среди женщин, где представители прогрессивного духовенства разъясняли, что Коран и ислам не запрещают женщинам учиться и предписывают справедливое отношение к ним со стороны мужчин, не обязывая их к многоженству¹¹. Но, по-видимому, высказывание заведующей женотделом Средазбюро С. Т. Любимовой о том, что «нашим помощником в деле раскрепощения женщин духовенство не будет, как бы оно ни толковало Коран и шариат»¹², выражало партийную установку по этому и другим вопросам, которая неукоснительно выполнялась.

Две статьи конца 20-х годов иллюстрируют эту четкую позицию в отношении религии¹³. Их авторы С. Диманштейн и М. Кобецкий, рассуждая о состоянии религиозных дел в Средней Азии, выдвигали вопросы антирелигиозной пропаганды и открытой борьбы с прогрессивным духовенством, призывая «разоблачать» его попытки «приспособиться к левым настроениям масс». И джадидизм ими уже рассматривался как нечто неотделимое от религии, а мнение о необходимости реформирования старометодных школ расценивалось как контрреволюционное выступление.

Резкой критике подверглись попытки прогрессивного духовенства поддержать идею раскрепощения женщин. По свидетельствам работников женотделов, духовенство даже пыталось организовывать свои «женотделы». Так, в кишлаках Ферганской области было распро-

⁹ Там же. С. 93.

¹⁰ Там же. С. 101.

¹¹ Каррыева Р. М. Работа партийных организаций Закаспия женщин // Известия АН Туркм. Сер. общ. наук. 1975. № 2. С. 24.

¹² Любимова С. Т. За новый быт. Ташкент: Средазкига, 1926. С. 38.

¹³ Диманштейн С. Антирелигиозная работа на Востоке // Революция и культура. 1929. № 9—10. С. 67—70; Кобецкий М. Ислам в Средней Азии // Революция и культура. 1929. № 9—10. С. 71—77.

ранено воззвание, подписанное «Зав. женотделом» духовного управления Мурсали-биби, с призывом не препятствовать раскрепощению женщин, но и не забывать об их религиозном воспитании¹⁴. Думается, использование этого течения уменьшило бы трагические эксцессы в ходе «Худжума». Однако официальными властями это воспринималось как новая, но хитрая политика духовенства, пытавшегося приспособиться к новым условиям. В частности, А. Икрамов в своих выступлениях и речах неоднократно останавливался на этом вопросе. 24 января 1927 г., выступая на XII пленуме Средазбюро ЦК ВКП(б), он говорил о том, что в Узбекистане сложилось ложное представление о том, что прогрессивное духовенство реформирует свои школы и выступает за поддержку земельно-водной реформы и других мероприятий власти¹⁵. Однако несколько месяцев спустя в докладе на пленуме ЦК ВКП(б) Уз (14 июня 1927 г.) он дает подробную оценку деятельности духовенства, подразделяя его на три группы: ишаны, консервативное и прогрессивное или реформаторское духовенство. Отмечая умелую постановку им работы среди населения, организацию широкой сети реформированных школ¹⁶, А. Икрамов считал необходимым усилить борьбу именно с прогрессивным духовенством, наиболее опасным, по его мнению, своим влиянием на население. Причину этого он усматривал в уступках советской власти духовенству, в частности создании в 1921 г. Махкамаи-шариа — духовного управления.

Реальные пути снижения религиозности женщин виделись атеистам в систематическом и правильном проведении антирелигиозной пропаганды общественными организациями и вместе с этим в расширении сети медицинских и юридических консультаций, детских учреждений, ликвидации безграмотности¹⁷.

Уместно отметить, что при всем негативном отношении к религии, авторы 20-х годов были единодушны в мнении о необходимости гибкости и осторожности в методах проведения антирелигиозной пропаганды. Выдвигалась мысль об актуальности глубокого, вдумчивого изучения исламской идеологии, в частности Корана, широкого выпуска популярной литературы, даже издания Корана, с научными к нему комментариями¹⁸. Однако на практике не все было гладко. Работники

¹⁴ Работа партии среди женщин коренных национальностей Средней Азии // Бюллетень Отдела работниц и дехканок Средазбюро ЦК ВКП(б). 1926. № 5. С. 23.

¹⁵ Икрамов А. Об идеологической работе // Избр. тр. В 3 т. Т. 1. Ташкент: Узбекистон, 1972. С. 246—247.

¹⁶ Икрамов А. О духовенстве и школе // Избр. тр. В 3 т. Т. 1. Ташкент: Узбекистон, 1972. С. 280—297.

¹⁷ Затуранская Я. Женщина и церковь в Узбекистане // Атеист. 1927. № 17. С. 71—73; Диманштейн С. Против мулл и ишанов // Коммунистка. 1929. № 5—6. С. 46—51; Смирнова А. Почи по борьбе с религией на Востоке // Коммунистка. 1929. № 8. С. 27; Турсунов П. Иқбол. Меҳнаткаш хотин-қизлар дин билан курашда // Янги йўл. 1931, 2-сон. 16-бет.

¹⁸ Мокаев В. Наши задачи в деле антирелигиозной пропаганды // За партию. 1929. № 2. С. 78.

женотделов, например, нередко вступали в конфронтацию с духовенством и применяли по отношению к нему административные меры. Так, известны факты требования расписок с мулл о том, что они «откроют» своих жен и проч. Но в литературе того времени это не нашло достаточного отражения. Единственным критиком чрезмерно «прямолинейной тактики» женотделов в антирелигиозной пропаганде была В. Каспарова. Еще в 1925 г. она отмечала склонность некоторых работников к администрированию в борьбе с религиозными предрасудками¹⁹. Эта тенденция получила развитие в деятельности специальной организации СВБ (Союза воинствующих безбожников).

Вместе с тем, по данным тех же авторов, значительная часть партийных работников на селе находилась под влиянием духовенства, не говоря уже о рядовых членах общества. М. Кобецкий, например, упоминает о том, что «дехканин, избранный на должность председель-совета, мираба, секретаря партийной ячейки и т. д., входящий в круг людей, несущих общественную обязанность, начинает играть определенную роль в жизни кишлака и считает себя обязанным установить контакт с такими влиятельными лицами, как мулла и имам»²⁰.

Все это свидетельство того, что как бы ни была сильна противорелигиозная пропаганда советской власти, она не могла искоренить религиозно-нравственных устоев людей.

Объем литературы по данной тематике значительно возрос в конце 20-х — начале 30-х годов. Помимо журналов, значительное внимание критике пережитков, связанных с шариадом, уделяли республиканские газеты. Например, только в течение 1929—1931 гг. «Тожикистонии сурух» поместила на своих страницах около 60 статей по этим вопросам. Особой непримиримостью отличались статьи, где говорилось о тогдашних комсомольцах и коммунистах как носителях старых, религиозно-феодалных взглядов и традиций. Издавались и популярные брошюры на русском и местных языках²¹.

Но уже в 1931 г. в отчетном докладе о деятельности Узбекского республиканского союза «Курашчан худосизлар» (СВБ) его председатель К. Макаров прямо сказал, что теперь осторожность ни к чему²². В 30-е годы вопрос уже стоял не об атеистической пропаганде, а о борьбе с религией. Журнал «Атенет» был переименован в «Антирелигиозник». СВБ стал подспорьем в искусственном нагнетании обстановки всеобщей подозрительности. Нельзя не сказать о том, что деятельности «Курашчан худосизлар» в вопросах выявления случаев выдачи замуж малолетних, дачи калыма и других фактов дискримина-

¹⁹ Каспарова В. Задачи партии в области работы среди женщин восточных народностей//Коммунистка. 1925. № 7. С. 90.

²⁰ Кобецкий М. Ислам в Средней Азии//Революция и культура. 1929. № 9—10. С. 74.

²¹ Габидов Х. Религия и раскрепощение женщин. Самарканд; Ташкент, 1929. С. 60; Галлиулин. Хотин-қизлар орасида динга қарши ташвиқот. Тошкент; Самарканд. 1929. 147-бет.

²² Макаров К. Отчетный доклад о деятельности республиканской организации Союза Узбекистана (СВБ Уз) за 1930—1931 гг. Ташкент: Узгиз, 1931. С. 10.

нации женщин была действенной, но по отношению к духовенству и верующим союз был поистине воинствующим. Все без исключения представители духовенства считались классовыми врагами. Их требования вернуть верующим мечети представлялись как проявление классовой «ненависти к комсомолу и клубам». В этих условиях, конечно, отвергались все предложения прогрессивного духовенства о сотрудничестве с общественными организациями в области культуры, образования и раскрепощения женщин.

К концу 30-х годов, с провозглашением «победы социализма», утвердилось ошибочное мнение о якобы полном исчезновении социальных, классовых корней религии. Причина высокой религиозности усматривалась только во «вредном самоуспокоении местных работников Средней Азии, допустивших свертывание антирелигиозной работы»²³. Некто Ф. Попов связывал ее с «контрреволюционным» руководством первого секретаря ЦК КП(б) Уз А. Икрамова²⁴, незаконно репрессированного незадолго до выхода статьи.

Наряду с подобными трактовками продолжалось и теоретическое осмысление вопроса. Историки и востоковеды печатали в журналах статьи о культе святых и мазаров, религиозных обрядах и т. д., но обращение к истории ислама подчас носило односторонний характер. И естественно, в духе того времени этим работам были присущи негативное отношение к исламу, резкость в суждениях при постановке вопросов атеизма.

Политика атеизма продолжалась и в последующем, вплоть до конца 80-х годов. Однако вопреки всему этому неизблемыми остались религиозные и духовные ценности, сохраненные народом Узбекистана.

²³ Попов Ф. О работе среди женщин в Узбекистане // Антирелигиозник. 1938. № 12. С. 13—15.

²⁴ Там же.

Х. Тўраев

«МАТЛАБ АТ-ТОЛИБИН» АСАРИ ЖҲЎБОР ХҲЖАЛАРИ ХОНАДОНИ ҲАҚИДА

«Матлаб ат-толибин» (Мақсад изловчилар) асари В. Л. Вяткин, П. П. Иванов, Б. А. Аҳмедов каби олимларнинг тадқиқотлари доирасига кирган ва асар тўғрисида улар атрофлича маълумот берганлар¹. Биз эса асарнинг Бухородаги Жўйбор хўжалари хонадони тарихини ўрганишдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

Асар муаллифи Абу-л-Аббос Муҳаммад Толиб (1608 йилда туғилган) Жўйбор хўжаларининг йирик вакили Хўжа Тождиддин Ҳасаннинг (1574—1646) кенжа ўгли ҳисобланади. Муаллиф тахминан 1665 йил-

¹ Қаранг: Вяткин В. Л. Шейхи джуйбари. Ташкент, 1927; Иванов П. П. Хозяйство джуйбарских шейхов. М., Л.: 1954; Аҳмедов Б. А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв. Ташкент, 1985. С. 188—194; яна қаранг: Florian «Schwarz». Unser weg schließt tausend wege ein. Derwische und Gesellschaft im islamischer... Berlin, 2000.

ларда ўз асарини ёзиб тугатган. Асарини ёзишда Бадриддин Қашмирининг «Равзат ар-ризвон», Ҳусайн ас-Сарахсийнинг «Мапоқиби Саъдия», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномайн шоҳий» асарларидан манба сифатида фойдаланган. Шу билан бирга Жўйбор хўжалари хонадонига яқин ва уларга хизмат қилган кишиларнинг оғзаки маълумотларидан истифода этган. «Матлаб ат-толибни» асари Жўйбор хўжалари хонадонининг XVI аср охири ва XVII аср 60-йилларигача бўлган ижтимоий-хўжалик, маънавий-сиёсий ҳаётини ўрганитиш учун қимматли манба ҳисобланади.

Муаллиф таъкидига кўра, асар қуйидаги саккиз бобдан иборат: биринчи боб — Хўжагон силсиласи баёни, иккинчи боб — Хўжагон силсиласи вакилларининг насл-насаби, учинчи боб — Эшон Қалон (Хўжа Исломи)нинг таваллуд топиши, камолотга эришуви ва вафоти, тўртинчи боб — Хўжа Саъд, бешинчи боб — Хўжа Тождидин, олтинчи боб — Абдул Раҳимхўжа, еттинчи боб — Абдихўжа, саккизинчи боб — Муҳаммад Юсуфхўжа таржиман ҳолига бағишланган². Асарда Жўйбор хўжалари шажарасига катта ўрин ажратилган. Хўжазодалар шажараси имом Абу Бакр Саъдга бориб боғланиши алоҳида таъкидланади³.

Муаллиф хонадоннинг йирик вакилларидан бири Хўжа Исломининг (1493—1563) мол-мулки, хайр-эҳсонлари, саҳоватпешалиги, шайбоний султонлари билан муносабатлари, Абдуллахонга нисбатан хайрихоҳлиги тўғрисида маълумот беради. Унинг томонидан нақшбандия тариқати принципларининг такомиллаштирилиши масаласига алоҳида тўх-талади⁴.

Хўжа Исломининг тўнғич фарзанди Хўжа Саъднинг (1531—1589) ижтимоий-сиёсий, хўжалик, маънавий фаолияти асарнинг талай қисмини ташкил этади. Отаси вафотидан сўнг унинг Жўйбор хўжалари хонадони мол-мулкининг ҳақиқий ворисига айланиши ва шу билан боғлиқ бўлган шарт-шароитлар атрофлича ақс эттирилган. Унинг Бухоро хони Абдуллахон билан ўзаро муносабатларига алоҳида эътибор қаратилган. Ўз навбатида Абдуллахон томонидан Хўжа Саъдга кўрсатилган илтифотлар ва бунинг нишонаси ўлароқ унга Бадахшон вилоятининг инъом қилиниши махсус қайд этилади⁵.

Искандархон вафотидан сўнг Абдуллахон помига хутба ўқилиши, Абдуллахоннинг тахтга чиқиш маросимида Хўжа Саъднинг иштирок этиши, Абдуллахон билан Ибодулла султон ўртасидаги муносабатларга Хўжа Саъднинг аралашуви масалалари ҳам асардан жой олган⁶. Шунингдек, Ибодулла султон билан Хўжа Саъд ўртасидаги муносабатлар тўғрисида ҳам асарда қайдлар учрайди. Муаллиф сўзларига қараганда, Хўжа Саъд Абдуллахон билан яхши муносабатда бўлса ҳам, лекин унинг укаси Ибодулла султонини унча хушламасди ва ак-

² Муҳаммад Толибхўжа. Матлаб ат-толибни. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инв. 3757. 3^а-бет.

³ Уша асар. 36^а, 37^а-бетлар.

⁴ Уша асар. 75^а, 76—78^а-бетлар.

⁵ Уша асар. 100^а, 101^а-бетлар.

⁶ Уша асар. 102^а, 103^а-бетлар.

синча Ибодулла султоннинг ҳам Хўжа Саъдга ихлоси йўқ эди. Хўжа Саъд Ибодулла султоннинг қатл этилишини олдиндан башорат қилган⁷.

Хўжа Саъд томонидан ўз қарамоғидаги мол-мулкни мерос қолдириш тўғрисида «Матлаб ат-толибин»да маълумотлар мавжуд. У уч ўғли ва икки қизига 14 минг ашрафи (танга)ни тақсимлаб беради⁸. Вафотидан олдин ўз фарзандларига қилган панд-насиҳатлари, кўрсатган йўл-йўриқлари асарда батафсил дарж этилган ва уларда кўп ибратли мулоҳазалар мавжуд⁹.

Асарнинг катта қисми Хўжа Тожиддин фаолиятига бағишланган. Муаллиф унинг Жўйбор хўжалари хонадонининг Хўжа Саъддан кейинги энг нуфузли вакили ва бошлиги сифатидаги ўрнини алоҳида қайд этган ҳолда таржиман ҳолига батафсил тўхталади. Юриш-туриш, турмуш тарзи, ахлоқий сифатларини ибрат қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунингдек, Хўжа Тожиддиннинг болаликдаги зеҳнаковати, илмга интилувчанлиги, ажойиб ҳуснихат соҳиби бўлганлиги муаллиф назаридан четда қолмаган¹⁰.

Хўжа Тожиддиннинг мол-мулки тўғрисида «Матлаб ат-толибин»да қимматли маълумотлар учрайди. Мовароуннаҳр ва Хўросоннинг кўп ерларида Хўжа Тожиддинга тегишли кўчмас мулк мавжудлиги асар маълумотларидан аён бўлади. Даромад манбаи бўлиб хизмат қилган чорва моллари, вақфлар, ижарага берилган ерлар миқдори қайд этилган. Бухородаги Жўйбор маҳалласини обод қилишда Хўжа Тожиддиннинг хизматлари эътироф этилган. Бу ерда қурдирилган ҳунармандчилик устахоналари, бозор расталари, янги турар жойлар шулар жумласидандир¹¹.

Унинг томонидан амалга оширилган хайрли тadbирлар, чунончи, масжид, мадраса, саройлар барпо этилиши тўғрисида «Матлаб ат-толибин»да диққатга сазовор маълумотлар учрайди.

Турли табақа вакилларига Хўжа Тожиддин томонидан қилинган хайр-эҳсонлар ва уларнинг миқдори, таркиби тўғрисида асарда учрайдиган маълумотлар муайян аҳамият касб этади¹². Хўжа Тожиддин хайр-эҳсонларидан баҳраманд бўлган шахслар қаторида Хўжа Саййид Атоий, Мир немли кишиларнинг номлари тилга олинади. Бу шахсларга Хўжа Тожиддин тарафидан гилам, кигиз, қозон, сарупо, от инъом қилинган¹³.

«Матлаб ат-толибин»да Жўйбор хўжалари хонадонига ихлос қўйган, хонадон аҳлига хизмат қилган ёки ўзини хонадонга яқин тутган кишилар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар хонадон маънавий доирасининг кенглигидан дарак беради. Муаллиф томонидан Охунд муллонинг номи алоҳида тилга олиниб, унинг Жўй-

⁷ Уша асар. 113^{а6}, 114^{а6}-бетлар.

⁸ Уша асар. 123^{а6}-бет.

⁹ Уша асар. 124^{а6}-бет.

¹⁰ Уша асар. 132^{а6}-бет.

¹¹ Уша асар. 134^{а6}-бет.

¹² Уша асар. 141^{а6}-бет.

¹³ Уша асар. 142^{а6}-бет.

бор хўжалари хонадонига нисбатан илиқ муносабати, ихлоси, эътиқоди баён этилади. Муҳаммад Толиб хўжа маълумотиغا кўра, Охунд мулло бир неча бор Жўйборга таширф буюриб, Хўжа Тождин билан хос суҳбатлар қилган. Охунд муллонинг обрў-эътибори баланд бўлганлиги, ҳукмрон доираларда унинг маънавий-руҳий салоҳиятининг қадрланиши тўғрисида муаллиф қимматли маълумот беради¹⁴.

Хонадонга яқин бўлган шахс сифатида Мир Бобонинг номи ҳам тилга олинган. У Жўйбор хўжалари хонадонига қариндошлик мақомида эди ва бу нарса Хўжа Тождин тарафидан эътироф этилган. Шунингдек, Абдуллахоннинг обрўли амирларидан Дўстим қушчининг Хўжа Тождинга ихлос қўйган кишилар сирасига кириши ҳам асарда таъкидланган. У бир неча бор Хўжа Тождин эҳсонларига сазовор бўлган эди¹⁵.

Булардан ташқари Мир Абдулла Сепулдний, Хўжа Равшан, Хўжа Муҳаммад Амин, Мулло Камолдин, Хожиг Аваз ва бошқа қатор шахслар тўғрисида асарда диққатга сазовор маълумотлар мавжуд. Айниқса, Мулло Жалмаъ саҳхоф тўғрисидаги маълумотлар қимматли. У саҳхофлик бобида беназир бўлиб, устоз даражасига кўтарилган шахс ҳисобланган. Асарда қайд этилишича, Бухоро вилоятида унга тенг келадиган саҳхоф бўлмаган¹⁶. Шунингдек, Хўжа Тождин ҳомийлигида камол топган ва ҳофизликда бетакрор ҳисобланган ҳофиз Боқи тўғрисида асарда қайд этилган маълумотлар диққатни тортади. Хўжа Тождин ҳофиз Боқиға алоҳида меҳр қўйиб, ўз тарбиясига олади. Ҳофиз даражасига эришгач эса, унга катта ваколатлар беради. Хўжа Тождин қўллаб-қувватлаши билан у катта шуҳрат қозонади¹⁷.

Асарда қайд этилган маълумотларнинг яна бир эътиборга молик томони, улар орқали биз Хўжа Тождиннинг жамиятдаги мавқеи нечоғли мустаҳкам бўлганлиги тўғрисида кенг тасаввурга эга бўламиз. Хоразмлик Мўмин хўжанинг бошига тушган оғир мусибат Хўжа Тождин аралашуви билан бартараф этилгани мисолида бунга тасдиқ топамиз¹⁸. Шунингдек, талабалар қаҳрига йўлиққан Хўжа Тоҳир Рометонийнинг ҳаёти ҳам Хўжа Тождин аралашуви билан сақлаб қолинганлигини асар орқали билиб оламиз. Хўжа Тоҳир Рометоний омонат даъвосини қилган талабалардан қочиб, Хўжа Тождин хонадонига беркиниб олади. Воқеаларга аниқлик киритиш мақсадида Хўжа Тождин ташаббуси билан уламо ва қозиларнинг таклиф қилиниши ва Хўжа Тоҳир Рометонийнинг бегуноҳлиги исботланиши каби масалалар асардан жой олган¹⁹. Шунингдек, Саййидқули девонбеги ҳаётининг Хўжа Тождин томонидан сақлаб қолиниши асарда атрофлича баён этилган. Саййидқули девонбегини ўлдириш учун Бухоронинг Гавкушон мадрасаси олдида тўпланган талабалардан Хўжа

¹⁴ Уша асар. 137^а-бет.

¹⁵ Уша асар. 140^а-бет.

¹⁶ Уша асар. 189^а-бет.

¹⁷ Уша асар. 196^а, 197^а-бетлар.

¹⁸ Уша асар. 145^а, 146^а-бетлар.

¹⁹ Уша асар. 146^а-бет.

Тожиддин «гуноҳкор»нинг гуноҳини кечиршини илтимос қилади ва ўз муддаосига эришади²⁰.

Хўжа Тожиддиннинг Бухоро ҳукмдори Имомқулихонга (1611—1642) бўлган маънавий-сиёсий таъсири тўғрисида асарда талай маълумотлар учрайди. Саҳронишин аҳолининг Хўжа Тожиддин аралашуви билан Имомқулихон қирғинидан асраб қолингани тўғрисида асарда маълумот мавжуд. Муаллиф Хўжа Тожиддинни сарой ҳаётига ҳам таъсир ўткази оладиган йирик шахс сифатида таърифлайди ва бунга мисол келтиради. Саййидлар авлодидан бўлган Иброҳим хўжа Хўжа Тожиддин илтимоси билан нақиб лавозимига кўтарилган. Мадрасага мударрислар тайинлашда Хўжа Тожиддин фикри инобатга олинганлиги «Матлаб ат-толибин» асарида маълум²¹. Жўйбор гузарига янги қози тайинлаш Хўжа Тожиддин розилиги билан амалга ошганини асар маълумотлари тасдиқлайди²².

Хўжа Тожиддиннинг аҳолини баъзи табақаларини оғир мажбуриятлардан озод қилиш борасидаги фаолияти тўғрисида ҳам «Матлаб ат-толибин»да маълумотлар учрайди. Масалан, Абдуллазизхон томонидан мажбурий ҳарбий хизматга чақириш тўғрисида чиқарилган фармон Хўжа Тожиддин томонидан бекор қилингани асарда қайд этилган²³.

Жўйбор хўжаларининг хон саройида махсус ўринга эга бўлганлиги тўғрисида асарда қатор маълумотлар мавжуд. Бу анъананинг пайдо бўлиши ва давом этиши муаллиф томонидан атрофлича ёритилган. Хўжа Ислон ҳаётлик даврида бошланган бу анъана кейинги Жўйбор хўжалари даврида ҳам давом этганлиги ҳақида асарда маълумотлар келтирилади²⁴.

Аштархоний Имомқулихоннинг Хўжа Тожиддин билан муносабатларига муаллиф алоҳида тўхталиб ўтади. Бу муносабатлар қудандачилик ишларининг бошланиши билан янада мустаҳкамланганлиги эътироф этилади, чунончи, Имомқулихон ўз синглисини Хўжа Тожиддинга никоҳлаб бериши тўғрисида маълумот келтирилади²⁵. Имомқулихон ўзининг Хўжа Тожиддинга бўлган ҳурмат-эътиборини маросим ва маъракаларда намоён этиши муаллиф назаридан четда қолмаган. Бундай маросимларда одатда Хўжа Тожиддинга катта эътибор кўрсатилади²⁶.

Имомқулихон вафотидан кейин тахтга ўтирган хонлар даврида ҳам Хўжа Тожиддинга нисбатан илиқ муносабатлар сақланиб қолганлиги асар маълумотларидан равшан бўлади. Хўжа Тожиддин ва Абдуллазизхон ўртасида Занжирсаройда бўлган мулоқот пайтида Хўжа Тожиддинга кўрсатишган илтифотлар мисолида бу фикр ўз тасдиғини топади²⁷.

²⁰ Уша асар. 147^{а6}-бет.

²¹ Уша асар. 149^{а6}-бет.

²² Уша асар. 220^{а6}-бет.

²³ Уша асар. 150^а-бет.

²⁴ Уша асар. 150^а, 151^{а6}, 153^{а6}-бетлар.

²⁵ Уша асар. 155^б-бет.

²⁶ Уша асар. 157^{а6}-бет.

²⁷ Уша асар. 158^б-бет.

Аштархонийлар даврида Бухоро, Самарқанд, Балх шаҳарларида юз берган ногинчилик, сиёсий тағликларни бартараф қилишда Хўжа Тожиддин томонидан фаоллик намуналари кўрсатилганлиги тўғрисидаги «Матлаб ат-толибин» маълумотлари эътиборга молик. Вали Муҳаммадхон Бухорода ҳукмронлик қилган йилларда (1605—1611) Имомқулихон ва Надр Муҳаммадлар Балхда унга қарши исён кўтардилар. Шу исёни тинчитиш вазифаси Хўжа Тожиддинга юкланиб, у бу ишни ўринлатиб бажаради²⁸.

Шунингдек, Имомқулихон даврида Балхда ҳукмронлик қилган Надр Муҳаммадхон Имомқулихонга нисбатан гаразлик йўлини тутганда, Хўжа Тожиддин аралашуви билан муносабатлар яхши томонга қараб ўзгаради²⁹.

Маълумки, Надр Муҳаммадхон фитна йўли билан Бухоро тахтидан четлаштирилади. Шу фитна тафсилотлари тўғрисида ва бунда Хўжа Тожиддиннинг ҳам қўли борлиги ҳақида «Матлаб ат-толибин»да муҳим маълумотлар учрайди. Асарда таъкидланишича, фитна ташаббускорлари ва иштирокчилари қуйидаги амалдорлар бўлган: Раҳимбек, Севинч бий, Муҳаммадёр бий, Назар бий ва бошқалар. Улар Абдуллазизхонга ўз отаси ўрнида хон бўлишни, агар бу тақлифни қабул қилмаса, иккаласини ҳам вилоятдан чиқариб юборишни айтиб дағдаға қилишади³⁰.

Аштархонийлар даврида катта мавқега эга бўлган Самарқанд ҳокими Ялангуш бийнинг Хўжа Тожиддинга нисбатан ҳурмати баланд бўлганлиги тўғрисидаги асар маълумотлари қимматли. Улар ўртасида Фатҳобод мавзеида бўлиб ўтган учрашувда бу нарса янада яққол намоён бўлди. Бу ерда Ялангуш бий хўжазодага беҳад мулозаматлар кўрсатди. Унинг шарафига катта зиёфат бериб, 100 та қўй инъом этди³¹.

Хўжа Тожиддин хайр-эҳсонлари масаласи ҳам асардан муайян ўрин эгаллайди. У шайхлар мазорини тавоф қилишга борганда, албатта мазор атрофида яшовчи мискинларга эҳсонлар улашарди. Масалан, бир бор Бухоро яқинидаги Сумитан қишлоғига ташриф буюриб, бу ерда жойлашган улуғлар қабрини зиёрат қилади. Зиёратдан сўнг, Сумитан мадрасасида таъсил олаётган толиби илмлар аҳволидан хабар олади, уларнинг ўқиши билан қизиқади ва уларга хайр-эҳсонлар қилади³².

«Матлаб ат-толибин»да Жўйбор хўжалари вакилларида бири Абдулрахим хўжа таржиман ҳолига маҳсус боб ажратилган. Муаллиф унга мерос қолган мулклар миқдорини санаб ўтиш билан бирга уларнинг жойлашиш географиясига ҳам тўхтаган. Хўжазоданинг Макка зиёратига отланиши ва шу масала атрофида юз берган машмашалар, Имомқулихон билан муносабатларининг бузилиш сабаб ва оқибатла-

²⁸ Уша асар. 167^а-бет.

²⁹ Уша асар. 168^а-бет.

³⁰ Уша асар. 195^а, 196^а-бетлар.

³¹ Уша асар. 170^а-бет.

³² Уша асар. 175^а-бет.

ри очиб берилган³³. Абдулрахим хўжа ҳажга кетаётиб, Исфаҳонда тўхтайди ва бу ерда Шоҳ Аббос томонидан иззат-икром билан кутиб олинади. Кашмирдаги Боғиғулшанда хўжазода шарафига катта зиёфат берилади. Асар орқали биз, Абдулрахим хўжанинг Ҳиндистонда вафот этиши ва дастлаб шу заминда дафи қилиниши, кейинчалик эса жасадини Бухорога кўчирилиши тўғрисида маълумотга эга бўламиз.

Жўйбор хўжалари хонадонининг эътиборли вакилларидан бири Абди хўжа тўғрисида «Матлаб ат-толибин»да қизиқ маълумотлар келтирилган. Унинг асли исми Абдулкарим хўжа бўлиб, кейинчалик Абди хўжа деб атала бошлаган. Муаллиф анъанага мувофиқ Абди хўжага мерос қолган мулклар миқдорини тилга олиб ўтади³⁴. Абди хўжанинг Боқи Муҳаммадхон (1601—1605) хизматига кириши ва Бухорони эгаллашда унга ёрдам бериши, бунинг эвазига Боқи Муҳаммадхоннинг синглисига уйланиши ва ўз сиёсий таъсирини кенгайтиришга интилиши каби воқеалар тафсилоти асардан ўрин олган. Дастлабки даврларда улар ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилиши, лекин Абди хўжанинг манманликка берилиб кетиб, Боқи Муҳаммадхонни назар-писанд қилмай қўйиши ва бунинг оқибатида ўртага совуқчилик тушиб, Боқи Муҳаммадхон буйруғи билан Абди хўжанинг мол-мулки мусодара қилиниши, ўзи эса Бухородан бадарға этилиши каби қизиқ воқеалар асарда ўз аксини топган³⁵.

Асарда келтирилишича, Бухородан қувилган Абди хўжа Ҳиндистонда иззат-икром билан кутиб олиниб, унинг шарафига катта зиёфатлар уюштирилади. Масалан, бобурийлардан Акбаршоҳ ва Жаҳонгирлар унга беҳад илтифотлар кўрсатишган. Жаҳонгирнинг тахтга ўтириш маросимида Абди хўжа шахсан иштирок этган³⁶. Абди хўжанинг тақдири ҳам акиси Абдулрахим хўжа тақдирига ўхшаш. У ҳам Ҳиндистонда вафот этади ва ўша ерда дафи қилинади. Олти ойдан сўнг жасади Бухорога кўчирилади.

Хўжа Тожиддиннинг катта фарзанди Муҳаммад Юсуф хўжа тўғрисида асарда қимматли маълумотлар учрайди. Зеро, унинг ижодкор сифатидаги фаолиятига катта ўрин берилган. Унинг ҳофиз, иқтидорли хаттот, истеъдодли шоир каби хислатлари очиб берилган. Асарда таъкидланишича, Муҳаммад Юсуф хўжа «Ишратий» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Асарда шеърларидан намуналар келтирилади³⁷. 29 ёшида Муҳаммад Юсуф хўжа она тарафдан бобоси Қосим шайх азизон ўринбосари этиб тайинланади.

Асарда Жўйбор хўжаларининг бошқа вакиллари тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар мавжуд. Шулардан келиб чиқиб, «Матлаб ат-толибин» асарини Жўйбор хўжалари хонадонининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётда тутган мавқеини ўрганиш учун муҳим манба сифатида баҳолаш мумкин.

³³ Ўша асар. 259^а-бет.

³⁴ Ўша асар. 276^а-бет.

³⁵ Ўша асар. 277^а, 278^а, 279^а-бетлар.

³⁶ Ўша асар. 281^а, 282^а-бетлар.

³⁷ Ўша асар. 285^а-бет.

Еш тадқиқотчи минбари

Ғ. Бобоёров

ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ МОВАРОУННАХРДАГИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ҲАҚИДА

Марказий Осиёда VI—VIII асрларда ҳукм сурган Турк хоқонлиги тарихига доир бизда ва хорижда талай тадқиқотлар қилинган. Уларда асосан хоқонликнинг ташкил топишида муҳим роль ўйнаган Олтой ҳудудларига кўпроқ эътибор қаратилади. Аммо хоқонлик энг равишан қалъа топган пайтларида, унинг таркибига кирган Мовароуннаҳрдек иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксак ўлканинг Турк хоқонлиги тарихида қандай роль ўйнагани ва давлат бошлиғи бўлган хоқонларнинг мазкур ўлкага қай даражада аҳамият беришгани каби масалалар ҳанузгача етарлича ёритилмаган. Бундан ташқари, хорижлик тарихчиларнинг асарларида ва мамлакатимизда нашр этилаётган тарихга оид адабиётларда Турк хоқонлиги VI асрнинг 60-йилларида Эфталитлар ҳокимиятига барҳам бергач, Мовароуннаҳрнинг ишларига аралашмасдан уни бу ердаги деярли мустақил маҳаллий сулола ва ҳукмдорлар воситасида бошқариб, улардан ўлпон олиб туриш билан чекланган, деган нуқтан назар ўрин олган¹.

Бироқ, бу қараш анчагина мунозаралидир. Чунки, турли манбалардаги маълумотларга қараб чиқилса ҳамда ўша давр учун хос бўлган баъзи жиҳатларга диққат қилинса аҳвол бошқачароқ бўлганлиги кўзга ташланади. Аввало, Турк хоқонлиги ўзи учун ҳар лаҳза катта хавф туғдириши мумкин бўлган сосонийлар Эрон билан Мовароуннаҳр ҳудудлари орқали бевосита қўшни бўлиб қолганди. Иккинчидан, бу ўлка иқтисодий жиҳатдан хоқонлигининг бошқа жойларига нисбатан бой бўлганлиги ҳар доим ташқи хавф мавжуд бўлишига олиб келарди. Учинчидан, тор-мор қилинган Эфталитлар ўзларининг собиқ давлатини тиклашга уринишлари мумкин эди. Шунинг каби сабаблардан келиб чиқиб хоқонлик бу ерда йирик миқдорда қўшни сақлаши ҳамда вилоят ва шаҳарларда ўзи учун ишончли бўлган, ҳарб ишини яхши биладиган маъмурларни тайинлаши зарур эди. Демак, бошқарув тизимида бир қатор ўзгартиришлар ва янги тартиблар жорий қилин-

¹ Gibb H. A. *Orta Asya'da Arab futhati. Türkce terc.* M. Hakki. Istanbul, 1930. S. 4—9. Ҳидоятлов Ғ. А. *Менинг жонажон тарихим*. Тошкент, 1992. 76—78-бетлар, Ўзбекистон халқлари тарихи. Тошкент, 1992. 1-жилд. 66—68-бетлар; Peter B. Golden. *An Introduction to the History of the Turkic Peoples*. Otto Harrassowitz. Wiesbaden. 1992. P. 144; Аскарлов А. *Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности*//*Ўзбекистонда ижтимоий фанлар*. 1997. 3—4-сонлар. 67—68-бетлар; Кляшторный С. Г., Савинов Д. Г. *Степные империи Евразии*. СПб, 1994. С. 18—19.

гаилиги табиий. Уша даврда хоқонлик тарафидан Мовароуннаҳрга ноиб қилиб кимлар, қайси қабила ва элат вакиллари тайинланганлигини аниқлаш мазкур масалани ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Турк хоқонлиги даврида Мовароуннаҳрни бошқарган ҳукмдорлар, улар эга бўлган давозим ва уивонларга тегишли маълумотларнинг аксарияти хитой манбалари «Суй-шу» (Суй сулоласи тарихи) ҳамда «Тан-шу» (Тан сулоласи тарихи)дан жой олган². Ўрхун-Энасой битикларида акс этган маълумотлар, гарчи кам бўлса-да, муҳим аҳамиятга эгадир. Араб-форс манбалари эса хоқонлиқнинг сўнгги даври, араб истилоси арафасида уларга қаршилик кўрсатган ҳукмдорлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган. Буларнинг ичиди Абу Жаъфар ат-Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулк» (Пайғамбарлар ва ҳукмдорлар тарихи), Абу Бакр ан-Наршахийнинг «Тарихи Бухоро», Юсуф ал-Балозурийнинг «Китоб футуҳ ал-булдон» (Мамлакатлар фатҳи), Абулфазл Муҳаммад ибн Абдужалил ас-Самарқандийнинг «Мунтахаб ал-Қанд фи тарих-и Самарқанд» (Самарқанд тарихи ҳақидаги Қанд китобининг мухтасари), Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ул-боқия» (Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар) каби асарлари муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Муғ қалъасидан топилган сўғд тилидаги ҳужжатларда ҳам бу даврга оид бирмунча маълумотлар мавжуд. Бу даврга оид юнон, арман, сурёний ва ҳинд манбаларида ҳам баъзи маълумотлар сақланган. Уша даврда Мовароуннаҳрда ўтган сулодалар, уларнинг келиб чиқиши, шажараси, ҳукмронлик қилган йилларининг аниқ хронологияси берилган бирорта асар мавжуд бўлмаса ҳам, юқориди қайд этилган манбалардаги маълумотларни бир-бирига таққослаб муайян бир манзарани юзага чиқариш мумкин.

Маълумки, илк ўрта асрларда Мовароуннаҳрда асосан сўғдийлар ва ўтроқ туркийлар истиқомат қилишган. Турк хоқонлиги бу ерда бошқарувни ўз хонадони аъзолари ёки уруғдошларидан, ё бўлмаса маҳаллий сўғд ва туркийлар воситасида амалга оширган бўлиши керак. Бироқ, мунозарали бўлса ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу даврда ва ундан илгари ҳам сўғдийлар ҳокимият ва ҳарб ишларидан кўра кўпроқ тижоратга моҳирлиги ҳамда мойиллиги устун³ бўлганлиги биле кўпчилик жойларда уларнинг бошқарув ишларига тайинланганлиги эҳтимолдан йироқдир. Тан-шу йилномасида келтирилишича, VI асрнинг охириларида Мовароуннаҳрдаги Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларнинг ҳукмдорлари «Чжаову»лардан бўлган. Аксарият тарихчилар мусулмон манбаларида учрайдиган «Жамук»ларни ушбу «Чжаову»лар билан бир деб ҳисоблашади⁴. Табарий жамукларни

² Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 1—III. М.; Л. 1950; E. Chavannes Documents sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux. St. Pbg. 1903.

³ Eberhard W. Çin kaynaklarına göre Orta ve Garbi Asya halklarının medeniyeti. Türkiye mecmuasi. Cilt VII—VIII. Ankara, 1940—1942. S. 147—148; Masao Maori. Sogdlularin Orta Asyadaki faaliyetleri. Belleten. Ocak sayisi, Ankara 1983. S. 339—351.

⁴ Peter B. Golden. Уша асар. P. 189.

«улар туркларнинг уруғидан» деб ёзди⁵. Тарихчи З. В. Тўғоннинг фикрича, жамуклар Кўк туркларнинг (яъни ашиналарнинг — *Ф. Б.*) ғарбий беш Дулу уруғининг бошида келган уруғ чумукунлардир⁶.

Манбалардан маълум бўлишича, илк ўрта асрларда Мовароуннахр ҳукмдорлари ябғу, тегин, шад, элтабар, хотун, тудун, тутуқ, тархон, чўр, эркин, чабиш каби туркий ҳамда ихшид, афшин, худот каби сўгдий унвон ва лавозимлар билан иш кўрганлар⁷.

Энди юқорида санаб ўтилган манбалардаги маълумотлар воситасида илк ўрта асрларда Мовароуннахрнинг вилоят ва шахарларида ҳукмдорлик қилган шахслар, улар эга бўлган унвонлар билан танишиб чиқамиз. Фақат шунинг назарда тутиш керакки, манбаларда келтирилган киши исмлари манба тили ва ёзувига мослаштирилиб берилганлиги бонс уларнинг асли қандай бўлганлиги ҳақида аниқ хулоса чиқариш мушкулдир. Бундай ҳолат, айниқса, хитой манбаларида яққол кўзга ташланишини таъкидлаган ҳолда, ўша давр Мовароуннахр ҳукмдорлари исмларини келтирамыз.

Шош вилояти: хитой, араб, сўғд манбаларида Шош воҳасини тудун унвонли ҳукмдорлар бошқарганлиги таъкидланади. Чунончи, Абу Райҳон Беруний ҳам Шош ҳукмдорларининг унвони тудун бўлган, деб ёзди⁸. VI асрнинг охирларида Шош воҳасини Турк хоқонлигининг ғарбий қисми ҳукмдори Қорачўрин (Хитой манбаларида Дату, юнон манбаларида Тарду; Турк хоқонлигининг асосчиларидадан бўлган Истамия ябғунинг ўғли, 576—603) хоқоннинг невараси Шегуйхон ўз тасарруфига олчар, бу ерга Дэлэ Тяньчжи (Тегин Тяньчжи)ни ноиб этиб тайинлайди. Унвонидан ҳам кўриниб турибдики, у хоқонлик хонадонига мансуб бўлган. Турк хоқонлиги даврида Шошни Дэлэ Тяньчжи

⁵ «История» ат-Табари. Избранные отрывки (Пер. с арабского В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). Ташкент, 1997. С. 253.

⁶ Zeki Velidi Togan. Umumi Türk tarihine giriş: Istanbul, 1981. S. 51, 428.

⁷ Турк хоқонлигида: ябғу-хоқон ўрибосарларига ва баъзи йирик қабилалар бошлиқларига; тегин — шахзодаларга, шад — бирор ўлкага маъмур қилиб тайинланган ва ўз қўшинига эга бўлган тегинларга; элтабар — тегиндан кейин турадиган учинчи даражали маъмурга; хотун — ҳукмдорнинг хотинига ва ҳукмдор аёлга; тудун — хоқоннинг уруғидан чиққан ва бўйсундирилган вилоятлар ҳокимиятлари фаолиятини назорат қилиб, ўлпон ва солиқлар йиғинини ташкил этиш мақсадида тайинланган ноибга; тутуқ — ғарбий маъмурият бошлиғига; тархон — элтабардан кейин турадиган маъмурга; чўр — хоқонлиқнинг ғарбий қисмидаги Ўн Ўқ қабилалар иттифоқига мансуб беш Дулу уруғи ва бошқа йирик туркий уруғлар бошлиқларига; эркин — Ўн Ўқларга мансуб беш Нушиби уруғи ва бошқа йирик туркий уруғлар бошлиқларига; чабиш (човуш) — субоши (лашкарбоши)дан кейин турадиган ғарбийларга нисбатан қўлланган. (Шонинёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. Тошкент, 1999. 10-бет. Толстов С. П. Древний Хорезм. М., 1948. С. 260; Согдийские документы с оры Муг. Вып. II. Юридические документы и письма/Чтение, перевод и комментарий В. А. Лямина. М., 1962. С. 88; Исҳоқов М. Унутялган подшоликдан хатлар (Бир туркум сўғд ҳужжатларининг ўзбек тилига таржимаси ва изоҳлари) Тошкент, 1992. 9-бет; S. Gomeç Kök Türk tarihli. Ankara, 1997. S. 115—116, 123; Бичурин Н. Я. Уша асар. 229-бет; Kafesoglu. Türk milli kültürü. S. 255; W. Thomsen. Orhon ve Yenisey vazitlerinin çözümü. İlk bildiri. Çözölmüş Orhon yazitları (türkçe terc.) Ankara 1993. S. 167—203).

⁸ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, 1968. 129-бет.

(вариант Фучжи; 605—620)⁹дан ташқари, Ган-тутун (Ган тудун; 640—660), Мохэду-тутун (Баҳодур тудун; 713—740)¹⁰, Инай-тутун Гуле (Инай-тудун; 741)лар бошқарганлар¹¹. Шош ҳукмдорлари хоқонлик сиёсий ҳаётида фаол иштирок этганлар. Масалан, 640-йилларда турк хоқонларидан Иби Дулухон Шош тудунини яна бир Турк хоқони бўлмиш Иби Шаболо Шэхухонга қарши юборади. Тудун Шэхухонни тор-мор келтиради. 738 йилда эса туркашларнинг бошлиқларидан бири Баға тархон (хитой манбаларида Мохэ-даган) Шош ҳукмдори Мохэду (Баҳодур) тудун билан иттифоқ тузиб, туркашларнинг машҳур хоқони Сулунинг ўғли Тухосян Гу чўрхонни мағлуб этади¹².

Фарғона водийси: араб, сўғд ва хитой манбаларидан Фарғона водийси ҳукмдорлари ихшид, чўр, тутуқ тархон унвонларига эга бўлганликлари маълум бўлади. Хитой манбаларига кўра, Турк хоқонлиги даврида Фарғона водийси маркази Гесай (Косон) ҳамда маркази Хумин (Қува ёки Хўжанд) бўлган нобликлар орқали идора қилинган. VII асрнинг биринчи ярмида хоқонлик хонадонига мансуб Ашина Шуни водийни қўлга киритгач, Косон шаҳрини қароргоҳ қилади. Маҳаллий туркий сулола вакилларининг ҳокимияти эса Хумин шаҳрига кўчади¹³. Турк хоқонлиги даврида водийни Ашина Шуни (630—650), Ёебочжи (Ашина Шунининг ўғли; Косонда, 650—660), Аляоцен (Хуминда, 640—660), Алатар¹⁴ (Табарийда ал-Тар, хитой манбаларида

⁹ Бошқарув йиллари тахминий берилмоқда.

¹⁰ Табарий 739 йилда Шош ҳукмдори Бадар Тархон бўлганлигини ёзади (Табарий. Ҷша асар. 269-бет). Бу иккиси бир шахс бўлиши мумкин.

¹¹ Бичурин Н. Я. Ҷша асар. 313—314-бетлар; Смирнова О. И. Очерки из истории Согды. М., 1970. С. 286—287; Хуршут Э. Ши-Чач. Ташкент, 1992. С. 5—6; E. Chavannes. Ҷша асар. P. 141—142.

¹² Бичурин Н. Я. Ҷша асар. 287, 299-бетлар.

¹³ Бериштам ҳеч бир маълумотга асосланмасдан Хуминга кўчган маҳаллий сулолани Кушон ҳукмдорларининг авлодлари сифатида кўрсатади (Бериштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726). ВДИ 1. М. 1952. С. 193). Манбаларда улар Кушон сулоласига мансуб эканлиги ҳақида маълумот учрамайди. Бизнингча улар Турк хоқонлиги Эфталитларни енгиб ҳокимиятни қўлга киритган дастлабки йилларда водийда тайинлаган ноибларнинг авлодлари бўлиши мумкин. Мазкур сулола вакили Аляоцен (640—660), Ашина Шуни келгунга қадар водийда ҳукмронлик қилган Кибининг қариндоши эди. Балки, 700—720-йилларда Фарғона ҳукмдори бўлган Алатар уларнинг авлодидир. Чунки, Аляоцен ва Алатар (хитой манбаларида А-ляо-цен, А-ляо-да) исмлари биринчи қисмининг хитойча транскрипцияси иккита бир хил иероглифга берилганки (E. Chavannes. Ҷша асар. P. 148—149), бу уларнинг асл исмининг негизи бир деб хулоса чиқаришга имкон беради. Эҳтимол, ушбу «А-ляо» уларнинг хонадон исми бўлгандир.

¹⁴ Алатар араб манбаларида Фарғона ҳукмдори Алту Чўрнинг аждоди деган маълумотлар мавжуд. Алатарнинг Ҷша даврда Уттегин Нидан (араб манбаларида Нилан; 722—723) исми амакиваччаси Исфара ҳокими бўлган. Унинг ўғли Алту Чўр кейинчалик Фарғонада подшолик қилган. О. И. Смирнова улар туркий бўлган, бу уларнинг исмидан ҳам кўриниб турибди деб қайд қилади (Смирнова О. И. Ҷша асар. 256, 285-бетлар). Иби Халликоннинг «Китаб вафайат ал-аъйан ва анбау абнау ал-заман» асарида берилган Миср ихшидийлар сулоласи (935—969) шажарасидан аниқ бўладикки, Фарғона ихшидлари туркий бўлган, яъни: Туғуч иби Чук иби Иалтегин Ихшид иби Фурон (Бўрон?) иби Фури (Бўри?) иби Хогон (хоқон?) (Zeki Velidi Togan. Ҷша асар. S. 178—179, 431).

Аляода; 700—720), Асилан-даган (Арслон тархон; 720—745)лар бошқарганлар¹⁵.

Самарқанд: араб манбаларида Самарқанд ҳукмдорлари уивони ихшид бўлганлиги айтилади. Абу Райҳон Беруний эса Самарқанд ҳукмдорларининг уивони тархун бўлганлигини қайд этади¹⁶. Хитой манбалари маълумотларига кўра, Самарқанд ҳукмдорлари Сўғд ўлкасида етакчилик қилишган¹⁷. Суй Шу йилномасида Кан (Самарқанд ва Сўғднинг хитойча номи) ҳукмдорларининг келиб чиқиши чжаовулардан деб кўрсатилади¹⁸. Турк хоқонлиги даврида Самарқандни Тайшеби (Тарду хоқон (576—603)нинг замондоши), Цюймучжи (600—620), Шашеби (640), Фохуман (сўғд манбаларида Вархуман; 640—660), Дусаботи (680—689), Нинйешиши (680—700), Тухун (араб манбаларида Тархун¹⁹; 700—710), Улэга (араб манбаларида Фурак²⁰; 710—740), Догэ (сўғд манбаларида Тургар; 738)лар бошқаришган.

¹⁵ Бичурий Н. Я. Уша асар. 319-бет; Смирнова О. И. Уша асар. 284—285-бетлар; Табарий Уша асар. 185-бет.

¹⁶ Абу Райҳон Беруний. Уша асар. 1-жилд. Тошкент, 1968. 129-бет.

¹⁷ Самарқанд ҳукмдорлари ҳақида қаранг: Бичурий Н. Я. Уша асар. II жилд. 311, 316-бетлар; Табарий. Уша асар. 104—107, 132, 138-бетлар; Лившиц В. А. Уша асар. 21—25, 49—69-бетлар; Смирнова О. И. Уша асар. 275—277-бетлар; Chavannes E. Уша асар. P. 131—136.

¹⁸ Бичурий Н. Я. Уша асар. II жилд. 274-бет.

¹⁹ Тархун — тархон уивонининг ўзгарган шакли бўлиши мумкин деган тахминлар бор. Гардизийнинг «Зайн ал-ахбор» асарини нашр қилган эронлик Ҳабибий Тархунни киши исми эмас, уивон, Мовароуннахр ҳукмдорларининг уивони деб изоҳлайди (Абу Саъид Гардизи. Зайн ал-ахбор. Раздел об истории Хорасана. Перевод с персидского языка А. К. Арендса. Введение, комментарии и указатели М. Елифановой. Ташкент. 1991, С. 133). «Тарихи Табарий»ни туркийга таржима қилган Баёний уни «Малики туркон Тархон» яъни «туркларнинг ҳукмдори Тархон» шаклида беради (Баёний. Таржиман Табарий. 583 а-бет. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлэзмаляр фонди, инв. № 1229).

²⁰ Фурак — баъзи манбаларда Тархуннинг биродари, Ан-Насафийнинг арабча «Ал-Қанд фи зикри уламо Самарқанд» асари ҳамда ушбу асарнинг Абдужалил ас-Самарқандий томонидан форсийга ўғирилган «Мунтахаб ал-Қанд фи тарих-и Самарқанд» асарларида Сўғд подшоҳи Фурақнинг кейинги авлодларидан бири ҳадис ровийси бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Уша ҳадис ровийсининг ан-Насафий келтирган шажарасига диққат қилинса Фурак туркийлар (эҳтимол туркаш уруғи)дан бўлганлиги аён бўлади: Абу Хусайн Убайдуллоҳ ибн ал-Марзубон ибн Туркаш Бақи (беки?) ибн Қашир ибн Тархун ибн Баничўр ибн Фурак ал-Бобдустоний. Ушбу шажарадаги Тархун, Баничўр, Туркаш Бақи исмлари туркий исмлардир (Қаранг: Нажмиддин Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламо Самарқанд. Мадина, 1991. 323-бет; Камалиддинов Ш. С., Мухаммедов У. З. Новые данные по истории Средней Азии эпоху арабских завоеваний//Узбекистонда ижтимоий фанлар. 3—4-сонлар, 91—92-бетлар; Zeki Velidi Togan а. Уша асар. S. 174—175, 457). Шунингдек, Иштихон ҳокими Гэло-пуло (Қора Бўғра) Фурақнинг биродари деб тахмин қилинади (Gibb H. A. Уша асар. S. 67.). Хитой манбаларида Фурақнинг Мочжо (Бекчўр) исми ўғли 730-йилларда Маймурғ ҳокими бўлганлиги айтилади (Бичурий Н. Я. Уша асар. II жилд 311-бет.). В. Радлов ва Э. Шавани Мочжо асли туркий исм, у машхўр Кўк Турк хоқони Мочжо (Ўрхун битикларида Қапоғон; 692—716) билан адаш бўлган дейди (Chavannes E. Уша асар. P. 136). П. Пельо, Мочжо сўзининг асли туркий Бекчўр эканлигини аниқлаган (Kaiesoglu. Уша асар. S. 108). Фикримизчи ан-Насафий келтирган шажарадаги Фурақнинг ўғли Баничўр (Бойчўр варианты ҳам мавжуд) хитой манбасидаги Мочжо (Бекчўр) бир шахс бўлган.

Бухоро: манбалардан маълум бўлишича, бу даврда Бухорода ҳудуд, шад унвонли ҳукмдорлар фаолият кўрсатишган. Наршахий «Тарихи Бухоро» асарида келтирган маълумотларга асосланиб Бухоро ҳукмдорларининг келиб чиқиши турк хоқонларига тақалади дейиш мумкин: 585 йилда Қорачурин (Тарду)нинг ўғли Шери Кишвар²¹ отасининг буйруғи билан Бухорога келиб бу ерда ҳукмронлик қилаётган Абруй²²ни ўлдирди. У Бухорода бир неча йил ҳукмронлик қилади²³. Эҳтимол, Турк хоқонлиги даврида Бухорода ҳукм юритган бухорхудо-дотлар сулоласи Шери Кишварнинг авлодлари бўлгандир²⁴. Араб-форс ва хитой манбаларига кўра, Бухорода Шери Кишвар (хитой манбаларида Янсо дэлэ (тегин), араб-форс манбаларида Шаба, Со-ве; 585—605), Шели (605—620), Нишу Гяна шад (Наршахийда Коно; Шери Кишварнинг невараси, 620—630), Хелинцзе (649), Ша²⁵ (640—660), Бидун²⁶ (673—680), Кабаж Хотун (Бидуннинг хотини; 680—695), Туғшода I²⁷ (Бидуннинг ўғли; 693—720), Туғшода II (720—739)лар ҳукм юритишган²⁸. Туғшода II биродари Асилан (Арслон) Дафодан Фалини 726 йилда Хитойга элчи қилиб юборган²⁹.

Тўхористон ўлкаси: Турк хоқонлиги бу ўлкага алоҳида аҳамият берган. Чунки, Тўхористон (Тохаристон) ва унга туташ минтақалар хоқонлигининг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган. Шунга ўхшаш сабаблардан бўлса керак, бу ўлка ябғулар орқали идора қилинган. Хи-

²¹ *Шери Кишвар* — туркий Эл Арслон исмининг форсий версияси (Frye R. N. The History of Bukhara. Translated from a Persian abridgment of the Arabic original by Narshakhi Cambridge, 1954. Vol. 28. P. 108).

²² *Абруй* — турк хоқонларидан бири Абохон билан бир шахс деб тахмин қилинади (Толстов С. П. Тирания Абруя // Исторические записки. 1933. № 3. С. 10).

²³ Абу Бакр а-Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А. Расулев таржимаси. Тошкент, 1966, 16-бет.

²⁴ Одилов Ш. Т. Административно-территориальное устройство Западного Согда в раннем средневековье (Письменные источники, историческая топография, топонимика) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. 6-сон. 29—30-бетлар.

²⁵ У шад унвонли ҳукмдор бўлиши ҳам мумкин. Чунки, туркий шад унвонли хитой манбаларида «ше», «ша» шаклида берилган (Бичури Н. Я. Ўша асар. III жилд. 301-бет.). О. И. Смирнова Ша мусулмон манбаларида кўп тилга олинган турк хоқони Шэба билан бир бўлса керак деб тахмин қилади (Смирнова О. Ўша Ўша асар 278—280-бетлар).

²⁶ *Бидун* — араб манбаларида унинг турклардан эканлиги айтиб ўтилади (Адилов Ш. Т. Административно-территориальное устройство Западного Согда в раннем средневековье, С. 29).

²⁷ Туғшоданинг Тағшода, Туғшад, Тағшад каби вариантлари бор. Асли Туғшад бўлиши мумкин. Р. Фрай ушбу исмининг иккиччи элементи Ўрхун битикларидаги «шад» унвони билан боғлиқ деган фикрни билдиради (Frye R. N. Ўша асар. P. 110). Гибб унинг унвони туркий «шад» бўлган деб таъкидлади (Gibb H. A. Ўша асар. S. 16). П. Шювен Туғшодани туркий «туғ» (байроқ) ва «шад» (унвон) сўзлари билан изоҳлайди (Шювен П. О византийских посольствах к первым тюркским правителям Согда (Проблемы ономастики и топонимики) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1995. I, 2, 3-сонлар. 35-бет). Туғшода ёш бўлганлиги туфайли дастлабки йилларда онаси Кабаж Хотун унинг номидан ҳокимиятини бошқарган.

²⁸ Бу ҳақда қаранг: Абу Бакр а-Наршахий. Ўша асар. 16—19, 37, 39, 47-бетлар; Бичури Н. Я. Ўша асар. I ж., 279, 285-бетлар; II ж., 312-бет; Табарий. Ўша асар. 44, 192-бетлар; Смирнова О. И. Ўша асар. 278—280-бетлар; Гумилев Л. Н. Древние тюрки. М., 1967. С. 128, 142; Chavannes E. Ўша асар. P. 137—138.

²⁹ Бичури Н. Я. Ўша асар. II жилд, 312-бет.

той сайёҳи Сюан Цзян (629—645)нинг ёзишича, Тўхористонда 27 та туман бўлиб, уларнинг барчаси турклар тасарруфида бўлган. Ушбу туман марказлари: Чағониён, Термиз, Хуттал, Шуман, Шугнон каби шаҳарларда худот, шад, тархон, элтабар, эркин унвонли ноиблар турган. Хитой манбаларида ушбу туманларнинг ҳукмдорлари туркийлардан эканлиги айтиб ўтилади³⁰. Уларнинг барчаси Тўхористоннинг бош ҳукмдори ябгуга итоат қилишган. Тўхористон ябгулари ашина уруғидан, кейинчалик қарлуқлардан бўлган³¹. VI асрнинг охирларида Тарду хоқон Тўхористон, Балх, Кундуз вилоятларини қўлга киритгач, бу ерларни идора қилиш учун тегин унвонли ўғлини юборган³². Тўхористон ябгулари сулоласи Тарду хоқоннинг авлодларига бориб тақалади³³. Хитой ва араб манбаларига кўра Тўхористонда Тарду хоқоннинг эвараси Турк Тарду шад (Тунг ябғунинг ўғли; 630-йилларда), Надунли ябгу (680—710), Гудулу Тун Даду³⁴ (Қутлуғ Тун Тарду; 720-йиллар), «жабғуйа ал-харлухия» (Қарлуқ ябғуси) ҳукмронлик қилишган. Хутталда ас-Сабал (унвони эркин; 680—720), Алузиниш (унвони элтабар; ас-Сабалнинг ўғли, 733), ибн ас-Сайжий (737), Тудун тархон (737)лар ҳукм юритишган. Хитой манбалари гувоҳлик беришича, Кумед (Қоратегин) ҳукмдорлари Турк хоқонлигида нуфузли уруғ бўлиб ашиналардан кейинги мавқеида турган туркий Яньто (Тардуш) уруғига мансуб бўлган. Чағониёнда эса чағанхудот Туронтош³⁵ (VII аср иккинчи ярмида) ва шад³⁶ унвонли ҳукмдор (710-йилларда) қуйи Тўхористон ҳукмдорлари орасида катта нуфузга эга бўлганлар. 720—729 йилларда Вохон ҳукмдори бўлган Лолуйито Гудулу Дэпила Мохэду Мосар (Қутлуғ Баҳодур) эса Уғу-даган (Уғу тархон)-ни 729 йилда Хитойга элчи сифатида юборган³⁷.

Шунингдек, илк ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоят ва шаҳарларида ҳам туркийлардан ҳукмдорлар бўлган: Исфарада Ўттегин Нидан (722—723), Панжикентда Чакин Чўр Билга (693—

³⁰ Бичурин Н. Я. Уша асар: II ж., 322—324-бетлар; Eberhard W. Уша асар. 141—145; M. A. Shaban. Khurasan at the Time of Arab Conquest Iran and Islam. In memory of the Late Vladimir Minorsky. Edinburg 1971. P. 485—486.

³¹ Бичурин Н. Я. Уша асар. II ж., 321-бет; Табарий. Уша асар. 126—127, 130, 228, 253-бетлар; I. Kafesoglu. Уша асар. S. 146.

³² A. Taşagil. Gök Türkler. Ankara, 1995. S. 88; E. Chavannes. Уша асар. P. 245.

³³ Gibb H. A. Уша асар. S. 9.

³⁴ У хитой манбаларида 727—729-йилларда Тўхористоннинг ябғуси сифатида кўрсатилиб, ашина уруғидан эканлиги таъкидланади. (E. Chavannes. Уша асар. P. 245).

³⁵ Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В. Северная Бактрия и Тохаристан // Очерки истории. Ташкент. 1990. С. 132—133.

³⁶ Табарий асарининг русча нашрида Шаъз сифатида берилиб изоҳда Тўхористоннинг турк ҳукмдорларидан бирининг исми ёки унвон эканлиги айтилган («История» ат-Табари. Избранные отрывки. С. 124, 129, 440). Гибб, унинг шад унвонли ҳукмдор бўлганлигини таъкидлайди (Gibb H. A. Уша асар. S. 10).

³⁷ Тўхористон ҳукмдорлари учун қаранг: Табарий. Уша асар. 126—130, 242, 256-бетлар; Бичурин Н. Я. Уша асар. II жилд. 321—322, 324—326-бетлар; Смирнова О. И. Уша асар. 283—284-бетлар; Шониёзов К. Уша асар. 90—91-бетлар; Chavannes E. Уша асар. P. 155—158.

708), Фай (Нарпай)да Турк-хоқон³⁸ (720), Маймурғда Бекчўр (730-йиллар), Усрушонада Қора Бўғра (737), Кешда Сыгинти³⁹ (738—740), Ғузорда Су Бўғра⁴⁰ (722) каби⁴¹. Хоразмда ҳам ўша даврда туркий Туркасбас (570-йиллар), Аскажамук II (710-йиллар) исмли ҳукмдорлар бўлган⁴².

Демак, юқорида қараб чиқилган маълумотларга таяниб хулоса қилиш мумкинки, Турк хоқонлиги даврида Мовароуннаҳр вилоят ва шаҳарларининг асосий қисмида ҳокимиятни туркийлар бошқарган. Улар насаби жиҳатидан турк хоқонларига бориб тақаладиган сулола-ларга ҳамда хоқонликдаги нуфузли ашина, жамук, тардуш, туркаш, қарлуқ каби уруғларга мансуб бўлишган. Жумладан, Бухорхудотлар, Тўхористон ябеулари сулоласи хоқонлиқнинг асосчиларидан бўлиши Истами ябғуга бориб туташади. Шош ҳукмдорлари эса хоқон хона-донига мансуб тудунлар бўлган. Бир неча вилоятда эса «шад» унво-ни ноиблар бўлган. Маълумки, мазкур унво Турк хоқонлигида хо-қоннинг ўғиллари ва жиянларига берилган. Улар «шад» унвонини ол-гач, бирор ўлкага ноиб қилиб тайинланганлар ва ўз қўшинига эга бўлишган. Албатта, шадлар хоқонлик ҳокимияти барқарорлигини сақлаш мақсадида юборилган. Бундан кўринадики, Турк хоқонлиги Мовароуннаҳрда фақат деярли мустақил маҳаллий сулолалар воси-тасидагина эмас, балки беvosита ўзининг ишончли вакиллари орқали ҳам бошқарган. Яъни, тарихчи А. Зиё асосли равишда таъкидлагани-дек, ўлкада биринчидан, хоқонлиқнинг бошқарув тизими ва иккинчи-дан, маҳаллий (анъанавий) бошқарув услуби мавжуд бўлган⁴³.

Шунингдек, Турк хоқонлигининг марказий маъмуриятида қўлла-нилган лавозим ва унволарнинг деярли барчаси Мовароуннаҳрда ҳам муомалада бўлган. Мовароуннаҳрда хоқонлик бошқарув тизимига хос бўлган унво ва лавозимларнинг кўплаб учраши ва ҳар бир вилоят ҳамда шаҳарларда турлича бўлиши тасодикий бир ҳол бўлмай, бал-ки муайян бир марказ томонидан жорий қилинганлигини кўрсатади. Айни пайтда бундай турли маъмурий лавозимларнинг бир-бирдан

³⁸ Турк-хоқон исмли ҳукмдор бўлиши мумкин. О. И. Смирнова «Фай малигининг исми Турк-хоқон бўлган» дейди (Смирнова О. И. Ўша асар. 40-бет).

³⁹ Сыгинти исм эмас, «сыгин» (туркий эркин) унвони билан алоқали сўз бўлиши мумкин (Бичурин Н. Я. Ўша асар. I ж., 299-бет; Chavannes E. Ўша асар. P. 147). З. В. Тўғон Кеш ҳукмдорларининг унвони тудун бўлган дейди (Zeki Velidi Togan. Ўша асар. 1981. S. 412).

⁴⁰ *Су Бўғра* — Табарий асарининг Беляев нашрида Сабкари тариқасида берилган («История» ат-Табари. Избранные отрывки. С. 190) О. И. Смирнова Су Бўғрани тур-кий бўлган деб ёзади (Смирнова О. И. Ўша асар. 40-бет).

⁴¹ Қаранг: Табарий. Ўша асар. 190, 251—252-бетлар; Бичурин Н. Я. Ўша асар. II ж., 313-бет; Лившиц В. А. Ўша асар. 47—51-бетлар; М. Исҳоқов. Ўша асар. 15—17-бетлар.

⁴² С. П. Толстов Беруний келтирган 22 Хоразм ҳукмдоридан бири Туркасбас ёки Туркасбас VI асрдаги Турк хоқонлигининг ғарбий ўлкаларидаги ҳукмдорларидан бири, юнон манбаларидаги Турксанс билан битта шахс бўлган деб қарайди (Тол-стов С. П. Ўша асар. 188, 191-бетлар; Абу Райҳон Беруний. Ўша асар. 72-бет). Бизнингча, у туркаш уруғидан бўлиши мумкин.

⁴³ А. Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент. 2000. 83-бет.

фарқли бўлиши, улар вилоят ва шаҳарларнинг тутган мавқеига қараб берилганлиги сабабли бўлса керак.

Шу билан биргаликда, хоқонлик бу ўлкага ўлпон тўлаб турадиган бир жойга эмас, балки ўзининг таркибий қисми сифатида қараганлиги маълум бўлади. Бошқарув тизимида туркийларнинг кўплаб иштирок этиши эса илк ўрта асрларда Мовароуннаҳрда туркийларнинг нисбати қай даражада бўлганлигини кўрсатади.

Ушбу мавзу жуда катта ва муҳим бир даврни ўз ичига олганлиги сабабли уни кичик бир мақолада тўлақонли ёритишнинг имкони йўқ. Фақатгина бу даврга онд турли: хитой, араб, форс, юнон, арман, ҳинд, қадимги турк ва бошқа тиллардаги мавжуд манбаларни чуқур ўрганиш, уларни бир-бирларига таққослаш орқали муайян бир хулосага келиш мумкин.

О. Кобзева

У ИСТОКОВ НАУЧНОГО ИЗУЧЕНИЯ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ

Историческая наука в Республике Узбекистан в настоящее время призвана решать сложные проблемы и задачи, среди которых возрождение исторической памяти, восстановление объективной истории, разработка на основе богатого исторического и духовного наследия национальной идеи и идеологии, «возвращение своей истории, культуры самим себе и всему остальному миру»¹.

В ряду многих достижений человеческой цивилизации особое место принадлежит Великому Шелковому пути. Эта трансконтинентальная дорога состояла из множества мелких путей и караванных троп, веками соединявшая разные народы и страны в экономическом, политическом и культурном аспектах.

Научное изучение Великого Шелкового пути началось со второй половины XIX столетия, у истоков которого стоял известный немецкий ученый Фридрих Фердинанд фон Рихтгофен (1833—1905), автор классической монографии «Китай»².

Ф. Ф. фон Рихтгофен родился в г. Карлсруэ, ныне г. Покуй Опольского воеводства в Польше в старинной дворянской семье.

Немецкий географ и геолог, отличавшийся истинные энциклопедическими знаниями, он получил образование в университетах Бреслау (ныне Вроцлав) и Берлина. Был профессором Боннского (1875—1879), Лейпцигского (1883—1886) и Берлинского (с 1886 г.) университетов и членом Прусской Академии наук. С 1873 г. являлся президентом Берлинского Географического общества.

Ф. Ф. фон Рихтгофен много путешествовал. Так, в 1860—1862 гг. он предпринял поездку в Восточную и Юго-Восточную Азию, а в

¹ Каримов И. А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Ташкент, 1995. С. 139.

² Rightgofen F. F. fon. China. b. 1—4, Berlin, 1877.

1862—1868 гг. проводил исследования в Калифорнии и Сьерра-Неваде. В период с 1862 по 1868 г. совершил многочисленные поездки по Китаю, в ходе которых изучал не только географию, геологию, геоморфологию, фауну и флору этой страны, но и религию, государственное устройство, обычаи и нравы, духовную жизнь народа, его историю, начиная с глубокой древности. Результатом его путешествий стал выход в свет в 1877 г. в издательстве Дитриха Раймера в Берлине 4-томной монографии «China» («Китай. Результаты собственного путешествия и последующего глубокого изучения»).

Каждый из четырех томов данной монографии посвящен определенной отрасли науки применительно к Китаю и сопредельным с ним государствам. Внутри тома делятся на главы, подглавы и подразделы.

Современники ученого отмечали: «Рихтгофен широко взглянул на свою задачу и не ограничился исследованной им областью (т. е. Китаем), а рассмотрел ее в связи со Средней Азией... Первый том своего труда, который составляет как бы обширное введение ко всему сочинению, он посвятил взаимным связям Китая и Средней Азии. Этот том состоит из двух частей: в первой автор изложил свои основные взгляды о строении и происхождении Средней Азии, а во второй — историю взаимоотношений Средней Азии и Китая, историю географических исследований Китая с древнейших времен³. При этом Ф. Ф. фон Рихтгофен делал многочисленные ссылки на труды историков античности и средневековья, путешественников (Геродота, Клавдия Птолема, Страбона, Марко Поло, Клавихо, Ибн Батуты) и своих современников (А. Гумбольдта, К. Риттера, Э. Реклю и др.)⁴.

Отдельный подраздел первого тома посвящен зарождению торговли шелком. В нем же впервые вводится в научный оборот сам термин «Шелковый путь» — «Seiden Strasse», который и «приживается» в науке, хотя это сложное переплетение торговых, караванных дорог с таким же успехом можно было назвать «хлопковым» или «стеклянным» путем. Вот что писал Ф. Ф. фон Рихтгофен о торговле шелком в те далекие времена: «Немногие культурные народы Востока и Запада в тот период (II—I вв. до н. э.) были осведомлены о взаимном существовании. Никакому сомнению не подлежит то, что уже тогда и вероятно продолжительное время роль связующего звена между народами выполняла торговля, которая испытывала многочисленные трудности, часто прерывалась, но все же поставляла, буквально из рук в руки, продукцию из Китая в страны на Оксе и Яксарте, а оттуда далее в страны, расположенные на западе.

Драгоценным и легко транспортируемым был шелк. В древнейших китайских рукописях многократно упоминаются провинции, в которых вырабатывают шелковые ткани. Еще Геродот говорил о них,

³ Мушкетов И. В. Туркистан. Пг., 1915. С. 554—555.

⁴ См.: Риттер К. Землеведение Азии. Спб., 1858; Реклю Э. Nouvelle géographie. Paris. 1881.

не упоминая, однако, особенного наименования для ткани. Немного позднее мы встречаемся с единичным в целом употреблением выражения «ткань серов» (серы — китайцы) у греков. Полководец Александра Македонского Непарх упоминает, что ткань серов в большом количестве встречалась ему в Индии. Из индийских источников также видно, что эта ткань ввозится в Индию с севера (т. е. из Китая)⁵.

Отдельные разделы научного труда Ф. Ф. фон Рихтгофена посвящены вопросам установления китайцами торговых путей в Индию, Тибет, Восточный Туркестан, их борьбы с хунну, строительства Великой Китайской стены и крепостей в Таримском и Турфанском оазисах, первых путешествий китайцев к Оксу и Яксарту и зарождения шелковой торговли со среднеазиатскими народами, первых посольств в Рим и т. п.

Направление караванных путей определялось не только географическими условиями, так как некоторые оазисы со временем исчезали, но и грабительским или мирным характером власти в государствах, по территории которых проходили караванные тропы⁶.

Ценным источником для Ф. Ф. фон Рихтгофена послужили хроники династии Хань (206 г. до н. э.). Именно в тот период Китай вел непрерывные захватнические войны, в результате которых он из небольшого государства в междуречье Хуанхэ и Янцзы превратился в огромную империю, простиравшуюся от Желтого моря до Восточного Туркестана. Начиная с Чжан Цзяня (между 139—129 гг. до н. э.) китайцы открыли для себя «западный край», Среднюю Азию, где они проводили активную завоевательскую политику, осуществив военные экспедиции в начале II в. до н. э. в государство Давань (Фергана). В 97 г. н. э. китайский полководец Бань Чао, покорив Восточный Туркестан, довел китайские войска даже до Антиохии Маргианской⁷.

Почти в каждой хронике династии Хань описываются сопредельные народы или страны.

«Ранее в употреблении была старая южная трасса через Куенлунь. Буддийские источники сообщают нам о пилигримах, идущих по ней, путешествовал и Марко Поло.

Китайцы установили с народами, жившими на Иссык-Куле, дружественные отношения; уйгуры были дружелюбны к ним, однако местности на севере Тянь-Шаня не были доступны китайским торговцам, так как этому препятствовали другие кочевые народы.

Караванные пути шли через горные массивы Терек к верховьям Яксарта и в страну Давань. Эта страна оставалась конечной целью китайских торговцев. На тамошнем базаре шелк покупали коммерсанты других стран, расположенных еще более на западе, и снабжали им Персию, Месопотамию и Сирию.

⁵ Richtgofen F. F. *China*. I b. S. 458.

⁶ Там же.

⁷ Ртвеладзе Э. В. Великий Шелковый путь. Энциклопедический справочник. Ташкент, 1999. С. 262.

Третья линия сообщения шла из Бактрии через Кабул в Индию. Наиболее удаленным торговым партнером было для китайцев I в. до н. э. государство Парфия⁸.

Можно приводить бесчисленное множество отрывков из монографии Рихтгофена «China», посвященных тем или иным вопросам возникновения и функционирования Великого Шелкового пути.

Данный классический труд снабжен несколькими цветными картами, многочисленными иллюстрациями и др. Его ценность заключается в том, что именно в этой монографии Ф. Ф. фон Рихтгофен впервые обратил внимание всего научного сообщества на необходимость научного изучения феномена Великого Шелкового пути как сложного временно-пространственного образования. Он натолкнул ученых на мысль о возможности ведения на его трассах полевых исследований (археологических, этнографических, лингвистических, нумизматических), на осмысление роли Великого Шелкового пути в духовной, культурной и политической жизни многих государств на протяжении ряда веков. В «China» Рихтгофен собрал воедино, систематизировал и критически рассмотрел все сведения и источники, касающиеся Великого Шелкового пути в разное время его функционирования. Вместе с тем он указал на причины, способствовавшие развитию исследований Средней Азии, и выяснил участие в этом деле китайцев, арабов и европейцев.

Трудно переоценить значение труда Ф. Ф. фон Рихтгофена. Его монография, в настоящее время хранящаяся в крупнейших библиотеках стран СНГ (Москва, Санкт-Петербург, Ташкент) и представляющая собой великолепный источник по истории Великого Шелкового пути, нуждается в дальнейшем глубоком изучении и осмыслении.

⁸ Rightgofen F. F. fon. China, 1 b. S. 463.

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

МАРКАЗИЙ ОСИЕНИ УРГАНИШ ЕВРОПА ЖАМИЯТИ — ESCASнинг VII ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(2000 йил 27—30 сентябр, Вена)

2000 йил 27—30 сентябрда Австрия пойтахти Вена шаҳрида Марказий Осиёни ўрганиш Европа жамияти — ESCASнинг VII халқаро конференцияси бўлди. Конференцияда АҚШ, Германия, Франция, Нидерландия, Италия, Исроил, Австрия, Венгрия, Польша, Швеция, Туркия, Россия, Ҳиндистон, Япония, Австралия ва бошқа хорижий мамлакатлардан ташқари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Украина, Арманистон, Грузия каби давлатларнинг етакчи тарихчи, иқтисодчи, этнограф, адабиётшунос, тилшунос, сиёсатшунос, санъатшунос олимлари қатнашдилар. Шуниси қувонарлики, анжуманда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси делегацияси кўпчилигини ташкил қилди.

Конференция Вена университетининг Ижтимоий ва маданий антропология институти биносида ўтказилди. Вена университети Европадаги энг қадимий олий ўқув юртиларидан бири бўлиб, унга 1365 йил асос солинган. Университетда иқтисодчи К. Менгер, Бём-Баверк, машҳур врач психолог Зигмунд Фрейд каби жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган олимлар талабаларга сабоқ беришган. Туркистондан борган Аҳмад Закий Валидий 30-йилларда Вена университетига тахсил олган.

VII халқаро конференциянинг таънавали очилиш маросимида Австрия ташқи ишлар министри, доктор Бенита Ферреро-Вальднер, Вена университети ректори проф. Георг Зипклер, Ижтимоий ва маданий антропология институти директори проф. Томас Филмиз, ESCAS президенти доктор Тураж Атабаки табрик сўзларини айтиб, илмий анжуманининг самарали ўтишига тилак билдирдилар. Конференция 5-шўба (секция)га бўлинган ҳолда ўз мажлисларини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси олимлари барча шўба ишида маърузалар билан, шунингдек, музокара ва баҳсларда ҳам фаол қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти директори, т. ф. д. Д. А. Алимованинг «Туркистон жадидларининг мусулмон маданиятига қарашлари» номли маърузасида XX аср бошларида Туркистондаги тараққийпарварлик ҳаракати бўлган жадидчилик ҳақида сўз юритилди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Обиджон Маҳмудов, Ашуроди Зоҳирийнинг «Ойна» журнали, «Садон Туркистон», ҳусусан, «Садон Фарғона» газеталарида эълол қилинган мақолалари таҳлили асосида маърузачи жадидларнинг маданият ҳақидаги қарашлари шаклланишини ёрқин кўрсатиб бера олган. Фарғона воқийси жадидлари, маърузачининг далилларга таяниб асосланишча, Бухоро, Самарқанд, Тошкент жадидларига нисбатан сиёсат билан камроқ шугулланганлар.

Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т. ф. д. Р. Г. Мукминова «Ўзбекистонда спорт мусобақалари ва халқ ўйинлари (сўнгги ўрта асрлар даври)» мавзусида маъруза қилди. Ўзбек халқининг шўхратини бугунги кунда оламга кўз-кўз қилаётган жуда кўплаб спорт турлари ва халқ ўйинларининг илдижи мазийга бориб тақалади. Бугунги кунда ўзбек курашининг дунё сахнасига чиқиши, юртимиз полвонларининг жаҳон чемпионати ва олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашуви фикримизнинг яққол далилидир.

Тошкент Ислом университети ислом тарихи ва фалсафаси факультети декани, т. ф. д. С. С. Аъзамхўжаевнинг «XX аср бошларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ислом» номли маърузасида Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин мустабид тузумнинг ислом динига бўлган муносабати очиб берилган. Ислом тарихи бўйича мутахассис шарқшунос олимнинг фикрича, Ўзбекистонда 20—30-йилларда совет ҳукуматининг атеистик (даҳрийлик) сиёсати бўйича диний муассасалар: мадрасалар ва масжидлар берkitилди, уламолар ва бошқа дин арбоб-

лари қатагон қилинди. Маърузада Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ислом динига бўлган муносабат ижобий томонга қараб буткул ўзгаргани кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти сектор мудири, т. ф. н. К. Қ. Ражабовнинг маърузаси «Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати ва ислом омили» деб аталди. Маърузачи ўз сўзида Туркистонда мустабид совет режими ва босқинчи қизил армияга қарши кўтарилган истиқлолчилик ҳаракати (совет даврида у «босмачилик» деб нотўғри тақдир қилинган эди) тўғрисида фикр юритар экан, истиқлолчиларни ягона жабҳага бирлаштиришда ислом омили катта роль ўйнаганлигини таъкидлайди. Истиқлолчилар Туркистон мустақиллиги учун душманга қарши ҳаёт-мамот жангларига кирганларида уларнинг ғоявий раҳнаmolари бўлиб айнан жадид тараққийпарварлари ва ислом дини улаmolари тарих саҳнасига чиқишган эди.

Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти катта илмий ходими, санъатшунослик номзоди Д. Рашидова «Беҳбудийнинг маърифатпарварлик дастурида тил маданияти: биз учун сабоқлар» мавзuida маъруза қилди. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Китобат ул-атфол» (1908) асари, «Ойна» журналида босилган «Икки эмас, тўрт тил лозим» (1913), «Тил масаласи» (1915) ва бошқа мақолалари асосида унинг тил ва нутқ маданияти масалаларига бағишланган фикрлари таҳлил қилинади. Маърузада Беҳбудийнинг ишро илми, иш қозғоларини юритиш ҳақидаги тақлифларига тўхтаб ўтилган.

Шунингдек, конференцияда Ўзбекистон вакилларидан т. ф. н. Н. Б. Немцова (Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти катта илмий ходими), т. ф. д. А. Раззоқов (Тошкент Давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири), т. ф. д. Ш. Воҳидов (Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири), т. ф. н. С. Ғуломов (Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими), филология т. ф. н. Ш. Турдиев (Ўзбекистон Республикаси ФА Адабиёт институти катта илмий ходими), ф. ф. н. Б. Дўстқораев (Тошкент тиллари университети доценти), ф. ф. н. А. Эркинов (Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси), т. ф. н. А. Маликов (Самарқанд ДУ ўқитувчиси), С. М. Қосимов (Тошкент иқтисодиёт лицейи директори), Д. Азимова (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ўқитувчиси), Д. Каромат, И. Дадажоновалар (Санъатшунослик институти илмий ходимлари) ҳам қизқарди маърузалар қилишди. Хорижий мамлакатлардан Зенага таъриф буюрган олимлар ўртасида Ултрехт университети (Нидерландия), профессори Тураж Атабаки, Гумбольдт университети (Германия) профессори Ингеборг Бальдауф, Тошкентдаги Марказий Осиёни тадқиқ қилувчи Француз институти директори Винсент Фурнье, Гумбольдт университети тадқиқотчиси Рейнхард Айзенер, россиялик олимлар О. Акимшқин, Ж. Мешкалзе ўқиган маърузалар катта таассурот қолдирди. Т. Атабаки ва И. Бальдауф Туркистондаги жадидчилик ҳаракати тўғрисида сермазмун маърузалар қилган бўлсалар, Р. Айзенер Иброҳимбек қўрбошининг жанговар фаолияти ва қисмати тўғрисида сўзлади.

Халқаро конференциянинг сўнггида қабул қилинган қарорда Европа жамияти аъзолари Марказий Осиёни тадқиқ қилишда бу ерлик мутахассислар билан ўзаро ҳамкорликда иш юритиши таъкидланди. Конференция фаолиятида бундан кейин ҳам мустақил Ўрта Осиё ва Қозғистон Республикалари олимлари фаол қатнашадилар, деган умид билдирилди. Анжуманнинг сўнгги мажлисида ташкилий масалалар кўрилди. ESCASнинг президенти қилиб, яна таниқли олим Тураж Атабаки қайта сайланди. Вице-президент лавозимини эса Вена университети профессори Габриэла Расулли — Палезек эгаллади. Шунингдек, Европа жамиятининг навбатдаги, VIII конференциясини 2002 йил кузида ўтказиш белгилаб олинди. Сўнгги конференция иштирокчилари Европанинг энг тарихий шаҳарларидан бири, 800 йил давомида Габсбурглар сулоласининг пойтахти бўлган Вена шаҳрининг ноёб меъморчилик обидалари ва диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

Қ. Ражабов

АКАДЕМИК ЯХЁ ҒУЛОМОВ НОМЛИ «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ» РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ СЕМИНАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ ҲАҚИДА

(2000 йил 5 октябр, Термиз)

Академик Яхё Ғуломов номли «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг навбатдаги 9-йигилиши «Ўзбекистон қадим тарихида Сурхон воҳаси: давлатчилик ва моддий маданият негизлари» мавзусида шу йил 5 октябрда Термизда бўлиб ўтди. Семинарда Сурхон воҳасининг ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида тугган ўрин ва тарихий аҳамияти масалалари археология ва тарих фанида аниқланган энг сўнгги илмий янгилликлар асосида муҳокама этилди.

Эзма ва моддий ёдгорликларнинг ўзаро қиёсий ҳамда чуқур илмий таҳлилининг кўрсатишча, Ўзбекистон археологлари ҳамда хорижий тадқиқотчиларнинг ҳамкорлигида Сурхон воҳасида олиб бораётган қазинишларида аниқланган моддий манбалар ўзбек халқининг тарихи бир неча минг йилларга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Чунончи, Кампиртепа шаҳарчаси, Шўртепа қалъаси, кўҳна Термизнинг бошқа ёдгорликлари бу ерлар тарихи милоддан аввал бир минг йилликлар ўртасига бориб тақалишини тасдиқлади. Термиз шаҳри ва унинг атрофида топишган муҳофаа илшоотлари, мис тангалар, ҳунармандчилик марказлари, қарвонсарой қолдиқлари бу ерларда давлатчилик жуда қадим илдишларга эгаллигини, Термиз шаҳрининг ўзбек давлатчилигининг шаклланишида муҳим ўрин тутганини асослашга хизмат қилади.

Фаёзтепа, Қоратепада топишган буддавийлик билан боғлиқ ибодатлар Термизнинг жаҳон маданиятига қўшган улкан ҳиссасини яна бир бор тасдиқлайди. Термиз буддавий динининг Урта Осиёдаги маркази бўлиб, бу ердан Хитой ва Шарққа тарқалган. Қушон подшоҳлиги даврида маданий илдишлари қадимий бўлган Бақтрияда жаҳон халқлари маданиятининг ўзига хос чапишувни содир бўлди ва шу асосда ниҳоятда серқирра юксак маданият ривожланди.

Хуллас, эзма ва моддий ёдгорликлар кўҳна Термизнинг (ёша) 2500 йилга тенглигини исботлаш билан бирга унинг жаҳон цивилизацияси, маданияти равақига муносиб ҳисса қўшганлигини ҳам асослашга хизмат қилади.

Семинарда республиканинг турли вилоятларидан 150 дан ортиқ иштирокчилар ташкиф буюрганлиги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги» тарихига бўлган қизиқини ва Яхё Ғуломов номли семинар нуфузи тобора ўсиб бораётганини яна бир намоён этди. Семинар фаолияти давомида мазкур муаммоларни ўрганишда археологлар ва тарихчиларнинг ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳамда унинг муҳим аҳамияти яна бир бор тасдиқланди.

Семинарнинг фаолияти ва илмий-амалий аҳамиятини кучайтириш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб топилиди:

1. Семинар материалларини мунтазам равишда чоп этиб бориш;
2. Семинар давомида эълон қилинган илмий янгилликларни ўқув жараёнига ва илмий истеъмолга кенг татбиқ этиш;
3. Семинар фаолиятига республика олий ўқув юртларидаги ёш тадқиқотчиларни кенг жалб этишга эришиш;
4. Мазкур семинарда муҳокама этиш мумкин бўлган муаммолар мавзусини аниқлаштириш мақсадида олий ўқув юртлари ва илмий марказларда социологик сўровлар ўтказиш;
5. Атамашунослик ва методология, яъни тадқиқот усуллари мавзусида семинар йиғилиши ташкил этиш;
6. Тарих фанига ихтисослашган мактаблар ва археологлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш.

Ушбу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши тарих фани олдида турган муаммоларни аниқлаштиришда ва муваффақиятли ҳал этишда, семинар фаолиятини юқори савияга кўтаришда катта роль ўйнаши шубҳасиз.

Д. Зиёева

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ СИМПОЗИУМ «ЦИВИЛИЗАЦИЯ ДРЕВНЕГО ХОРЕЗМА
В КОНТЕКСТЕ ИСТОРИИ МИРОВОЙ КУЛЬТУРЫ» И ПОЛЕВОЙ СЕМИНАР
«АРХЕОЛОГИЯ ДРЕВНЕГО ТАШКЫРМАНСКОГО ОАЗИСА»**

**10—12 ОКТЯБРЯ 2000 г.
(г. БУСТАН, РЕСПУБЛИКА КАРАКАЛПАКСТАН)**

В г. Бустан Элликалинского района Республики Каракалпакстан с 10 по 12 октября 2000 г. состоялся международный симпозиум, посвященный обсуждению темы «Цивилизация древнего Хорезма в контексте истории мировой культуры», составной частью которого явился полевой семинар «Археология древнего Ташкырманского оазиса».

Симпозиум был организован совместными усилиями таких научных организаций Академии наук Узбекистана, как институты Истории и Археологии, Хорезмской Академии Мамуна, Института истории, археологии и этнографии Каракалпакского отделения АН РУз, а также сотрудниками Сиднейского университета Австралии — участниками совместной узбекско-австралийской экспедиции. Проведение симпозиума явилось важным событием в научной жизни Каракалпакстана и республики в целом. Его работа проходила при самом активном участии и всесторонней поддержке со стороны правительства Каракалпакстана и хокимията Элликалинского района.

В работе симпозиума помимо ведущих специалистов Узбекистана приняли участие ученые из России, Австралии и Франции. В совместном докладе Д. А. Алимовой, Т. Ш. Ширинова, А. В. Бетте, Л. М. Левиной, Э. В. Ртвеладзе и В. Н. Ягодина «Древний Хорезм в системе цивилизаций Центральной Азии» были представлены новейшие материалы по данной тематике институтов Истории и Археологии АН РУз, Сиднейского университета (Австралия), Института этнологии и антропологии РАН, Института искусствознания Академии художеств РУз, Института истории, археологии и этнографии ККО АН РУз.

Тематически работа симпозиума охватила основные периоды и проблемы первобытной и урбанизированной культуры древнего Хорезма, а также истории и этнографии каракалпакского народа. Часть докладов была посвящена этнокультурным и историческим связям древнего Хорезма с соседними историко-культурными областями.

Одним из первых было выступление М. М. Исхакова, посвященное толкованию отдельных Яштов и гимнов Авесты. Попутно обсуждалась также семантика некоторых топонимов Хорезма.

В докладах А. Бетте, С. Келме, Г. Ходжаннизова, В. Н. Ягодина, К. Сабирова и Р. Абдиримова излагались результаты последних полевых изысканий на территории древнего Хорезма. Первое из указанных сообщений было посвящено проблемам археологии Ташкырманского оазиса. Последние полевые работы, проведенные на Устюрте, позволили датировать известную ранее каменную стену вдоль края этого плато V—IV вв. до н. э. Ее длина составляла около 26 км и в единой системе с высокими обрывами края Устюрта она надежно защищала границу оазиса с юго-западного направления, откуда со стороны державы Ахеменидов могла ожидаться агрессия. Второй доклад, по результатам последних раскопок на городище Хазарасп вызвал дискуссии в связи с предлагавшимся удешевлением даты возведения этого укрепленного города вплоть до конца VII в. до н. э. Новые аспекты истории культуры Хорезма были представлены в сообщении Е. Е. Неразник, связанном с эпохой раннего средневековья.

Ряд докладов был посвящен этнокультурным связям Хорезма в эпоху бронзы и античности. Так, в сообщениях Ю. Ф. Буриякова и В. Д. Рузанава представлены новые материалы о добыче меди и олова в Кызылкуме, а также о связях древних металлургов Хорезма с Согдом, Бактрией и районами Южной Туркмении. Особый интерес вызвал доклад Л. М. Левиной, посвященный результатам многолетних исследований джетыасарской культуры низовьев Сырдарьи, развивавшейся в тесном контакте с Хорезмским оазисом. На примере длительных культурных контактов этих двух генетически связанных историко-культурных регионов были выявлены общие закономерности культурогенеза и этногенеза Приаралья эпохи античности и раннего

средневековья. В сообщении П. Леринца и Ш. Р. Пидаяева освещались связи Бактрии и Хорезма в эпоху древности и средневековья. Была установлена особая значимость Амударьи в развитии торгового флота на водных коммуникациях и роль Термеза как главного портового города в верховьях реки. В сообщении Р. Х. Сулейманова отмечались параллели в идеологических воззрениях жителей Хорезма и Согды в доисламскую эпоху. Для этих соседних историко-культурных регионов было характерно особое почитание женских божеств, что автор склонен объяснять сильным влиянием гинекратических традиций племен сако-массагетского круга, граничивших на севере с Хорезмом и Согдом.

Тематически выделялось сообщение К. Абдиримова и О. Авизмуратова, посвященное древней и средневековой архитектуре, о структуре городища Дэв-Салган и Кой-Крылган-Кала, в композиции планировки и ориентации которых отразились астрономические представления древних хорезмийцев. Последнее сообщение вызвало живой интерес и споры. Было, в частности, отмечено, что древние монументальные культовые сооружения в качестве микрокосма определенного социума отражали его представления о макрокосме. Е. Е. Неразик было также указано на одновременность внешней и внутренней стен городища Дэв-Салган, т. е. как полагает автор, если строители более поздней внутренней стены данного городища какой-то идей и руководствовались в своих действиях, то это следует отнести уже к эпохе средневековья.

Из сообщений, посвященных искусству древнего Хорезма, особый интерес вызвал доклад К. Абдуллаева о трех хорезмийских медных печатях, хранящихся в фондах Самаркандского государственного музея. На одной из них изображена редкая сцена — игра в кости, в которой автор усматривает параллели в изобразительном искусстве Греции, хотя следует отметить и более поздние аналогии из настенной живописи Пенджикента, которую исследователи связывают с индийским эпосом. Остальные две печати по сюжетам аналогичны кругу кушанского искусства.

Теоретическим вопросам сложения государственности и городской культуры в древней Средней Азии был посвящен доклад Ш. Шайдуллаева, который предложил свою периодизацию этапов сложения государственности Средней Азии от эпохи бронзы до конца раннежелезного века, опираясь при этом на методологические разработки аналогичной темы по материалам Месопотамии, проведенным Дьяконовым и Якобсоном.

Особую значимость в работе симпозиума представлял выездной семинар на городища Ахшаханкала и Ташкырман. На первом из них был заслушан стендовый доклад Г. Ходжаиязова по вопросу фортификации Ахшаханкала. Он, в частности, отмечал, что оборонительные стены городища уникальны по своим масштабам. Они имели два или три этажа вверх с внутренними коридорами и были снабжены догрозной стеной — протейхизмой по внешнему краю оборонительного рва. Это была продуманная и глубоко эшелонизированная система обороны столичного города Хорезма в IV в. до н. э. Второй памятник Ташкырман, представляющий собой остатки крупного культового центра V—III вв. до н. э., — сложное многокомнатное сооружение со следами возжигания огня, захоронениями пепла и золы. После заслушивания доклада В. Н. Ягодина возникла оживленная дискуссия о характере культа на данном памятнике.

Проведенный симпозиум позволил ученым подвести итоги последних лет исследований по изучению древнехорезмийской цивилизации, а плодотворные обсуждения и дискуссии способствовали обмену новейшей информацией и более глубокому выявлению роли и места древнего Хорезма в процессах этно- и культурогенеза народов Средней Азии.

Р. Х. Сулейманов

МУНДАРИЖА

Бурҳониддин ал-Маргиноний таваллудининг 910 йиллигига

- О. Қориев. Бурҳониддин ал-Маргинонийнинг ҳаёти ва фаолияти 3

Тарихга янги нигоҳ

- Э. В. Ртвеладзе. О времени проникновения буддизма в Северную Бактрию 9
С. Аҳмад. Мунавварқори Абдурашидхонунинг миллий истиқлол ҳаракати-
даги ўрни ва roli 13
Б. Лунии. Происхождение и судьба Корана Османа 18

Мустақиллик тарихининг илк саҳифалари

- Э. Нуриддинов. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаоли-
ти: асослари ва устувор йўналишлари 27
М. Қодирова. Ўзбекистоннинг подават жамоат ташкилотлари халқаро
алоқалари 37

Езув тарихидан

- М. Исхаков. Преемственность в истории древних тюркских систем пись-
менностей (сегодняско-тюркские контакты) 46

Тарихшунослик, манба ва талқин

- Д. А. Алимова. Ислам и «воинствующий» атеизм в литературе Узбекиста-
на 20—30-х годов 58
Ҳ. Тўраев. «Матлаб ат-толибин» асари Жўйбор хўжалари хонадони ҳақида 64

Еш тадқиқотчи минбари

- Ғ. Бобоёров. Турк хоқонлигининг Мовароуннаҳрдаги бошқарув тизими
ҳақида 71
О. Кобзева. У истоков научного изучения Великого Шелкового пути 79

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

- Қ. Ражабов. Марказий Осиёни ўрганиш Европа жамияти — ESCASнинг
VII халқаро конференцияси (2000 йил, 27—30 сентябр, Вена) 83
Д. Зиёева. Академик Яҳё Ғуломов номли «Ўзбек халқи ва давлатчилиги
тарихи» республика илмий семинарининг навбатдаги йиғилиши ҳақида
(2000 йил, 5 октябр, Термиз) 85
Р. Сулейманов. Международный симпозиум «Цивилизация древнего Хо-
резма в контексте истории мировой культуры» и полевой семинар
«Археология древнего Ташкырманского оазиса» 10—12 октября 2000 г.
(г. Бустан, Республика Каракалпакстан) 86

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- О. Қориев — ЎзР ФА Шарқшунослик институти илмий ходими.
- Э. В. Ртвеладзе — ЎзР ФА Тарих институтининг етакчи илмий ходими, академик.
- С. Аҳмад — «Гулистон» журнали муҳаррири, санъатшунослик фанлари номзоди.
- Б. Лунин — ЎзР ФА Тарих институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор.
- Э. Нуриддинов — ЎзР ФА Тарих институти бўлим мудир, тарих фанлари номзоди.
- М. Қодирова — Қарши шаҳридаги Нодирабегим номли 34-мактаб ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.
- М. Исҳоқов — Тошкент Давлат Шарқшунослик институти кафедра мудир, тарих фанлари доктори.
- Д. А. Алимова — ЎзР ФА Тарих институти директори, тарих фанлари доктори.
- Ҳ. Тўраев — ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Бухоро филиали мудир, тарих фанлари номзоди.
- Г. Бобоёров — ЎзР ФА Шарқшунослик институти, кичик илмий ходими.
- О. Қобзева — Мирзо Улугбек номли Ўзбекистон Миллий университети аспиранти.

Содержание

1. Введение

2. Описание

3. Технические характеристики

4. Инструкция по эксплуатации

5. Заключение